

А.А.АШИРОВ

А.АТОЖОНОВ

# ЭТНОЛОГИЯ



Мазкур ўқув қўлланмада этнология фанининг асослари, унинг асосий тадқиқот объекти ва муаммолари ҳамда мазкур фаннинг тарихи борасида дастлабки умумлаштирувчи маълумотлар тизимли тарзда баён қилинган. Шунингдек, муаллифлар томонидан илк бора этнологиянинг замонавий йўналишлари ва мактаблари, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, этнос ва этниклик муаммосига оид қарашлар ва умуман олганда, этнология фанининг назарий-методологик муаммолари янгича қарашлар асосида таҳлил этилган.

Ушбу ўқув қўлланма таништирув характериға эға бўлиб, ижтимоий-гуманитар йўналишда таҳсил олаётган талабаларни этнология фанининг асосий муаммолари билан таништиради. Қолаверса, талабаларни тадқиқотчи сифатида этнографик материаллар йиғиш ва йиғилган маълумотларни мустақил таҳлил қилишға ўргатади. Қўлланма ижтимоий-гуманитар фанларға ихтисослаштирилган Олий ўқув юр்தларининг бакалавр ва этнология билан қизиқувчи бошқа соға вакиллари учун муҳим ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Масъул муҳаррир:** *Низомий номидаги ТДПУ «Ватан тарихи» кафедраси мудири академик А.Асқаров.*

**Такризчилар:** *ЎзРФА Тарих институти Этнология бўлими бошлиғи т.ф.д. З.Х. Орифхонова.*

*Низомий номидаги ТДПУ «Манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси мудири т.ф.н. доцент Г.Фузаилова.*

*Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти т.ф.н. У.С.Абдуллаев.*

**Компютер саҳифаловчи:** Р.Ботирова.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

Аширов Адҳамжон Азимбоевич  
Атажанов Шерзод

**Э Т Н О Л О Г И Я**

Тошкент – 2006

## Уқтириш хати

**Қўлланманинг асосий мақсади** ижтимоий-гуманитар йўналишида таълим олаётган бакалавр-талабаларга этнологиянинг асосий тадқиқот мавзуси ва муаммолари ҳамда замонавий тадқиқот услублари борасида дастлабки билимларни бериш ва уларнинг келгусидаги мустақил илмий фаолиятларида зарур бўладиган даражадаги этнологик маълумотлар билан таништиришдир. Шу боис китобда замонавий этнология фанининг асосий йўналишлари ва мактаблари, этнос назарияси билан боғлиқ устувор назарий методологик қарашлар, дунё халқлари классификацияси, маданият ва унинг этник функциялари, этномаданият муаммолари ва тарихий тадқиқотларда этнологик ёндашув қўлланишига бирмунча жиддий эътибор қаратилган. Булардан ташқари қўлланмада этнология тарихи, уни фан тарзида шаклланиш босқичлари, тадқиқот объекти ва муаммолари, этнологиянинг асосий йўналишлари ва мактаблари, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар илмий асосли тарзда таҳлил этилиши билан бирга илк бора ўқувчилар ихтиёрига ўзбек тилида примордиалистик ва конструктивистик мактаб намоёндаларининг этнос ва этниклик муаммоси борасидаги баҳс-мунозоралари таҳлилий маълумотлар асосида етказилган.

Китобда муаллифлар томонидан этнология фанининг сўнгги ўн йилликлардаги тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги мактаблар ва концепциялар билан бирга этнологияга ёндош бўлган фанлар, жумладан, маданиятшунослик, социология, ижтимоий антропология, сиёсатшунослик йўналишларида ишлаб чиқилган қатор янги назарий методологик қарашлар таҳлил этилган. Бу эса шубҳасиз бўлғуси тарихчиларни замонавий этнология фани муаммоларини мухтасар тарзда англаб етишлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари қўлланмада ҳар бир мутахассис учун амалиёт жараёнида зарур бўладиган дала этнографик экспедицияларини ўтказиш тартиби ва унинг ўзига хос услублари ҳамда этнологик билимларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва амалий аҳамиятига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган.

**Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари тийёрлашда қўлланманинг ўрни:** Мазкур ўқув қўлланма таништирув характериға эға бўлиб, гуманитар йўналишда таҳсил олаётган бакалаврларни этнология фанининг назарий-методологик муаммолари билан таништиради. Талабаларни замонавий этнология фани тадқиқот мавзулари билан таништириш баробарида тадқиқотчи сифатида дала-этнографик материаллар йиғиш ва тўпланган дала материалларини мустақил тарзда қайта ишлаш, таҳлил қилишға ҳам ўргатади.

Қўлланмани яратиш жараёнида С.В. Лурьенинг «Тарихий этнология» (М.:1998), А.П.Садохиннинг «Этнология» М.: 2000.) ва И.Жабборовнинг «Жаҳон халқлари этнологияси» дарсликларидан (Т.: 2005) фойдаланилди. Шунингдек, ўзбек элшунослик мактабининг асосчиси К. Шониёзовнинг этногенез ва этник тарих муаммоларига оид «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» (Т.: 2000) номли фундаментал асаридан, т.ф.д. А. Дониёровнинг «Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари» (Т.: 2003.) рисоласидан, элшунос олим О. Бўриев ва Т. Хўжамбердиевларнинг «Этнологик атамаларнинг қисқача изохли луғати»дан (Қарши, 2004.), Ўз.РФА Тарих институти томонидан «академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар» (Т.: 2004.) ва «Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар» (Т.: 2005.) мавзуларидаги халқаро илмий анжуманлар материалларидан ҳамда академик А.Аскарлов томонидан ташкил этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» (Т.: 2004.) мавзусида ўтказилган семинар материалларидан ҳам бевосита ва билвосита фойдаланилди.

Қўлланманинг 4–боби - «Дунёнинг этник манзараси ва этнослар классификацияси» қисми Ш.Атажонов томонидан, қолган қисмлари эса т.ф.н. А.Аширов томонидан ёзилган. Китобга илова тарзда берилган этнологик дала тадқиқотларини ўтказиш учун намунавий дастур режаси ЎзРФА Тарих институтининг илмий ходими А.Қаюмов томонидан тайёрланди.

Олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар факультетлари талабалари учун мўлжалланган мазкур ўқув қўлланма замонавий этнология фани тараққиётида эришилган сўнгги ютуқлар асосида илк маротоба ўзбек тилида яратилганлиги сабабли ҳам унда баъзи жузъий камчиликларнинг учраши табиийдир. Шу боисдан ҳам мутахассис олимлар, пешқадам педагоглар ва зукко китобхонлардан амалий таклиф ва мулоҳазалар кутиб қоламиз.

## *Кириш*

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий хусусиятларни ўрганиш соҳасида янги зарварақларни муҳрламоқда. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин халқимизнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятлар, тарихий анъаналарга бўлган эътиборнинг ортиши ва миллий-этник ўзликни англаш ҳиссини кучайиши натижасида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид салмоқли тадқиқотлар яратилди. Қолаверса, узок йиллар давомида аجدодларимиз томонидан яратилган бебаҳо меросимизни, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни қайтадан жонланиши ҳамда уларнинг энг ибратли жиҳатларини жамият ҳаётига олиб кириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Бошқа томондан эса айнан кейинги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган улкан глобализацион жараёнлар ва турли тарихий-этнографик минтақалараро коммуникация тизимини такомиллашуви этномиллий анъаналарга жиддий таъсир қилмоқда. Қолаверса ўтган XX аср тарих саҳифасига нафақат фан-техника тараққиёти асри бўлиб, балки турли-туман можаролар ва миллий-этник низолар асри бўлиб ҳам кириб келди. Шу боис ҳозирда этнологияга бўлган эътибор ошиб бормоқда. Тадқиқотчи олимлар томонидан этнология фанинг турли-туман янги йўналишларида илмий тадқиқотлар бажарилмоқда. Айниқса бу борада тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнда шахс ва жамоа муносабатлари, замонавий цивилизацион жамиятда миллий маданиятларнинг роли, сақланиб қолиш омиллари, этномиллий можаролар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда мазкур воқеаларда этник факторнинг ўрни каби муаммолар муҳим илмий-аҳамият касб этиб бормоқда. Натижада XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб фаннинг тадқиқот объекти ва методлари ҳам тубдан ўзгаришига олиб келди. Тадқиқотчилар томонидан нафақат археик турмуш тарзи соҳиблари бўлган халқлар, балки замонавий индустрлашган халқлар ва маданиятлар ҳам тадқиқот объекти тарзида тадқиқ қилина бошланди. Шунингдек ҳозирда кўпроқ локал этно-миллий маданиятларга тадқиқот объекти тарзида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида Республикамизда ҳам сўнгги йилларда этнолог олимлар томонидан тарих, социология ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлар ютуқлари асосида тадқиқотлар яратиш борасида дастлабки амалий ишлар бажарилмоқда. Шунингдек тадқиқотчи олимларимиз томонидан Республикамизнинг турли тарихий-этнографик минтақалари этнологияси, Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи, қадимий анъаналари, ўзбек халқига хос бўлган миллий-этник хусусиятларни ўрганиш борасида анча самарали илмий тадқиқотлар бажарилмоқда. Лекин афсуски, анъанавий ва замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий этнология фанининг долзарб муаммолари, янги мактаблар ва назариялар таҳлили, дунё маданияти эволюциясида этник омилнинг ўрни, маданиятларнинг тарихий хилма-хиллилиги, антропогенез ва этногенез жараёнлар, миллий-этник маданиятни цивилизацион жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти муаммоларини ёритиб берувчи ҳамда уларни ёш авлод тафаккурига сингдирувчи дарсликлар ва ўқув қўлланмалар етишмайди. Шу боис ҳам муаллифлар мазкур қўлланмани «Этнологияга кириш» деб номладилар ва қўлланмада юқорида баён этилган муаммоларни яхлит бир тизимли тарзда умумлаштирилган ҳолда талабаларга етказишга ҳаракат қилдилар. Хуллас мазкур китобда замонавий этнология фанининг моҳияти, тадқиқот объекти ва методлари ҳамда жамият ҳаётида мазкур фаннинг тутган ўрни, аҳамияти кенг қамровли манбалар ва махсус илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган. Махсус адабиётлар ва дарсликлардан маълумки, этнология - антропогенез ва этногенез жараёнлар, цивилизациялар ва маданиятларнинг тарихий ранг-баранглиги, дунё халқлари тараққиётида этник омилнинг ўрни ва роли, этнослараро коммуникация шакли ва турлари, миллий-этник ўзликни англаш принциплари, анъанавий машғулот ва хўжалик-маданий типлари, моддий ва маънавий маданият, халқ байрамлари, ўйин ва маросимлари, ижтимоий муносабатлар, жамоа анъаналари, диний қарашларга оид умумлаштирилган билимлар билан таништиради. Шунингдек, халқ ҳаёти билан бевосита боғлиқ жараёнлар тўғрисида тизимли билимларни берувчи фандир. Мазкур

муаммоларни атрофлича ўрганиш шубҳасиз маънавий етук ва малакали мутахассисларни тайёрлашда катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

## **1-Боб. ЭТНОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ. УНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ.**

---

§1.1. Этнологиянинг фан тарзда шаклланиши

§1.2. Этнология мавзуси

§1.3. Этнология методлари

§1.4. Этнологияни бошқа фанлар билан алоқалари §1.5. Ўзбекистонда этнология фани: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари

---

### **§ 1.1. Этнологияни фан тарзда шаклланиши.**

**Этнологиянинг пайдо бўлиш тарихи.** Ҳар қандай фаннинг фан сифатида шаклланиши инсонлар эҳтиёжи билан маълум маънода боғлиқдир. Шубҳасиз, бу ҳолат этнология фани учун ҳам тааллуқлидир. Инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида яшаган барча этнослар ўзига хос турмуш-тарзи, урф-одатлари ва анъаналари билан бири-бирдан ажралиб турган. Ўтган минг йилликлар мобайнида йиғилган билимлар шундан далолат берадики, ер шарида гарчи турфа хил расм-русмлар ва урф-одатларга эга халқлар яшашларига қарамай, уларнинг барчаси табиатнинг ажралмас бир қисми тарзида ривожланганини ва айнан табиий-географик ҳамда хўжалик муносабатлари билан боғлиқ ҳолда ўзига хос этномаданий анъаналарга эга бўлганлигини кўрсатади.

Энг қадимги даврлардан бошлаб кишилар нафақат ўзларининг балки теварак атрофларда ва узоқ юртларда яшовчи эл-улуслар, уларнинг маданияти, анъана ва маросимларига қизиқиб, улар тўғрисида маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қилганлар. Антик давр муаллифлари кўплаб эмпирик материалларни йиғишга, турли-туман халқларнинг хўжалик ва маданий белгиларига қараб таснифлашга интиланганлар. Лекин ўша давр муаллифлари асосан жангчилар, сайёҳлар, элчилар ва бошқа мамлакатларда турли мақсадларда бўлган кишиларнинг хотиралари ёки бўлмаса ўзга юртлар тўғрисидаги турли-туман ривоятларга асосланиб маълумотлар берганликлари боис ҳам уларнинг бизгача қолдирган маълумотлари кўпинча умумий ёки мавҳумий хусусият касб этган.

Этнология-халқлар тўғрисидаги мустақил фан сифатида XIX - аср ўрталарида пайдо бўлган. Мазкур фаннинг айнан шу даврда пайдо бўлишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Аввало, бу даврда дунё қитъалари орасида иқтисодий, маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, турли халқларнинг мустамлака тузум таъсирига тушиб қолиши ва мустамлакачи давлатларни ўз мустамлакаларини осонлик билан бошқаришга интилиши у ерларда яшовчи маҳаллий халқлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлишни талаб қилар эди.

Қолаверса, ўша даврда буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилиши натижасида дунёнинг турли минтақалари орасида ўзаро этномаданий тараққиётдаги ўзаро фарқларни, бошқа элларда яшовчи этник гуруҳларнинг ўзига хос этнопсихологияси ва уларнинг этник ўзликни англаш механизми, тарихнинг маълум даврларида у ёки бу халқнинг тутган ўрни, цивилизациялар ва маданиятлар тараққиёти ҳамда таназзулида этник омилнинг ўрни каби муаммоларни пайдо қилди.

Ана шу муаммолар ва саволларнинг ечими тарзида қатор янги назариялар ва концепциялар яратилди. Бу эса этнологиянинг дастлабки илмий мактаблари ва йўналишлари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Кейинчалик мазкур илмий мактаблар ва йўналишлар асосида халқлар тўғрисидаги махсус фан - *этнология* шаклланди. Этнология фанининг номи ҳам бошқа кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар каби юнонча- *ethnos* (*халқ*) ва *logos* (*фан*) сўзларидан олинган бўлиб, «*халқ тўғрисидаги фан*» деган маънони билдиради<sup>1</sup>. Этнологиянинг асосий тадқиқот объекти бўлган «этнос» сўзи илк бор қадимги грек тилида

---

<sup>1</sup> *R.H. Winthrop. Dictionary of Concepts in Cultural Anthropology. N.Y., Westport, Connecticut, L., 1991, p.101*

учрайди. Тахминан милоддан аввалги VI-V асрларда бу сўз келиб чиқиши грек бўлмаган уруғ ва қабилаларга нисбатан қўлланилган. Айнан шу маънода бу атама рим маданияти ва лотин тилида ишлатилган.

XVIII асрнинг охирларига қадар этнос тушунчаси ниҳоятда чегараланган тарзда истеъмолда бўлди. Фақат XIX асрдан эътиборан бу термин илмий адабиётларда «халқ» («народ») маъносида кенгроқ қўлланила бошлаган.

XIX асргача "этнология" ибораси махсус фанга нисбатан эмас, балки онда-сонда турли этнографик жараёнларни тавсифлаш мақсадида ишлатилган.

Дарвоқе, «этнология» термини фанга илк маротаба 1784 йил А.Шаванн томонидан олиб кирилган. Лекин ушбу фаннинг тараққиёти биров кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, француз олими *Жан Жак Ампер* томонидан 1830 йилда "антропологик" (ижтимоий) фанларнинг умумий таснифини ишлаб чиқиш жараёнида халқлар ва уларнинг маданияти тўғрисидаги янги фаннинг номланиши тарзида махсус изоҳ берилган. Кейинчалик мазкур термин Европа давлатларига жуда тезлик билан ёйилган. Умуман этнология мустақил фан тарзида бир қатор этнологлар жамиятларининг (жумладан, 1839 йил Парижда Франциядаги этнологлар жамияти, 1842 йил АҚШда ташкил топган Америка этнологлар жамиятининг) тузилиши билан расман тасдиқланган<sup>2</sup>. Бироқ, шундан кейин турли илмий мактаблар ва йўналишлар ўртасида мазкур фаннинг фанлар тизимидаги ўрни, тадқиқот мавзуси борасидаги масалалар борасида кескин мунозаралар юзага келдики, бу баҳслар бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Мазкур баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган муаммолар орасида фаннинг мазмуни ва номланиши борасидаги масала алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунга келиб айрим мамлакатларда мазкур фан «этнология», ёки «этнография» деб номланса, қатор ғарб мамлакатларида ушбу фанни «маданий антропология» ёки «ижтимоий (социал) антропология» деб юритиш анъанага айланган. Маълумки, яқин ўтмишда собиқ Иттифоқда элшунослик фани «этнография» деб номланиб, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган институт ва илмий тадқиқот марказлари ҳам шу атама билан юритилар эди. Бироқ ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан ушбу фанга нисбатан «этнография» атамаси билан бирга «этнология» атамаси ҳам қўлланиладиган бўлди.

**Этнография** юнонча бўлиб, «этнос» -халқ «графия» тавсифлаш деган маъноларни англатган. Мазкур фаннинг методологик масалаларига бағишланган қатор ишлардан кўринадики, «этнология» ва «этнография» тушунчаларини айнан бир тушунчалар тарзида қабул қилиш ҳам тўғри эмас. Негаки, агар анъанавий «этнография» у ёки бу этносга (этник бирликка) оид материалларни тўплаб, тизимлаштириб ва уни кўпроқ тавсифлаб берса, «этнология» этнос ҳақидаги барча маълумотларни назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилади ва бу хусусда умумий хулосалар чиқаради. Демак, «этнография» тушунчаси «этнология» тушунчасига нисбатан нафақат кенгроқ тушунча, балки этнологиянинг маълум бир қисми деб айтиш мумкин. Ўз навбатида шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакатда мазкур фаннинг пайдо бўлиши ва номланиши ўзига хос тарихга эга.

**Европада этнология мактабларини шаклланиши.** Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Европа мамлакатлари орасида этнология мустақил фан тармоғи сифатида дастлаб Францияда «Париж этнографлар жамияти»нинг тузилиши билан шаклланган. XIX аср иккинчи ярмида Европадаги бошқа йирик давлатлар сингари Франция сиёсий доиралари томонидан мустамлакачилик сиёсатини кучайиши ва мустамлакаларни бошқариш механизмнинг мураккаблашуви қарам халқлар тўғрисида кенгроқ маълумотларга эга бўлишни, уларнинг миллий хусусиятлари, ўтмиш тарихи, турмуш тарзи, маданияти ва анъаналари ҳақида батафсилроқ маълумот олишни талаб қилган. Шу боис этнология бу ерда "этнография" (юнонча *ethnos* - халқ, *graphien* - баён қилиш) деб юритилган. Францияда мазкур термин XIX аср охиригача илмий истеъмол доирасида бўлган. XX аср бошларида

---

<sup>2</sup> Лурье С.В. Историческая этнология. Учебное пособие для вузов.- М., Аспект Пресс, 1998. С.5.



француз тадқиқотчилари томонидан этнографияга тарихий ва назарий материалларни жалб этган ҳолда изланишлар олиб борилиши натижасида этнография этнологияга айланган ва ҳозирда француз олимлари томонидан асосан этнологик тадқиқотлар олиб борилади.

Халқлар тўғрисидаги фан - этнология тарзда шаклланган мамлакатлардан яна бири Германиядир. 1789 йил Германияда европалик бўлмаган халқлар ва уларнинг маданиятларини ўргануви «**Yolkerkunde**» деб номланган илмий мактабга асос солинган. XIX асрнинг 30-йилларида немис сайёҳлари ва тадқиқотчилар томонидан барча ўрганилган халқларга нисбатан "этнология" терминини қўшиб тадқиқ қилиш расм бўлган. XIX аср ўрталарига келиб эса "**Yolkerkunde**" ва "**этнология**" иборалари бир хил маънода, яъни инсоният маданиятини тадқиқ қилувчи фан тармоғига нисбатан қўлланилган. Қизиғи шундаки, немислар орасида мазкур термин ҳозирда ҳам баъзида этнологияга синоним тарзда қўлланилади. Бундан ташқари немисларда халқлар тўғрисидаги **Volkskund** (халқшунослик) деган йўналиш ҳам мавжуд бўлиб, буни асосан немис тилида сўзлашувчи халқлар ва уларнинг маданияти ўрганади. XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб Германияда этнологик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлар анча самарали натижалар бера бошлаган. Айниқса, бу борада Макс Планк номидаги Этнология ва антропология илмий тадқиқот институти томонидан олиб борилаётган изланишлар алоҳида эътиборга сазовордир.

Инглиз тилида сўзлашувчи халқлар орасида этнологиянинг фан тарзда шаклланиши бирмунча бошқачароқ тарзда кечган. Аввало инглизчабон мамлакатларда халқлар тўғрисидаги фан антропологиянинг бир қисми сифатида ўрганилган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, антропология инсоният табиатига оид биологик фан тарзида пайдо бўлишини айрим тадқиқотчи олимлар О. Госманнинг 1596 йилда айнан шу номдаги китобининг нашр этилиши билан боғлайдилар.

XVIII асрда дунё миқёсида мустамлакачилик сиёсати ва иркчилик ҳамда демографик жараёнларнинг кучайиши антропологияни жуда тезлик билан ривожланишига олиб келган. Натижада XIX асрга келиб Европа мамлакатларида "орқада қолган" ибтидоий халқларни ўрганувчи қатор антропологик жамиятлар тузила бошлаган. 1906 йил инглиз этнология мактабининг асосчиларидан бири Дж. Фрээр томонидан "Ижтимоий антропология" номи янги йўналишга асос солинди. Мазкур йўналиш орқали машҳур инглиз тадқиқотчиси ўзининг мустақил мактабини яратган ва у ўз қарашларини «маданий антропология» номи билан юритилувчи Э. Тайлор қарашларидан ажратиб олишга муяссар бўлди. Дарҳақиқат, "ижтимоий антропология" ибораси дунё бўйича жуда тезликда тарқалди ва кейинчалик этнологиянинг инглизча синонимига айланган. Ҳозирда ҳам айрим «ижтимоий антропология» мактаби вакиллари ўзларининг илмий изланишларини турфа хил маданиятлар соҳиблари бўлган айрим этник гуруҳлар тадқиқига қаратадилар.

**АҚШда этнология фани таракқиёти.** Америкада дасстлабки этнологлар жамияти 1842 йилда тузилган бўлсада Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда АҚШда этнология мактаблари амалда бу минтақада мазкур фан бирмунча кечроқ шаклланган. Негаки, Америка аҳолисининг этник ранг-баранглиги ва узоқ йиллар мобайнида мазкур китъада давом этган иркчилик сиёсати натижасида Америкада жисмоний антропологиянинг иркчий ва маданий фарқларигина тадқиқ қилинади. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур йўналишга машҳур олим Генри Льюс Морган томонидан асос солинган бўлса-да унинг ибтидоий жамиятда уруғчилик, оила-никоҳ муносабатлари типлари таснифи, инсоният тарихини даврлаштириш каби мавзулардаги содда тадқиқотлари бир неча ўн йиллар мобайнида Америка этнологлари учун муҳим тадқиқот мавзулари бўлиб хизмат қилган. XX асрнинг ўрталарида Франс Баоснинг саъй-ҳаракати билан Америка олимлари ўзларининг илмий йўналишларини бирмунча чуқурлаштирган ва тадқиқотчилар томонидан халқларнинг маданиятидаги фарқли хусусиятларга жиддий эътибор қаратила бошланган. Франц Баос томонидан бу йўналишга «маданий антропология» (кейинчалик эса мазкур йўналиш ҳар қандай этнологик тадқиқотларга нисбатан қўлланила бошланди, ёки бошқача қилиб айтганда, «этнология»нинг америкача номланиши бўлди А.А.) номи берилган.

**Россия этнология мактабининг шаклланиши.** Россияда этнография

йўналишидаги дастлабки тадқиқотларга 1846 йили Рус география жамиятининг тузилиши натижасида асос солинган. Ушбу жамиятнинг асосий мақсадларидан бири Россиянинг мустамлака минтақалари табиати, табиий бойликлари, ўтмиш тарихини тадқиқ этиш билан бирга мазкур минтақаларда яшовчи халқларнинг этник хусусиятларини, миллий қадриятларини ўрганишни тақозо қилган. Айниқса, Чор Россияси маъмурларининг Сибирь, Ўрта Осиё, Кавказга бўлган қизиқишлари натижасида мазкур ҳудудларни ўрганиш учун ташкил этилган қатор комплекс экспедицияларга ҳукумат томонидан молиявий кўмак берилиши мустамлака халқлар турмуш-тарзи, миллий анъаналари ва этнографиясига оид айрим муҳим маълумотларни йиғилишига сабаб бўлган.

Рус этнографияси мактабининг шаклланишида машҳур сайёҳ ва тадқиқотчи Миклуха Маклайнинг хизмати беқиёсдир. У бутун инсониятнинг аждодлари бир эканлиги турли ирқлар ва халқлар орасида жисмоний ҳамда психологик фарқ мавжуд эмаслигини исботлашга ҳаракат қилган олимлардан бири ҳисобланади. Олимнинг ёзишича, халқлар орасидаги фарқ уларнинг табиий ва ижтимоий шароитлари билангина боғлиқдир. Миклуха Маклай ўз ҳаётининг кўп даврини Янги Гвинея папауслари ва Океания халқлари орасида ўтказиб уларнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш орқали ирқчилик назариясига қарши ишонарли маълумотлар йиғишга муяссар бўлган.

Собиқ советлар даврида мазкур фан асосан тавсифий характерга эга бўлганлиги боис этнография деб юритилган. Қолаверса, бу фан ҳам бошқа қатор ижтимоий-гуманитар фанлар сингари советлар мафкураси учун хизмат қилган. Мамлакатда асосан ягона совет халқи яратиш тўғрисидаги ғоя устун бўлганлиги боис этнограф олимлар ҳам ўзларининг тадқиқотларида кўпроқ советлар даври одамлари этнографиясини ўрганишга қаратганлар. Умуман олганда, бу даврдаги кўплаб тадқиқотлар махсус сиёсий буюртмалар характерида бўлиб, этник ривожланишнинг барча жараёнларини ёритиб бера олмас эди. Айниқса, бу даврда этник тарих, этник онг, этник ўзликни англаш, этномиллий қадриятлар, этномаданият, этнослараро жараёнлар каби этнологиянинг асосий муаммоларини тадқиқ қилиш маълум маънода чекланган эди. Лекин ўз ўрнида шуни ҳам эътироф этиш керакки Миклуха Маклай номидаги Этнография (ҳозирги Этнология ва антропология) институти нафақат собиқ иттифоқ миқёсида балки дунё миқёсида ҳам мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб борган ва олиб бораётган илмий марказларидан бири ҳисобланади.

**Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки этнографик тадқиқотлар.** Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқининг этнографияси ҳақидаги илк маълумотлар археологик ёдгорликлар ҳамда турли қадимий манбалардан маълум. Қадимги даврларда ва ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё бўйларида яшаган халқлар этнологиясини ўрганишда зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто», қадимги туркий битиклар ва суғдий ёзувлар, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т - турк», Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ҳамда «Насабномаи ўзбек», Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» каби асарлари катта аҳамиятга эга.

**Чор Россияси мустамлакаси ва советлар даврида мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган этнографик тадқиқотлар.** XIX асрнинг 70-80 -йилларига келиб Ўрта Осиё халқларининг антропологияси, миллий-этник тузилиши, анъанавий хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш борасида маълумотларни тўплаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган.

1870 йилда Самарқанд, Бухоро, Урганч бўйича уюштирилган илмий экспедиция (Н.Н.Каразин, Н.Е.Симанов)лар ўз даврида этнографик маълумотларни тўплаш имконини берган.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинган, ўзбек халқи этнографиясини ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, 1895 йилда Тошкентда Археология хаваскорлари Туркистон тўғарагининг ташкил этилиши натижасида ўзбек халқининг этнографиясига оид илмий материаллар йиғила бошланди. Шунингдек,

Сатторхон Абдуғаффоров, Мирзо Барот, Мулла Қосимов, Муҳаммад Вафо, Г.Арандренко, Л.С.Берг, В.Л. Вяткин, М.Ф.Гаврилов, А.Д.Гребенкин, А.А.Диваев, И.И.Ибраҳимов, А.В. Каулбарс, П.Е. Кузнецов, Д.Н. Логофет, Н.А.Маев, А.Е.Снесарев, М.С. Андреев, А.А. Семенов, А.Ф.Петровский, А.П.Шишов, В.Н.Наливкин, Н.П.Малицкий кабиларнинг тадқиқотларида ўзбек халқининг этник тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, геополитик жойлашуви, ўзаро ички ва ташқи алоқалари, анъанавий турмуш тарзи ва маданияти ҳамда қатор маросимлари ва урф-одатларига оид кўплаб илмий материаллар тўпланган.

XX асрнинг биринчи чорагида Республикамиз ҳудудида этнографик тадқиқотларни ўтказишда ёш Туркистон Республикасининг фан ва маориф ташкилотлари анча жонкуярлик кўрсатган. 1921 йилда маҳаллий ҳокимият томонидан ўз даврининг машҳур этнограф олимлардан ташкил топган «Туркистон туб аҳолисининг маиший турмушини ўрганиш илмий комиссияси» ўзбек этнология ривожига муҳим амалий тадқиқотларни олиб борган бўлиб, бу борада машҳур элшунос тадқиқотчи олим А.А.Диваев раҳбарлигида Сирдарё вилоятини ва Ўрта Осиё халқлари этнографиясининг билимдонларидан бири М.С.Андреев бошчилигида Самарқанд вилояти ҳудудида яшовчи эл-улуслар этнографияси ва бой фольклор наъмуналарини ўрганиш борасида этнофольклористик экспедициялар уюштирилган.

1928-30 йилларда йирик ўзбек фольклоршунослари Ғози Олим Юнусов ва Ҳоди Зариповлар ҳамда машҳур рус этнографи Л.П. Потаповлар томонидан Ўзбекистон маданияти, этнографияси ва фольклорини ўрганиш борасида уюштирилган махсус экспедициялар жараёнида ҳам ўзбеклар этнографияси бўйича ҳам жуда бой материаллар йиғилган.

XX асрнинг 20-30 - йилларига қадар этнография муаммолари билан кўпроқ русий-забон олимлар шуғулланган бўлсалар, 30-йиллар охирига келиб Республика музейларида фаолият олиб борган Турди Мирзаев, М.А. Бикжанова, Ш. Иноғомов, Т. Мирғиёсов, М.Юсупов, Ҳ. Ҳусанбоев, Г. Алимов, А. Болтаев, М. Саиджонов каби маҳаллий мутахассис-этнографлар авлоди шаклланган. Бу даврда яратилган тадқиқотлар музейларда ва илмий марказларда бажарилган бўлиб, асосий илмий натижалар турли журналларда мақолалар тарзидагина эълон қилинган.

Этнография фани билимдонларидан бири т.ф.д. А.Дониёровнинг ёзишича, ўша йилларда этнограф ва тарихчилар ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқлари ва улар аجدодларини келиб чиқиш муаммосини фаол ўрганишга киришганлар<sup>3</sup>. Натижада қатор комплекс экспедициялар ва тадқиқотлар бажарилган. Бу борада айниқса машҳур археолог ва элшунос олим С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм архео-этнографик экспедицияси муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур экспедиция таркибида ўзларининг дастлабки илмий изланишларини олиб борган Т.А.Жданко, К.Л.Задыхина, И.Жабборов, С.Камолов, Г.П.Снесарев каби тадқиқотчилар кейинчалик машҳур этнограф олимлар бўлиб етишишган. Улар Хоразм воҳасида яшовчи халқлар-ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар ва қозоқларнинг маданияти ва турмушига оид кўплаб асарлар яратишди.

Хоразм экспедицияси тадқиқотлари, бир томондан, Ўзбекистон этнографлари учун минтақа халқларининг этногенези, хўжалик ўтмишини, моддий ва маънавий маданияти тарихини, турмуши ва урф-одатларини тадқиқ этишдек мураккаб масалаларни ҳал этиш имкониятини яратди. Иккинчи томондан, этнографик тадқиқотлар ва хулосалар орқали тарихчиларнинг тадқиқотчилик амалиёти учун муҳим таркибий қисм ҳисобланган ижтимоий институтлар ва оилавий таркибларни тарихий асослаш учун қулай имкониятлар юзага келди.

1943 йил ЎзФА Тарих ва археология институти таркибида Этнография бўлимининг ташкил этилиши Республикада этнографик илмий изланишларни жонлантириб юборди деб айтиш мумкин. Бу даврда тадқиқотчилар томонидан асосан тарихий ва замонавий этнография ҳамда ўзбекларнинг этник муаммолари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилди.

1950-53 йиллар мобайнида Фарғона водийсини ўрганиш бўйича ташкил этилган

---

<sup>3</sup> Дониёров А. Ўзбекистон этнографияси тарихидан лавҳалар (XX асрнинг 20-80 йиллари).-Т.: Янги аср авлоди, 2003.7-бет.

илмий экспедиция жараёнида Наманган ва Фарғона вилоятлари қишлоқ аҳолиси турмушида совет даврида юз берган ўзгаришлар ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан ўрганилган.

1960-70 йилларда ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихи, этник таркиби ҳамда минтақадаги қатор субэтнослар бўйича К.Ш. Шониёзов, Т. Файзиев, Б.Аҳмедов, И.Эрматов, Б.Х.Кармишева каби тадқиқотчи олимларнинг қатор фундаментал монографиялари нашр қилиниши ўзбек халқи этнографиясида этногенез ва этник тарих йўналишини жонланишига сабаб бўлди деб айтиш мумкин. Шунингдек, бу даврда ўзбекистонлик қатор олимлар (К.Ш.Шониёзов, О.А.Сухарева, И.М.Жабборов, М.А.Бикжонова ва бошқ.) «Жаҳон халқлари» туркумида чиққан «*Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари*» номли икки томлик фундаментал асарни (М.:1962.) ёзилишида бевосита фаол қатнашдилар.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг айрим минтақалари аҳолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берувчи вилоятлар бўйича этнографик хариталар тайёрланди (Ш.И.Иноғомов, К.Шониёзов, Х.Тошев, Б.Аминов ва б.). Ўзбекистондаги ишчилар синфининг ҳаёти ва турмушидаги ўзгаришлар ҳақида этнографик тадқиқотлар (Ф.О.Орипов, Ш.Музаффаров, К.Л.Задыхина, Р.Қурбонғалиева, Т.Х.Тошев, Х.Исмоилов ва б.) пайдо бўлди. Бу даврда ўзбекларнинг ижтимоий ҳаёти ва анъанавий турмуш тарзига бағишланган қатор асарлар яратилди (И.М.Жабборов, С.Мирҳосилов, М.Рўзиева ва б.).

Ўтган асрнинг 70-80 - йилларида мустабид совет тузумининг мафкуравий тазйиқи туфайли ўзбек халқи этнологиясини ўрганишда сусайиш жараёни юз берди. Мамлакатда асосан ягона совет халқи яратиш тўғрисидаги ғоя устун бўлганлиги боис этнограф олимлар ҳам ўзларининг тадқиқотларида кўпроқ советлар даври одамлари этнографиясини ўрганишга қаратганлар. Советлар даврида барча ижтимоий фанлар каби этнография фани ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар коммунистик мафкура призмасидан ўтказилди. Лекин шунга қарамасдан, К.Шониёзов ва Ҳ.Исмоиловларнинг «Ўзбеклар моддий маданиятидан этнографик лавҳалар» (1981), С.С. Губаеванинг «Фарғона водийси аҳолиси ва унинг этник таркиби» (1983), Х.Тошевнинг «Зарафшон ўзбекларининг ижтимоий турмуши ва хўжалиги» (1987), Т.Тошбоева ва М.Савуровларнинг «Ўзбек оиласи турмушидаги анъанавийлик ва замонавийлик»(1989) каби асарлари эълон қилинди.

**Мустақиллик йилларида этнология фани.** XX аср давомида этнология йўналишида бой эмприк ва назарий материаллар йиғилди. XX асрнинг биринчи ярмида бажарилган академик тадқиқотларда кўпроқ ўтмишга айланаётган анъанавий урф-одатлар тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олишга диққат - эътибор қаратилган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мавжуд вазият ўзгарди ва этнологик материалларнинг амалий қиммати ошди.

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин этнология фани ҳам янги босқичга кўтарилди. Айниқса, этногенез ва этник тарих муаммолари бўйича қатор тадқиқотлар яратилди. Бу соҳада академик олим К.Шониёзовнинг қатор фундаментал тадқиқотлари ва монографиялари алоҳида эътиборга моликдир. Заҳматқаш ва фидойи олим К.Шониёзов ўзининг қарийб ярим асрлик илмий фаолияти мобайнида Марказий Осиё минтақасида яшовчи ўзбеклар ва бошқа қардош халқлар этногенези ва этник тарихини изчил ўрганди, юздан ортиқ илмий мақолалар ҳамда бир неча йирик монографиялар яратди. Олимнинг «Ўзбек-қарлуқлари» (Т.:1964), «Ўзбек халқининг этник тарихига оид»(Т.:1974), «Ўзбек халқининг моддий маданиятидан этнографик лавҳалар»(Т.:1981), «Қанғ давлати ва қанғилар»( Т.:1990), «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар»( Т.:1999), «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»( Т.:2000) каби фундаментал монографиялари бой тарихий манбалар, кўпдан-кўп фольклор-этнографик экспедицияларнинг материаллари асосида яратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. К. Шониёзов ўзининг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид фундаментал тадқиқотлари орқали ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда янги илмий йўналишга асос солди. Тарихий ва этнографик маълумотларни археология, антропология, нумизматика, фольклоршунослик ва тилшунослик каби ёндош фанлар

нотуклари билан қиёсий ўрганиш ва муаммони ёритишда муайян илмий хулосаларга келиш Ўзбекистон этнологияси фанида Карим Шониёзов асос солган янги йўналишнинг муҳим бир хусусиятидир. Шунинг учун ҳам академик олимнинг тадқиқотлари нафақат Республикамиздаги илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинган, балки хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган. Этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда академик А.Асқаровнинг ҳам хизматлари каттадир. Таниқли олим этногенез ва этник тарих муаммосига бағишланган тадқиқотларида биринчилардан бўлиб тарихий ва археологик, этнографик ва антропологик манбаларга ҳамда адабиётларга асосланиб, ўзбекларнинг шаклланиш жараёнини бир неча босқичларга бўлиб тадқиқ қилади ва қатор назарий-методологик ҳамда илмий концептуал хулосалар чиқарган. Муаллиф кейинги йиллардаги тадқиқотларида этногенез ва этник тарих муаммоси юзасидан жиддий шуғулланиб этнос назариясига оид бир қатор илмий анжуманлар ва семинарлар ташкил этди ҳамда бу борада ўзининг қатор илмий-назарий ҳамда методологик қарашларни илгари сурди.

Шунингдек, бу даврда халқимизнинг моддий ва маънавий маданиятини, оилавий ва жамоавий ҳаётини, этнослараро жараёнларни ўрганиш борасида анча самарали ишлар бажарилди. Хусусан, ўзбек оиласи тарихи (О.Бўриев), тўй ва мотам маросимлари (Ҳ.Исмоилов, Қ.Насриддинов), анъанавий уй хунармандчилиги (Х.Тошев ва М.Ўроков), ўзбеклар орасидаги маҳалла ва қўни-қўшничилик анъаналари (З.Орифхонова), қадимий диний эътиқодлар ва уларнинг ўзбек халқи турмуш тарзидаги излари (А.Аширов), этнослараро жараёнлар (У.Абдуллаев) мавзулари доирасида қатор илмий монография ва рисоалар эълон қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг тарихий этнографик минтақалари - Тошкент шаҳри (З.Орифхонова, Г.Зуннунова) Бухоро воҳаси (А.Жумаев, М.Қурбонова), Фарғона водийси (Ш.Абдуллаев, У.Абдуллаев, В.Ҳақлиев, А.Аширов, Б.Турсунов), Жанубий Ўзбекистон (О.Бўриев, Қ.Насриддинов, Ф.Рахмонов, Г.Тошева, С.Турсунов, А.Қаюмов, Б.Ҳамроқулова, М.Ибрагимова) этнологиясини тадқиқ этиш борасида самарали натижаларга эришилди.

Ўзбекистонда этнография ва этнология фанининг тарихшунослиги (А.Дониёров, Д.Ҳошимова), мазкур фаннинг ОЎЮда ўқитиш методологияси (И.Жабборов, О.Бўриев, Т.Салимов, Б.Исоқов), этнология атамаларнинг қисқача луғати (О.Бўриев ва Т.Хўжамбердиев)га доир тадқиқотлар ҳам эълон қилинди.

Ҳозирги кунга келиб Республикамизнинг қатор илмий масканларида мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ЎзРФА Тарих институти Этнология бўлими, ЎЗМУда «Археология ва этнология» кафедраси, ТерДУ ва Қарши ДУ Этнология илмий маркази фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимиз бўйича доимий ва мавсумий илмий экспедициялар уюштирилмоқда. Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммоларига бағишланиб бир қатор халқаро (1999, 2000, 2004, 2005) ва минтақавий анжуманлар ташкил этилди. Этнология фанининг сўнгги натижаларига бағишланган «Академик К.Шониёзов ўқишлари» туркумида доимий илмий конференцияси ҳар йили ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз этнологлари АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Марказий Осиё республикалари этнологлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар. Россия ФА Этнология ва антропология институти билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу бевосита юртимизда этнология фани жаҳон фани билан ўзаро уйғун тарзда ривожланаётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирда этнологик тадқиқотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Этнолог олимларнинг билими ва маслаҳатларидан сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Фаннинг нотуклари коммуникация тизимида, халқаро савдода, дипломатияда ва бошқа қатор соҳаларда самарали қўлланилмоқда. Сўнгги йилларда этнологиянинг кўплаб бошқа ёндош фанлар билан доимий алоқасининг самараси сифатида этнопсихология, этнолингвистика, этнодемография, этномаданият, этнопедагогика, этнофольклористика каби янги йўналишлар пайдо бўлди. Шу боис этнология, айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб янги бир ривожланиш босқичига кўтарилди.

## **1.2. §.Этнология фани предмети.**

**Этнология фани предмети.** Ҳар бир фан ўзининг тадқиқот предмети хослиги, унинг тадқиқот этиш услублари билан бошқа фандан фарқланиб туради.

Этнология фан тарзда пайдо бўлибдики, то ҳозирги кунга қадар халқ ва халқларнинг маданий ўзига хослиги унинг асосий тадқиқот объекти бўлган. Янада кенгрок тушунтирилса мазкур фан турли халқларнинг этногенези ва этник тарихи, улар иштирокидаги анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, моддий ва маънавий маданият муаммолари ҳамда этнослараро жараёнлар ушбу доирасида тадқиқ қилинади. Демак фикримизча, этнология асосий тадқиқот объекти сифатида этнос билан боғлиқ куйидаги жиҳатларни ўрганади (Этнология предмети маълум бир тартибда баён қилишда биз фанда анъанавий бўлиб улгурган қарашлардан янги ноанъанавий қарашлар томон ҳаракатланишни маъқул деб билдик.):

- Этногенез ва этник тарих муаммолари;
- Халқларнинг моддий маданияти;
- Халқларнинг эътиқодий қарашлари, миллий маросимлари ва урф-одатлари;
- Турли халқларнинг қариндошлик тизими: қариндош-уруғчилик алоқалари;
- Халқларнинг ижтимоий ва сиёсий тузулмалари (оилавий муносабатлар ва ҳокимият муносабати);
- Турли халқларга хос тарбия анъаналари тизими;
- Бир халқ маданиятининг турли компонентлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик муаммолари;
- У ёки бу халқ маданий хусусиятлари динамикаси (маданий ўзгаришлар);
- Турли халқларнинг психологик ўзига хослиги;
- Турли халқларнинг ҳаёт тарзига мослашиши: уларнинг табиий муҳитга мослашиши
- Этнос қадриятларини таққослаш;
- Турли халқларнинг дунё харитасида таққослаш;
- Маданиятлараро мулоқотларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- Этносларнинг пайдо бўлиши ва бўлиниб кетиши сабаблари;
- Халқларнинг жойлашуви;
- Этнослар билан боғлиқ содир бўладиган демографик жараёнлар;
- У ёки бу этнос вакилларининг иқтисодий муносабатлари;
- Этнолингвистика;
- Этномаданият муаммолари;
- Анъананинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ва инновацияси;
- Этниклик ва этник гуруҳлар муаммоси.

Ушбу рўйхатни янада давом эттириш мумкин. Бироқ мазкур рўйхатнинг ўзи ҳам этнологиянинг тадқиқот объекти кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Қолаверса, ушбу маълумотлар этнологиянинг асосий манбаи ёзма манбалар ҳамда моддий ёдгорликлар бўлган анъанавий тарих фанидан бирмунча кенгрок эканлигидан далолат бериб турибди. Шунингдек этнологияда инсоният тарихининг дастлабки ёзма маданият шакллангангунича бўлган даврда яшаган ва ўзларининг алоҳида ёзувларига эга бўлган халқлар-этнослар асосий тадқиқот объекти тарзида ўрганилади.

Олдинги бўлимда таъкидлаганимиздек, XIX аср охирида Европада этнологиянинг асосий мавзуси ибтидоий шароитда яшаётган «примитив» халқлар бўлган. Бу халқлар мисолида европалик тадқиқотчилар гўёки ўзларининг қайсидир маънода узоқ ўтмишдаги «тирик аجدодлари»ни ҳис қилганликлари боис ушбу халқлар европалик тадқиқотчиларни кўпроқ қизиқтирган. Шунинг учун ҳам европаликлар «орқада қолган» халқларга нисбатан «*primitiv*», яъни «биринчи» деган иборани қўллаганлар. Бу борада «биринчи» халқлар

тўғрисида XIX асрдаги этнология мактабларининг йирик намояндалари ҳисобланган Льюис Генри Морганнинг «*Қадимги жамият*», Эдуард Тайлорнинг «*Ибтидоий маданият*» каби машҳур асарлари пайдо бўлган. Шунингдек немис этнологиясининг асосчиларидан бўлган Теодор Вайц ва Адольф Бастианларнинг тадқиқотлари ҳам «ибтидоий халқлар»га бағишланган бўлиб, улар мазкур халқларни «маданий ривожланган халқлар», яъники Европа халқлари билан ўзаро қиёсий тарзда ўрганишга бағишлаган.

Ўтган юз йилликда мазкур фан доирасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли этнология Олий ўқув юртлари ўқув предметиға айланган ва дунёнинг кўплаб машҳур университетларида махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Бунинг пироварди натижасида этнологияга янгича қарашлар билан қуролланган фан намояндалари-назариётчи этнологлар кириб келган<sup>4</sup>. Шу боис этнологиянинг мавзуси ҳам такомиллашиб борган ва фандаги мавжуд баъзи қарашлар ҳамда ғоялар жиддий танқид остиға олинган ва ҳаттоки уларнинг айримлари кейинчалик буткул илмий муомаладан чиқиб кетишиға олиб келди.

Этнологияда жиддий танқидға учраган айрим қарашлар тўғрисида тўхталганда, аввало, халқларнинг ибтидоий ва цивилизациялашган тарзда бўлинишиға оид қарашлар жиддий танқид остиға олинганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Янги авлод тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, «ибтидоий» деб аталган халқлар ҳам худди «цивилизациялашган» деб ҳисобланган европаликлар сингари ўзларининг тарихи ва маданиятиға эға бўлган. Ўз навбатида улар, олдинги тадқиқотчилар таъкидлаганидек, инсоният тарихининг дастлабки босқичларига тааллуқли эмас ва мазкур жамоалар ҳам бошқа халқлар каби ибтидоийликдан йироқ халқлар ҳисобланади. Инчунун, бу борада уларни фақатгина атрофдаги оламға бўлган муносабати борасидагина ибтидоий деб айтиш мумкин. Бундай қараш дастлаб машҳур немис этнолог олими Рихард Турнвальд(1869-1954) томонидан билдирилган бўлиб, унинг фикрича, «ибтидоий халқ» тушунчасини таҳлил қилиш асносида бир омил ўта муҳимдир. Бу омил табиатни ўзлаштиришдаги билим, малака ва меҳнат қуроллари ҳамда мосламалардир. Турнвальднинг фикрича, «ибтидоий» деб яшаш ва овқатланиш учун энг оддий меҳнат қуролларидан фойдаланган ва атрофдаги олам тўғрисида жуда кам билимға эға бўлган қабилаларға нисбатан қўллаш жоиздир. Бундай техник қуролланиш ва табиий қонунларни билиш меъёрларидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, Турнвальд айтганидек, «табиатни бўйинсундирган одамлар» ҳозирги замонавий индустриалашган жамиятға қараганда ҳақиқатдан ҳам кўпроқ табиатға боғлиқ бўлган. Бирок бу ўринда иккинчи мулоҳаза пайдо бўлади. Яъни, агар инсонларнинг табиатдан мустақил бўлиб яшашларига қарамай, бугунги замонавий кишилар иккинчи бир кўриниш-техникаға боғланиб қолишиға олиб келди. Шу боис айрим этнологлар юқоридаги мулоҳазаға асосланиб, этнологияда «ибтидоий халқлар» иборасини қолдиришни, лекин бунда табиатдан узилмаган ва ўзларининг ижтимоий меъёрларини сақлаб қолган жамоалар ҳамда маданиятларни англаш ғоясини илгари сурганлар.

Ўз навбатида бошқа бир олимлар гуруҳи эса «ибтидоий халқлар» иборасини қўлланишиға қатъий қарши чиққан. «Чунки фанда бундай иборани қўлланиши шубҳасиз унга қарама - қарши бўлган «маданий халқлар» терминини пайдо бўлишини тақозо этади ва бу эса биринчи гуруҳға кирувчи халқларни таҳқирланишиға сабаб бўлади» - деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, сайёрамизнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар, этник гуруҳлар ҳаётиға, ўтмиш тарихиға, турли-туман цивилизациялар ва маданиятлар тараққиётиға назар ташлар эканмиз ўзининг тарихий тараққиётида маданиятиға кўра бирор бир ривожланишға эришмаган инсонлар жамоасини топиш жуда мушкул. Ҳатто тош даври одамлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар ҳам дастлаб тошдан ясалган меҳнат қуролларини ривожлантириб борганликлари тарихий-археологик манбалардан маълумдир. XVII-XIX аср тадқиқотчилари таъкидлаганларидек, сайёрамизда ибтидоий инсонлар

---

<sup>4</sup> Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. –М., Academia, 2000. С.16.

мавжуд эмас. Ҳар бир этник жамоа ёки халқ ўзига хос маданият соҳибидир. Шу туфайли бугунги кунда «маданиятли халқ», «маданиятсиз халқ» деган ибораларни қўллаш ўринсиздир. Фақатгина маданиятнинг турли кўринишлари тўғрисида гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам, айнан турли маданиятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турфа хил этно-миллий маданиятлар этнологиянинг асосий тадқиқот предметларидандир. Кейинги вақтларда этнологияда локал (маҳаллий) маданиятларнинг тадқиқ қилиш борасида анча самарали тадқиқотлар бажарилмоқда.

Шу билан бирга турли олимлар томонидан «ибтидоий халқлар» термини ўрнига қатор бошқа тушунчалар ва атамалар тавсия қилинган бўлиб, тадқиқотчилар фикрича, мазкур ибора этнологиянинг янги мавзуси доирасига кўпроқ тўғри келар экан. Турли даврларда этнологияга «археик маданият», «индустриаллаштиришгача бўлган жамият», «анъанавий жамият», «ёзувсиз жамият», «қабилавий иттифоқ» ва шу каби номлар тавсия қилинган. Шубҳасиз, мазкур ибораларнинг ҳар бири маълум бир этник маданиятнинг ўзига хос томонларини ифодалайди. Шу боис гарчи улардан бирортаси ҳам «ибтидоий халқлар» терминига алмаштирилмаган бўлсада, замонавий этнологияда уларнинг барчаси қўлланилади.

**Этнологиянинг замонавий муаммолари.** Ўтган XX асрнинг охири чорагида этнологияда янги йўналишларнинг пайдо бўлиши мазкур фан доирасида бажарилаётган тадқиқотларни ҳам тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Айнан шу даврдан бошлаб тадқиқотчилар томонидан анъанавий кўринишни олган узоқ юртлардаги ўзига хос этногамик маданиятлар эмас, балки, замонавий жамиятларни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Натижада қатор янги назариялар ва мактаблар пайдо бўлди ва тадқиқотчилар томонидан этнологиянинг ўзига хос янги йўналишлари бўйича тадқиқотлар бажарила бошланди. Жумладан, Фарбий Европа этнологиясида ижтимоий этнология, ҳукукий этнология, сиёсий этнология, диний этнология, хўжалик (иқтисодий) этнологияси шаклланди ва истиқболли ривожланиб бормоқда. Умуман олганда этнология соҳасида шу кунларда тадқиқот олиб борувчилар қуйидаги саволларга жавоб излайдилар:

- инсоният ўзини ўраб турган теварак атрофни қандай тарзда тасаввур этади?
- одамлар тасаввурида моддий оламдаги предметлар қандай маъно касб этади?
- ушбу қарашларнинг ўзгариш жараёни қандай кечади?
- маданиятлараро муносабатлар анъанавий ва замонавий маданиятларга қандай таъсир ўтказади?
- дунёнинг этник манзараси ўзида нимани акс эттиради ва бу манзаранинг ўзгариши қандай механизмлар асосида ўзгаради?
- у ёки бу маданият вакиллари дунёдаги содир бўладиган ўзгаришларга қай тарзда мослашади ва ўз навбатида у яшаётган жамиятнинг мослашиши қандай принципларга асосланади?
- замонавий индустриал жамиятда миллий-этник маданиятларнинг роли ва ўрни қандай?
- ҳар қандай ҳолатда этнос вакиллари тафаккурида нима ўзгармайди, ёки нима буткул унутилиши, ёнки ўзгариши мумкин ва ўз навбатида бу жараён қандай кечади?
- маданиятларнинг ўзининг ичидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқалар қай тарзда юз беради,
- этник маданиятда барча тизимни мустаҳкам ушлаб турувчи ва жамият ҳаётида содир бўладиган қизғин ўзгаришлар жараёнида ҳимоя қилувчи мустаҳкам ўзгармас қисм мавжуд-ми?

Шубҳасиз мазкур муаммоларнинг аксарияти охири ўн йилликлардагина этнолог тадқиқотчиларнинг тадқиқот муаммосига айланди деб айтиш мумкин. Бу борада айниқса Фарб мамлакатларида сўнгги ўн йилликларда этнология фани «постмодернизм» фалсафасига асосланган бўлиб, бунда бевосита ижтимоий гуруҳлар орасидаги этнослараро жараёнларни тадқиқ қилиш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, локал ва глобал жараёнларни тадқиқ қилишда тадқиқотчилар томонидан тадқиқий танланиш, яъни



жамият ҳаётидаги барча жараёнларни эмас, балки этнос ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг муҳим деб ҳисобланган қарашларгина тадқиқ қилинмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, бажарилаётган сўнги тадқиқотларда асосий эътибор инсониятнинг ривожланиш босқичлари, яъни унинг ерда пайдо бўлгандан то ҳозирги давргача бўлган тарихий йўлининг глобал миқёсдаги тавсифига эмас, балки муаммовий танланиш асосидаги тадқиқотларга қаратилмоқда. Зеро, бугунги кун ривожланган мамлакатларда этнология йўналишида бажарилаётган илмий тадқиқотларнинг аксарияти жамият ҳаётида айнан муҳим ва долзарб деб эътироф этилган ижтимоий муаммолар доирасида амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида олиб борилаётган этнологик тадқиқотлар орасида Россия этнология мактаби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Россияда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб этнос назарияси рад этилиб, этниклик ва маданий антропология йўналишидаги тадқиқотлар бажарилмоқда. Россиянинг марказий шаҳарларида, хусусан, Санкт-Петербург университетиде маданий антропология ва этник социология кафедраси ташкил этилиб, Европа ва АҚШ олимларининг асарлари таржима қилина бошланди. Антропология ва этнологияга оид қатор ўқув қўлланмалари, илмий асарлар чоп этилади ва ҳатто ушбу фан соҳасида Россиядаги энг йирик илмий марказлардан бири Миклуха Маклай номидаги Этнография институти ҳам Этнология ва антропология институти деб ўзгартирилди ҳамда олиб бориладиган тадқиқот мавзулари ҳам мазкур йўналишларга мослаштирилди. Юртимизда эса мустақилликдан кейин Республикаимизнинг турли тарихий - этнографик минтақалари, жумладан, Фарғона водийси, Жанубий Ўзбекистон, Бухоро ва Хоразм каби тарихий-этнографик минтақалари этнологияси ва бу минтақаларда яшовчи аҳолининг ўзига хос этномаданиятидаги локал хусусиятлар, моддий ва маънавий маданиятдаги трансформацион жараёнлар, этнослараро жараёнлар, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи турли диаспоралар<sup>5</sup> ва ирриденталар<sup>6</sup> этнологияси, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, замонавий шаҳар муҳитида анъанавий миллий қадриятларнинг сақланиб қолиш омиллари, замонавий этник жараёнлар каби кўплаб мавзуларда тадқиқотлар бажарилмоқда. Бир сўз билан айтганда этнологиянинг тадқиқот мавзуси доимий равишда кенгайиб бормоқда ва бу эса маълум маънода фанга мукаммал таъриф бериш имконини чекламоқда. Тўғри бугунги кунгача турли услубий қарашлар ва ғоялар асосида этнологияга берилган ўнлаб таърифлар мавжуд бўлиб, улар этнологиянинг айрим муҳим томонларини қамраб олган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **этнология - турли этник гуруҳларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини, улардаги этник ўзлиқни англаш, маданий бошқарув шакллари ҳамда жамоавий муносабатлар қонуниятларини, шахслараро алоқаларини ҳамда ижтимоий муҳитни ўрганувчи фандир.**

Шубҳасиз, мазкур таърифни этнологияга берилган энг мақбул ва мазкур фаннинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган якуний таъриф деб айтиб бўлмайди. Келгуси авлод тадқиқотчилари томонидан умумэтироф этиладиган этнологиянинг янада мукаммал таърифини яратилса ажаб эмас.

---

<sup>5</sup> Диаспора (diaspora – лотинча - “жойлашув”; инглизча. - diaspora ) тор маънода – Вавилон томонидан Исроил подшолигини (эр авв.6 аср.) босиб олингандан сөнг ташкил йилинган яшаш жойлари, кейинчалик эса Фаластиндан ташқарида дунё бөейича барпо этилган яшаш жойларига айтилган; б) кенг маънода у ёки бу этник гуруҳнинг тарихий этник ватанидан ажралган ҳолдаги яшаш манзилларига нисбатан айтилади. Мисол учун, корейс диаспораси, ирланд диаспораси.

<sup>6</sup> Бирор бир этник гуруҳ ёки этносни сөзининг миллий-этник ҳамда сиёсий-давлат уюшмаси билан чегара минтаъада яшаса ирредента дейилади. Масалан, Ўзбекистондаги йирғизлар, туркманлар ва тожиклар диаспора бөела олмайди улар ирредентлар дейилади..

Ҳозирда замонавий этнологиянинг тадқиқот майдони анча кенг бўлиб, унинг турли йўналишлари у ёки бу кўринишда мазкур фанга яқин бўлган ёндош фанлар билан туташади. Айниқса этнология, социология, маданиятшунослик, психология, антропология, сиёсатшунослик, фольклоршунослик каби фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этиб боради.

### **1.3. §. Этнология методлари.**

Ҳар бир фан зарурий билимларни жалб этган ҳолда аниқ тадқиқот объектини ўрганишга қаратилган бўлади. Лекин ҳар бир фандаги билим объектининг ўзига хослиги тадқиқотчилар олдида тадқиқ қилинаётган объектга оид тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш талабини қўяди.

Замонавий этнологияда илмий таҳлил учун турли-туман материаллар: тадқиқотлар натижаси ва этнограф олимларнинг турли дала ёзувлари, саёҳатчиларнинг сафарномалари, кузатувлари, фольклор намуналари ва бадиий матнлар, этносоциологик ва этнопсихологик материаллар, публицистик матнлар, расмий ҳужжатлар, тарихий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлардан фойдаланилади. Булардан ташқари тадқиқ этилаётган этнос вакиллари билан бевосита мулоқот жараёнида уларнинг турли ҳолатларга билдирган таъсирлари, баҳс-мунозаралар ва суҳбатларда билдирган фикр-мулоҳазалари ва далилларининг мантиқлилиги, теварак - атрофдаги турли кўринишларни изоҳлаш йўллари ва шахсий хулқ-атворларини кузатув натижалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шубҳасиз, бундай маълумотларни йиғиш тадқиқотчи учун маълум методларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда замонавий этнологияда ўзига хос этнологик тадқиқот методлари мажмуи шаклланган бўлиб, уларга дала тадқиқотлари, ёзма манбаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижод намуналарини тўплаш статистик материаллар (аввало турли даврларда бажарилган аҳолини рўйхатга олиш материаллари)ни таҳлил қилиш киради.

*Ёзма манбаларни ўрганиш* этнологиянинг энг муҳим методларидан бири бўлиб, унинг қиммати ўрганилаётган халқ ва унинг маданияти тўғрисида аниқ ва тўлақонли маълумотлар бериши билан ажралиб туради. Ёзма манбалар нафақат этнология учун балки, тарих фани учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ёзма манбалар асосан инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи, кишиларнинг ўзаро муносабатлари натижаси ўлароқ яратилган ва ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, тарихий воқеаларни акс эттирган манбалардир. Ёзма манбаларга одатда маълум бир халқ вакиллари ҳисобланган муаллифлар томонидан ўзларининг ёки бошқа халқларнинг тарихи ҳамда маданияти тўғрисида ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар, тарихий манбалар киради. Шунингдек, ёзма манбаларга олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар ва б.), тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар ҳам киради. Ёзма манбалар доимий равишда бир неча авлод тадқиқотчилари учун қизиқарли манба бўлиб хизмат қилган.

Одатда бирор бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий-ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этилганлиги билан ҳам қимматлидир. Лекин айтилган вақтда баъзан уларнинг орасида, айниқса, расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туришини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам мазкур манбалардан фойдаланилганда ўзига хос диққат-эътибор ва зўр эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борилганда, аниқроғи ундан бирор бир ижтимоий-сиёсий жараёни талқин этишда фойдаланилганда бир ҳужжат билан чегараланмаслик, ўзаро ўхшаш ҳужжатларни ўзаро қиёсий таҳлил этиб ўрганмоқ зарур. Қолаверса, ҳозирги кунда бундай тарихий-маданий ёзувлар этнологлар қизиқадиган ягона манба тури бўлиб ҳисобланмайди. Айтилган кунда турли даврлардаги халқларнинг ҳаёти ва маданиятига бағишланган ҳар хил ёзма манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўп қисми ҳозиргача батафсил ўрганилмаган. Бундай ёзма манбалар жумласига, сайёҳлар ва географларнинг сафарлари тўғрисидаги хабарномалари, ўтказилган турли-туман экспедициялар ҳисоботлари, матрослар ва аскарларнинг ёзувлари, элчиларнинг ҳисоботлари, савдогарларнинг сафарномалари, оддий халқ вакилларининг давлат

рахбарларига ёзган мактублари ва шу каби бир қатор ёзма материаллар киради.

Этнология учун халқнинг тарихий тафаккурини акс эттирувчи **халқ оғзаки ижоди** намуналари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодиёти маданиятнинг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи инсониятнинг энг қадимги тарихига бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим наъмуналари қадимги юнон тарихчилари ва Табарий, Маъсудий, Абу Райҳон Беруний, Ибн ал-Асир каби Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Қаюмарс, Жамшид ва Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қиссалар ҳам шулар жумласидандир. Анъанавий уруғ-жамоавий муносабатлар, хўжалик муносабатларини, умуман олганда, туркий халқларга хос миллий-этник қадриятларни тадқиқ қилишда «Гўрўғли», «Алпомиш» каби достонлар, шунингдек, халқ эртаклари, ривоятлар, маросим кўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг роли бениҳоят каттадир. Ёзма адабиётдан аввал пайдо бўлган бу халқ дурдоналари турли ижтимоий қатлам вакиллари ҳисобланган кишиларнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, урф-одатлари, айниқса, узок ўтмиш даврлардаги ижтимоий муносабатлар тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Қолаверса, этнологик тадқиқотлар жараёнида ўтказилган тажриба кўни-кўшни бўлиб яшаган халқларда ҳам айрим ҳолларда тарихий тафаккурнинг шаклланиши тубдан бошқа - бошқа бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Аждодлари кўчманчи ёки яримкўчманчиликда чорвачилик билан шуғулланган халқлар ҳатто ҳозирги кунгача ўзларининг аждодлари шажарасини яхши билишлари билан бирга уларнинг қайси уруғга ва шу уруғнинг қайси шаҳобчасига мансублиги, аждодлари қаердан келганлигидан тортиб уларнинг анъанавий машғулот турларигача биладилар. Бундай қимматли манбалар кўпинча оғзаки ижод орқали аждодлардан авлодларга ўтиб сақланиб келади. Халқ оғзаки ижодига оид материаллар бугунги улкан глобаллашув ва замонавий этник жараёнлар таъсирида жадал суръатлар билан йўқолиб бормоқда. Ҳатто яқин келажакда бундай манбаларнинг айримлари буткул йўқолиб кетиш хавфи мавжуд.

Этнологияда тарих ва этномаданиятни тадқиқ қилишда **археологик материаллардан** ҳам кенг фойдаланилади. Археологик моддий (ашёвий) манбалар деганда инсониятнинг дастлабки аждодлари яшаган маконлардан топилган меҳнат ва уруш қуроллари, улар дафн этилган жойлар, кейинги тараққиёт жараёнида қурилган бино ва иншоотлар (қалъа ва қасрлар, ҳаммомлар ва карвонсаройлар, хунармандчилик устахоналари ҳамда сув иншоотлари ва шу кабилар)нинг қолдиқлари, ҳамда уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари тушунилади. Ёзма ва оғзаки манбаларга қараганда археологик моддий ашёлар бирмунча ишончлироқ ҳисобланади. Улар ёрдамида маълум бир тарихий воқеанинг аниқ вақтини ёки моддий маданият қуролининг тарқалиш даврини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Бу методнинг юқори сифатлилиги бугунги кунда археологик материалларни замонавий шаклда ўрганиш ва баҳолаш мезонларига асосланади. Масалан, бугунги кунда археологик материалларни ўрганишда статистик методлардан кенг равишда фойдаланилмоқда. Шунингдек, кейинги вақтларда этноархеология каби йўналиш ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Дескрептив (тавсифий) статистикани қўллаш археологик материаллар заҳирасини тўлалигича очишга кўмаклашса, аналитик статистика эса археологик материалларнинг типологияси ва илмий гипотезаларни текшириш имконини беради. Ўз навбатида мазкур маълумотларнинг таҳлили, баҳоси ва талқини этнологияга оид назариялар, ғоялар, концепциялар ҳамда маданиятлар моделларини пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

Этнологик тадқиқотлардаги асосий методлардан яна бири **таққословчи тилишунослик методидир**. Бу методнинг моҳияти турли тиллардаги маълум сўзларни таққослашдан иборатдир. Бу ўз навбатида ўзаро яқин қариндош тилларнинг алоқалари чегараси ва уларнинг қариндошлилик даражасини аниқлаш имконини беради.

Этнологиянинг фан сифатида шаклланишига гарчи жуда қисқа фурсат ўтган бўлса-да, бу давр мобайнида жуда кўплаб статистик материаллар йиғилди. Айниқса, бу йиғилган материаллар ичида энг муҳимларидан бири аҳолини рўйхатга олишга оид турли йиллардаги маълумотлар ҳисобланади. Мазкур материаллардан фойдаланиш жараёнида тадқиқотчи ўзини қизиқтирган кенг доирадаги саволларга жавоб топиши мумкин. Шунингдек, бундай

материалларнинг қиммати нафақат уларнинг турли йилларда бажарилганлиги билан, балки уларнинг маълум бир тизимлаштирилган тартибда амалга оширилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар маълум йўналишларга оид саволлар мажмуи ва уларнинг жавобларидан иборатдир. Бундай туркум материаллар орасида ижтимоий-демографик саволлар мажмуи: жинси, ёши, ижтимоий мавқеи, маълумоти, касби, уй-жойи тури, мазкур ҳудудда яшаш вақти ва шу каби саволлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай маълумотларни олиш - тадқиқотчи учун умумий этник манзарини ўрганишда ва бир нечта аҳоли манзиллари рўйхати материалларини таққослаш орқали этник жараёнларнинг динамикасини кўрсатиб беришида муҳим аҳамиятга молик.

Этнологиянинг мустақил фан бўлишида бевосита халқнинг ҳаётини ўрганиш ёки этнологлар тили билан айтганда **дала тадқиқотлари катта** аҳамият касб этади. Дала тадқиқотлари методининг шаклланиши мустамлака халқлар, уларнинг хўжалиги, ижтимоий тузилмалари, эътиқоди, урф-одатлари тўғрисида кенгроқ маълумотларга эга бўлишга қизиқиш туфайли шаклланган бўлиб, бу ўз навбатида ўша даврдаги мустамлакачилик сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Чунки, мустамлакачилар ўз колонияларини ва у ерлардаги аҳолини бошқаришлари учун доимий равишда бундай маълумотларга эҳтиёж сезганлар.

Дала тадқиқотларининг методи тадқиқотчига ўрганилаётган этник муҳитда узоқ муддат бўлишликни ва бевосита ўша муҳитга кўникишликни талаб қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадқиқотчи учун одатда мавжуд тадқиқот объектида стационар ишлаш муддати бир этник йилдан кам бўлмаслиги керак. Этнолог-тадқиқотчи учун дастлабки 2-3 ой танишиш ва янги муҳитга мослашиш даври ҳисобланади. Шундан кейин у этник жамоанинг ёки унинг бир қисми ҳаётини йил мобайнида кузатади.

Дала тадқиқотларининг қонунийлиги ва самарали бўлишлиги тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган этнос орасида узоқ муддат бўлишликни таълаб қилади. Бунга биз америкалик олим А.Морган ва рус этнографи Миклуха Маклайларнинг тадқиқотларини ёрқин мисол тарзда келтиришимиз мумкин. Морган Америкадаги ҳиндуларнинг ирокез қабиласи орасида узоқ муддат яшаган бўлса, Миклуха Маклай Янги Гвинея папуаслари орасида яшаб жуда бой этнографик материаллар йиққан олим ҳисобланади. Стационар тарздаги дала тадқиқотлари методларининг ўзига хос ютуғи шундаки, этнологлар халқ кундалик турмуш тарзининг бевосита иштирокчиси бўлади. Ҳозирги кунда этнологияда мазкур методнинг мавсумий ёки шошилиш тарзда ўтказиладиган методларидан фойдаланилади. Бу методда тадқиқотчи маълум бир тарихий-этнографик ҳудудда яшовчи аҳолини олдиндан белгиланган маршрут асосида ўрганади. Бу метод тадқиқотчи учун қулай бўлган даврда ўтказилади. Лекин бундай тарзда тадқиқотлар олиб бориш этноснинг ҳамма мавсумдаги ҳаётини ўрганиш имконини бермайди.

Дала тадқиқотлари методлари этнолог учун моддий ва маънавий маданият тўғрисида ҳам маълумотлар олиш имконини беради. Фото суратлар, чизмалар, схемаларда моддий, маънавий объектлари: этноснинг меҳнат қуроллари, уй-жойлари, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечаклари ва шу каби моддий маданият намуналари акс этади. Замонавий техника воситасида (рақамли видеокамера ва рақамли фотоаппарат, аудио ёзувлар) ва анъанавий дала ёзувларида халқ маънавий ҳаётининг объектлари ва кўринишлари (анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, фольклор кўшиқлар ва шу қабилар) акс этади. Баъзида дала тадқиқотлари жараёнида айрим моддий ва маънавий маданият намуналари музейлар коллекцияси учун йиғилади.

#### ***1.4. Этнологиянинг бошқа фанлар билан алоқалари.***

Этнологиянинг асосий объекти ҳисобланган этнос ўз ривожланиш асносида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда фаолият олиб боради. Этнос фаолиятининг йўналишларини мазкур маданият ва жамиятни ўрганувчи бошқа фанлар ҳам ўрганади. Этнология юқорида кўрсатганимиздек доимий равишда бу каби фанлар билан алоқада бўлади. ***Антропология, маданиятшунослик, археология, социология,***

**политология, география ва этнография** каби фанлар ўз тадқиқот мавзуларини яқинлиги жиҳатидан этнологияга яқин туради.

Этнологиянинг мазкур фанлар билан доимий алоқаси турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири билан маълум муаммолар ва саволлар доирасидагина ўзаро муносабатга киришади.

Этнологияга нисбатан яқин фан антропология ҳисобланади. Ҳар икки фан ҳам ирқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ер шари бўйича тарқалиши, тарихий-маданий ривожланиш жараёнида инсонларнинг жисмоний қиёфасининг ўзгариши, этносларнинг антропологик тузилиши каби саволларга жавоб излайди. Ҳозирги кунда ижтимоий, маданий, психологик, структуравий, символик антропология каби мустақил илмий йўналишларнинг мавжудлиги боис булар орасидаги муносабатда маълум ноаниқликлар мавжуд.

Замонавий фанда «этнология» ва «антропология» терминлари орасида амалда деярли қатъий ўрнатилган чегара мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотчилар "этнология" ва "антропология" терминларини ўзаро синоним деб қарайдилар. Бунда улар антропологияда этногенез ва демографик жараён ҳеч қачон тадқиқот объекти бўлмаганлигини ҳисобга олмайдилар.

*Антропология инсониятнинг биологик ва жисмоний табиати ҳақидаги фан бўлган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда.*

Этнология эса ўзининг тадқиқот объектига кўра антропологияга қараганда кенгрок ҳисобланади. Шу туфайли ҳам мазкур фанларни бир хил предмет деб айтиб бўлмайди. Шу жойда бу икки тушунчанинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида қисқача тарихий маълумотни келтириб ўтиши жоиздир. Дарҳақиқат, XIX асрнинг биринчи ярмида этнология ўзининг тадқиқот мавзуси доирасига жисмоний антропологияни ҳам киритган эди. Жумладан бу «Париж этнологлар жамияти»нинг низомида ҳам акс этган бўлиб, бунда этнологиянинг тадқиқот мавзулари доирасига «инсоният ирқининг ўзига хос томонлари, жисмоний ўзига хос тузилиши, ақлий қобилияти ва руҳияти, ҳамда тарихи, анъаналари ва тилини ўрганиш» кириши таъкидланган эди. XIX аср ўрталаридан бошлаб эса, этнология ва антропология фанларини ўзаро мустақил икки фан деб ҳисобловчи қарашлар пайдо бўлган. Бундай қараш муаллифлари этнологияни халқлар тўғрисидаги фан антропологияни эса инсон тўғрисидаги фан деб талқин қилганлар. Бу каби қарашлар натижасида Германияда «Антропология, этнология ёзма тарихгача бўлган тарих жамияти» (1869), Италияда — «Италия антропология ва этнология жамияти» (1871) каби жамиятлар тузилган. Бу билан бирга XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб ушбу қарашларга қарама-қарши бўлган қарашлар, яъни этнология антропологиянинг таркибий бир қисми деб ҳисобловчи қарашлар ҳам пайдо бўлган. (Англияда 1843 йил тузилган «Этнология жамияти» ва 1863 йилда ташкил қилинган «Антропология жамияти» ўзаро қўшилиб 1871 йилда «Буюк Британия ва Ирландия антропология Қироллик институти»га айлантирилган<sup>7</sup>.

Этнос табиий ривожланиш оқибатидагина эмас, балки бу билан бир вақтда ижтимоий маданий жараёнлар натижасида ҳам шаклланади. Шу боис, этнологияда этник жараёнларни ўрганиш чоғида ижтимоий ва маданий жараёнлар ҳам тадқиқ қилинади. Ижтимоий ва маданий жараёнларни тадқиқ қилишда эса социологиянинг ўрни беқиёсдир.

**Социология** дастлаб одамларнинг фаолияти ва биргаликдаги ҳаёт тарзини ўрганувчи **фан** тўғрисидаги **фан** тарзида шаклланган. Унинг тадқиқот предмети ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар, ижтимоий тузилма ҳамда ижтимоий институтлар ҳисобланади. Социологиянинг марказий категорияси-*жамият*, яъни *бир умумий ҳудудда биргаликда яшовчи ва фаолият кўрсатувчи инсонларнинг ўзаро муносабатларнинг алоқаси шакллари*ни ўрганади. Ижтимоий муносабатларнинг ушбу элементлари этнология учун ҳам илмий қизиқиш уйғотади, лекин этнология фани буни бошқачароқ тарзда тадқиқ қилади. Этнология ижтимоий муносабатлар соҳасида маданиятнинг ижтимоий динамикаси, этносларнинг ижтимоий дифференцияси, турли халқларнинг этник жиҳатдан ўзларини онг тизимида идрок этиши, этник психологиянинг ўзига хослиги ва шу кабилар тадқиқ

---

<sup>7</sup> Ҷаранг: Этнография и смежные дисциплины.-М.,1994.С.68.

килинади. Бошқача айтганда, Этнология турли этник муҳитлардаги ижтимоий жараёнлар ва кўринишларини ҳамда ижтимоий гуруҳлардаги этник жараёнларини ўрганади. Айнан мазкур узвларда этнология билан социологиянинг ўзаро алоқаси намоён бўлади.

Социология ва этнологиянинг жамият кўринишларига бўлган қизиқиши жуда ҳам яқин бўлганлиги боис XX асрнинг 30-йилларида ушбу икки фаннинг ўзаро кесишган нуқтасида янги илмий йўналиш *этносоциология* пайдо бўлди. Этносоциология асосчиси ҳисобланмиш немис олими Рихард Турнвальднинг фикрича, социология амалий фан бўлиб, замонавий индустриал мамлакатлардаги ижтимоий ва этник жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ғарб мамлакатларидаги илмий адабиётларда этнология, маданий антропология ва ижтимоий антропология бир фаннинг турлича номланиши деган қарашлар кенг тарқалган. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Мазкур саволга батафсил жавоб беришдан аввал мазкур уч йўналиш тўғрисида аниқ ва етарли маълумотларни тўлиқ англаб етмоқ зарур.

**Маданий антропология** инсоннинг жисмоний тузилишидаги ўзгаришларни ўрганувчи жисмоний антропологиядан фарқли равишда инсоният маданиятининг шаклланиш жараёнини ўрганувчи йўналиш тарзда пайдо бўлган. Маданий антропологиянинг этнология билан алоқаси тўғрисида гапирганда аввало таъкидлаш керакки, бу фан этнологиянинг тавсифий дала материалларидан ўзининг концепцияларини текшириш ва исботлаш мақсадида фойдаланади. Ўз навбатида этнология маданий антропология маълумотларига назарий хулосалар чиқаришда таянади.

**Ижтимоий антропология** ва этнология алоқалари бирмунча бошқачароқ хусусиятга эга. Ижтимоий антропологиянинг тадқиқот йўналиши дунё халқларидаги ижтимоий жамоаларнинг ўзига хос томонларини ўрганишга қаратилган. «*Ижтимоий антропология*» атамага илк бора инглиз этнологиясининг асосчиси Жеймс Фрэзер томонидан илмий муомалага олиб кирилган. У мазкур йўналишни инсониятни ўрганувчи жисмоний антропологияга қарама-қарши тарзида жорий қилган. Ижтимоий антропология этнологияга нисбатан социологияга яқин бўлиб, уларнинг ҳар иккисининг ҳам тадқиқот мавзусига этник жамоалар кирмайди.

Демак, **этнология, антропология ва социология фанлари ўзаро туташ тадқиқот объектига эга, лекин уларнинг ҳар бири ушбу предметни ўзига хос томонларини бошқа фанлар ютуқлари ва илмий хулосаларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилади.**

Этнологияга энг яқин ва қариндош фан **этнография** ҳисобланади. Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, этнография мустақил фан тарзида бундан бир ярим аср муқаддам майдонга келган. Дастлаб мазкур фаннинг мақсади турли халқлар тўғрисидаги ижтимоий-маданий материалларни йиғиш ва таснифлаш бўлган.

«Этнография» термини турли мамлакатларда турлича маъноларда қўлланилган. Кўп ҳолларда у этнос тўғрисидаги назарий-методологик умумлашган хулосаларни ўзида мужассамлаштирган этнологиядан фарқли равишда тавсифий характердаги тадқиқотларга нисбатан қўлланилган. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак замонавий этнология фани этнографияга концептуал илмий аппарат беради. Этнография кўпинча тавсифий маълумотларни мужассамлаштирувчи фан бўлса этнология назарий халқшунослик ҳисобланади.

Бу бўлиниш мазкур фаннинг тавсифий (этнография) ва назарий (этнология) қисмларга бўлинишига оид қарашларга асосланган. Бундан ташқари биз юқорида таъкидлаганимиздек, немисларда этнология немис этноси ва бошқа этнослар тўғрисидаги фанларга бўлинади. Биринчи ҳолатда «*Volkskunde*» ибораси немис тилида сўзлашувчи халқлар (немислар, австрияликлар, швейцарияликлар)ни этнографик ўрганиш ва тавсифлашда қўлланилган бўлса «*Volkerkunde*» ибораси немис тилида сўзлашмайдиган бошқа халқларни этнологик нуқтаи назардан ўрганишда фойдаланилган термин ҳисобланади.

Этнография дастлаб европалик олимлар томонидан европалик бўлмаган

халқларнинг маданий турмуш-тарзи ва ижтимоий соҳалардаги фарқини баён қилувчи тавсифий фан сифатида амалда бўлиши мазкур фанни «орқада қолган» халқларни ўрганувчи фан деган тушунчаларни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бундай қарашларнинг нотўғри эканлиги ўз вақтида исботланган бўлиб, бугунги кунда ҳар бир халқнинг этнографиясини илмий тарзда ўрганиш долзарб муаммолардан бири эканлиги ўз исботини топиб улгурган ҳақиқатдир. Ҳозир дунё микёсида кечаётган улкан глобаллашув жараёнида барча этнослар ўзига хос миллий-этник хусусиятлари, уларнинг бошқа этнослардан фарқли ҳисобланган жиҳатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Этнологиянинг бошқа халқлар билан ўзаро муносабати натижасида полеэтнография, этнопсихология, этнолингвистика ва этномаданият каби қатор фан тармоқлари вужудга келган. *Полеэтнография* - халқларнинг ўзига хос маданий турмушидаги фарқларни археологик материаллар асосида ўрганувчи фан; этнолингвистика - тилларнинг келиб чиқишини этник жараёнлар алоқасини ўрганувчи соҳа; *этнопсихология* эса этнос ва шахснинг руҳий ҳолатига этник жараёнларнинг таъсирини тадқиқ қилади.

### **§1.5. Ўзбекистонда этнология фани: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари.**

Биз олдинги қисмларда Республикамизда этнология фанининг тарихи ва мазкур фан соҳасида эришилган ижобий ишлар борасида фикр юритган эдик. Энди эса замонавий этнология фанининг ютуқлари, муаммолари ва мазкур фаннинг ривожланиш истиқболларига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин бошқа ижтимоий фанларда бўлгани сингари этнологияда ҳам катта амалий ишлар бажарилди.

Мустақиллик йилларида мафкуравий таъйиқлардан ҳоли бўлган бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби этнология фани соҳасида ҳам гарчи маълум қийинчиликлар билан бўлса-да, бир қатор илмий-назарий ва методолик тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқотлар нафақат мазмун ва моҳияти билан балки, уларга назарий методологик жиҳатдан ёндашувлар ҳам ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида эришилган энг муҳим натижалар сифатида тадқиқот мавзуларининг кенгайгаши ва илмий изланиш самарадорлиги ошганлигини кузатамиз. Тадқиқот объекти ва предметига, балки унинг метод ва назарияларига ҳам янги қараш натижаси ўлароқ «этномаданий жараёнлар», «этнослараро жараёнлар», «замонавий жамиятда миллий-этник жараёнлар», «этнопсихология», «этнослараро коммуникация», «гендер муаммолари» ва этнологиянинг бошқа замонавий йўналишларида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Ўтган қисқа давр мобайнида этнолог тадқиқотчилар «бир хиллик» андозасидан озод бўлдилар ва «маданият», «маданий мерос», «менталитет», «миллий рух» каби тушунчаларнинг соф миллий шаклига ва мазмунига қайтдилар. Қолаверса, фаннинг асосий тадқиқот объекти бўлган этноснинг назарияси жиҳатлари, этногенез ва этник тарихга оид янги назарий-методологик концепциялар ва қарашлар яратилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида халқимиз моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий ҳаёти, диний эътиқодлари ва маросимларини тадқиқ этиш борасида жиддий тадқиқотлар билан бирга фанда кўни - кўшничилик аънаналари, этнослараро жараёнларни тадқиқ қилишга қаратилган янги йўналишларга асос солинди. Бажарилган тадқиқотларнинг самараси ўлароқ қатор монографиялар ва рисоалар эълон қилинди. Бу ўринда ўзбек элшунос олимлари И.Жабборов, Ҳ. Исмоилов, О.Бўриев, А.Ашировларнинг ўзбекларнинг оилавий турмуш аънаналари, тўй тантаналари, дафн маросимлари ҳамда миллий кадриятларига оид тадқиқотлари (Жабборов И. «Ўзбеклар аънаваний турмуши ва маданияти» -Т.; 2004. Исмоилов Ҳ. «Ўзбек тўйлари» - Т.; 1994.; Бўриев О. ва бошқалар «Ўзбек оиласи тарихи». Т., 1995.; Насриддинов Қ. «Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари». - Т.; 1996.; Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар» - Т.; 2001.) нашр этилди. 1991-2004 йиллар мобайнида Республикамизда этнология йўналиши бўйича 21 та номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган ҳам фан салоҳияти ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳимоя қилинган диссертациялар долзарб мавзуларда ҳамда республикамизнинг турли тарихий-этнографик минтақалари мисолида бажарилган. Жумладан, Фарғона

водийси, Хоразм, Зарафшон, Нурота, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг оила ва оилавий турмуш маросимларига, маиший турмуш, жамоавий муносабатлар, хонаки хунармандчилик, шунингдек, қорақалпоқлар тарихининг этнографик жиҳатлари ёритилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур диссертациялар миллий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш ғоясига асосланганлиги, ўзбек халқи этнографиясининг муаммоларига янги руҳда ёндошганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Республикаимизнинг қатор университетларида этнология бўйича илмий марказ ва кафедраларнинг очилиши ҳам ушбу фанга бўлган эътибор ошганлигидан далолат беради.

Этнологиянинг бошқа фанлар билан алоқасининг самараси тарзида этноархеология, этнопсихология, этнолингвистика, этнодемография, этнофольклористика каби янги йўналишлар пайдо бўлди ва энг муҳими фаннинг номи ҳам этнология деб ўзгартирилди. Бу борада биргина ЎзР ФА Тарих институти «Этнология» бўлимида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг амалий тадқиқотлар дастури бўйича Республикаимизнинг икки тарихий-этнографик минтақаси, Фарғона водийси ҳамда Жанубий Ўзбекистон минтақаларидаги этнослараро жараёнларни таққослаб тадқиқ қилинганлиги ёки замонавий полиэтник шаҳардаги этномаданий жараёнларни таҳлил этилаётганлиги ҳам бажарилаётган ишларнинг ёрқин кўзгуси деб айтишимиз мумкин. Умуман, Республикада этнологик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий ютуқлари қуйидагиларда мужассамлашган:

- Аввало кейинги ўн йилликда этнологиянинг назарий методологик муаммолари борасида дастлабки илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда тадқиқотчилар томонидан фаннинг нафақат назарий муаммолари, балки замонавий Этнология мактаблари ва атамаларига оид янги материалларнинг эълон қилиниши ўзбек этнологларининг замон билан ҳамнафас тадқиқотлар олиб бораётганликларини кўрсатади.

- Этногенетик жараёнлар доирасида академиклар К.Шониёзов ва А.Асқаров томонидан ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва унинг назарий-методологик муаммоларига оид қатор фундаментал тадқиқотлар эълон қилинди. Мазкур мавзу доирасида ЎзРФА Тарих институтида доимий илмий семинар ташкил этилганлиги ва бу соҳада Республикаимизнинг кўзга кўринган бир қатор олимларининг илмий тадқиқотлари эълон қилинаётганлиги ҳам ушбу йўналишнинг ривожланаётганлигидан далолат беради.

- Мутахассис олимлар нафақат тарихий-этнографик тадқиқотлар мавзуларини, балки дастлабки профессионал этнографлар каби «анъанавий замонавийлик»ни ва бугунги кунда муҳим деб эътироф этилаётган ижтимоий маданий инновациялар, анъанавий жамиятнинг замонавий ҳаётини ҳам тадқиқ қилмоқдалар.

- Ҳозир этнологик йўналишда бажарилаётган тадқиқотларда анъанавий маданиятни тадқиқ қилишгагина эмас, балки замонавий полиэтник жамиятни ўрганиш, айниқса анъанавий маҳалла институтини замонавий жамиятда тутган ўрни, маҳалла тизимида замонавий этномаданий жараёнларнинг ролига катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда Тошкент маҳаллалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларини дастлабки ютуқлар сифатида қайд этиш мумкин.

- Замонавий этнологиянинг тадқиқот мавзуси ва ўрганиш майдони анча кенг бўлиб, унга яқин бўлган социология, маданиятшунослик, психология, антропология, фольклоршунослик каби фанлар билан ўзаро туташishi натижасида этнопсихология, этномаданият, этнофольклористика, этносociология каби янги соҳалар пайдо бўлди ва ушбу йўналишлар Республикаимизнинг бир қатор Олий ўқув юртларида махсус фан тарзида ўқитилмоқда. Уларнинг айримлари бўйича ўқув қўлланмалари ҳам яратилди. Масалан, (Этномаданият. Ўқув қўлланма. Т., Адолат, 2003. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси Т., 2005.).

- Кейинги вақтларда етакчи олимлар ёш тадқиқотчилар билан бирга хорижий мутахассислар иштирокида Республикаимизда этнологиянинг долзарб мавзуларига бағишланган илмий анжуманлар ҳамда фестивалларни ўтказиш яхши бир анъанага айланиб улгурди.

- Бу борада «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида доимий



фаолият кўрсатувчи илмий анжуманнинг ташкил этилганлиги ва мазкур конференция материалларини мунтазам нашр этиб борилаётганлиги ҳам амалга оширилаётган ижобий ишларнинг натижаси деб айтиш мумкин. Лекин соҳада қатор ютуқларга эришилганига қарамай ҳали ҳануз ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжудки, уларни четлаб ўтиб маълум бир ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас.

Замонавий ўзбек этнологияси олдидаги муаммолар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, аввало шунини таъкидлаш керакки, ҳануз айрим тадқиқотлар тавсифий характер касб этмоқда. Этнологик йўналишда бажарилган ҳар қандай тадқиқот маълум бир амалий аҳамиятга эга бўлиши ва унинг натижаларидан бугунги ва эртанги кун амалиётида фойдаланиш лозим.

Юқоридаги фикр мулоҳазаларга хулоса тарзда айтиш мумкинки, бугунги кунда ўзбек этнологияси долзарб ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган куйидаги муаммоларни ечиши лозим:

- Этнология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар ўзаро ҳамкорликда фаннинг келгусидаги истиқболли йўналишларини белгилаб олишлари зарур. Бунда ўзбек этнологияси ривожланган мамлакатлар фани билан ҳамоҳанг ривожланиши ва ўз навбатида ўзининг мактаблари ва концепциясига эга бўлмоғи керак. Методологик муаммоларга сифат жиҳатдан янгича ёндашувни ташкил этиш баробарида анъанавий усуллар билан бирга ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланиш зарур. Назарий-методологик тадқиқотларга жиддий эътибор қаратилмас экан, бажарилган ҳар қандай тадқиқот ҳам амалий аҳамият касб этмайди ва илмий қимматга эга бўлмаган тавсифий тадқиқотдан нарига ўтмайди. Қолаверса, бугуннинг замонавий муаммоларини этнолог тадқиқотчи нигоҳи билан тадқиқ қилиш, олиб борилган ҳар бир тадқиқот жамиятнинг маълум бир соҳаси учун амалий натижа бермоғи лозим. Шундагина этнологик тадқиқотларга жамият орасида қизиқиш ортади ва унинг амалий қиммати ошади.

- Республикамизда мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар томонидан этнос назарияси, этногенез ва этник тарихга бағишланган сифат жиҳатидан юқори илмий хулосаларга асосланган тадқиқотларни яратиш зарур. «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи»нинг мажмуавий муаммоси мамлакатимиз илмий муаммоларининг марказида турганлигига ҳамда халқимиз этногенези ва этник тарихининг турли жиҳатлари жиддий ўрганилаётганига қарамай, мураккаблиги боис уни тугалланган деб бўлмайди ва у археолог, антрополог, этнограф, тарихчи, тилшунос ва бошқа соҳа олимларининг жамоавий фикр-мулоҳазаларини кутмоқда. Бу борада биринчи қадам сифатида мамлакатимизда ва чет элларда этногенез бўйича мавжуд барча адабиётларни имкон қадар ўрганиб чиқиш, махсус таҳлил этиш ва бу таҳлилга энг янги археологик, антропологик, тилшунослик, этнографик ва бошқа маълумотларни қўшиш лозим. Тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқи генесеологияси, этнодемографияси, этнопсихологияси, миллий менталитетига ва умуман олганда этнос муаммоси билан чамбарчас боғлиқ тадқиқотларга шунингдек, этник жараёнларнинг назарий-методологик концепцияларини шакллантириш, маданий антропология, этноэкология каби йўналишларга жиддий эътиборни қаратиш, ҳамда этнологик терминлар ҳамда атамаларга оид луғатларни нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

- Этнологияда асосий тадқиқот объектларидан бири бўлган моддий ва маънавий маданият кўринишлари, халқнинг анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни тавсифий этнографик тарзда ёритишдан чекинган ҳолда маълум бир назарий-методологик концепцияга асосланган ҳолда уларнинг генезиси, ўзига хос хусусиятлари, туб моҳиятига эътибор берган ҳолда этнологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш зарур.

- Дунё миқёсида улкан глобализация жараёни ва янги технологик давр бўлган бугунги кунда этноснинг ўрни ва аҳамияти, замонавий этномаданий жараёнларни, этнослараро коммуникацияни ва глобализацион жараёнларда миллий хусусиятларни сақланиб қолиш омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

- XX асрда ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлган ўзгаришлар турли этник гуруҳлар

ва этносларни ҳамда турли-туман маданиятларни ўзаро қоришишига олиб келди. Натижада этномаданий алоқаларнинг кучайиши Республикамиз ҳудудида яшовчи маҳаллий субэтнослар ва турли туман диаспоралар моддий ва маънавий турмуш тарзида улкан ўзаришларга сабаб бўлди, деб айтиш мумкин. Шу боис бугунги кунда миллатлараро, этносиёсий, этноижтимоий, этномаданий муносабатлар жиддий тадқиқотлар бажаришини таълаб қилмоқда. Ҳозирда, аввало, турли этнослар ва диаспоралар зич яшаётган этнослараро алоқалар, этномаданий ўзаро таъсир ва маданиятларнинг бир-бирига кириб бориши; миллий хусусият ва менталитет; этнослараро зиддиятлар ва низолар сабаблари ва уларнинг эҳтимоли; миллатчилик ва миллий сепаратизм; миллий сиёсат ва ҳоказо каби долзарб масалаларни ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

- Олий ўқув юртларида этнология фанини ўқитилишини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ва бу соҳада тадқиқот олиб бораётган назариётчи олимлар билан амалиётчи педагоглар ўзаро ҳамкорликда янги руҳдаги дарсликлар яратишлари лозим. Бу соҳада айниқса ғарбда кенг расм бўлган маданий антропология ёки ижтимоий антропологияга оид дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан ҳам бевосита фойдаланиш керак. Энг муҳим ишлардан яна бири мазкур соҳа учун университетлар ўқув дастурларидаги дарс соатларини кўпайтириш ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган «Этнология» кафедралари ёки илмий марказларини ташкил этиш ва этник антропология, этник социология, этнодемография, этноиктисодиёт, этногеография, этнопедагогика, этнопсихология, этнолингвистика каби йўналишларда курслар ташкил этиш зарур.

- Замонавий жамиятда миллатлараро муносабатлар энг муҳим муаммолардан бирига айланаётган бир пайтда полиэтник жамиятни, миллий-этник муносабатларни, унинг тарихий асослари-ю бугунги ҳолати ҳамда истикболларини этнологик йўналишда тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, Ўзбекистон ҳудудидаги нафақат турли этник ёки этнографик гуруҳларни тадқиқ қилиш, балки ижтимоий гуруҳларни ва турли маданий муҳитлар мулоқотининг жамият ҳамда халқлар турмушига таъсирини ҳам тадқиқ қилиш керак.

Умуман олганда айтиш мумкинки, этнология инсоният ва унинг фаолиятининг турли жиҳатларини тадқиқ қилувчи фан бўлиши билан бирга мазкур фан жамият ҳаётида ҳеч қандай меъёрий ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайдиган қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. **Биринчидан**, этнология фани инсонларнинг дунёда маданиятлар хилма-хиллигини англашга бўлган доимий эҳтиёжини қондириш миссиясини бажаради. Бу эса инсонларни маънавий бой ва ҳаёт фаолиятининг самарали бўлишига олиб келиши шубҳасиздир. **Иккинчидан**, этнология инсоният фаолияти, жамоат тартиби ва ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг тарихий-маданий мазмунини тадқиқ қилиш асосида тарихий тажриба, маданий (ҳамда биологик) муносабатлар (индивидуал ёки жамоавий) умуман жамият ҳаётига, шу жумладан, сиёсат ва бошқарувга қандай таъсир этишини тадқиқ қилади. **Учинчидан**, этнология билан кўпинча тадқиқотчилар аввало ўзларининг шахсий қизиқишлари доирасидан келиб чиқиб машғул бўладилар ва бу жараёнда моддий қизиқиш ёки қандайдир ижтимоий буюртма биринчи даражали муҳим аҳамият касб этмайди.

### **Семинар машғулоти режаси (2 соат)**

1. Этнология фан тарзида ва унинг тарихи.
2. Германия, Буюк Британия, Франция ва АҚШда этнология фанини шаклланиш тарихи.
3. Этнологиянинг тадқиқот предмети ва асосий методлари.
4. Этнологиянинг бошқа фанлар билан алоқалари.
5. Этнологиянинг замонавий жамиятдаги ўрни ва аҳамияти.

### **Адабиётлар.**

1. Бромлей. Ю.В. Очерки теории этноса. М.,1983.

2. Леви-Строс К. Структурная антропология. М., 1983.
3. Этнология /Под. ред. Г.Е. Маркова и В.В. Пименова. М., 1994.
4. Лурье С.В. Историческая этнология. М., 1998.
5. Садохин.А.П. Этнология. М., 2000.
6. Жабборов. И. Ўзбек халқи этнографияси Т., 1994.
7. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси Т., 2005.
8. Орлова Э.А. Введение в социальную и культурную антропологию. -М., 1994.

## *2-Боб: Этнологиянинг асосий йўналишлари ва мактаблари.*

- §2.1.Эволюционизм ва диффузионизм  
 §2.2.Социология мактаби ва функционализм  
 §2.3.Этнопсихология мактабининг шаклланиши.  
 §2.4.Этнологиядаги янги концепциялар.

### **§ 2.1. Эволюционизм ва диффузионизм.**

ХІХ аср ўрталарига келиб этнологияда этномаданий материаллар асосида ўзига хос талқин берувчи янги йўналишлар, концепциялар ва мактаблар пайдо бўлди. Уларнинг айримлари қатъий илмий йўналишга тааллуқлилиги ва тизимлашган шакли билан ажралиб турганлиги боис жуда қисқа муддатда оммалашиб кетган. Шубҳасиз, фандаги бундай машхур оқимлар ва мактаблар қаторига *эволюционизм, диффузионизм, структурализм, этнологиянинг тарихий Америка мактаби, функционализм, маданий ревалитализм* кабилар киради.

Дастлабки этнологик назария-эволюционизмнинг расман шаклланиши ХІХ аср ўрталаридаги умумметодологик дастурлар ва кашфиётларни амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Бундай қарашлар орасида ўша давр фанида ривожланиш қоидаларини тасдиқланиши муҳим аҳамият касб этган бўлиб, бунга кўра дунёдаги ҳар қандай ўзгариш ички детерминизм (нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланиши)га асосланади. Мазкур назария асосида дастлаб табиий фанлардаги кўплаб жараёнларга изох ва тавсифлар берилган. Табиий фанлардаги бундай қарашларнинг якуни тарзида ХІХ асрда эволюционализм ғоясини яратилиши ва охир оқибат унинг ғалабасига сабаб бўлди.

Эволюционизм назарияси табиий фанларда кескин бурилиш ясаши билан бирга инсон ва маданиятлар тўғрисида машхур ғояни этнология фанига ҳам олиб кирди. Ўз навбатида Кўплаб эволюционистлар асарларини табиий фанларда эришилган кашфиётлардан илҳомланиб яратганликларини таъкидлаб ўтганлар. Эволюционизм тарафдорлари ўзларининг асосий қарашлари, вазибаларини инсоният маданияти ривожланишида умумий қонуниятларни кашф этилиши ва асосланишида, турли халқлар маданиятларининг ривожланишида деб билганлар. Эволюционизм тарафдорлари бир вақтнинг ўзида турли мамлакатлардан чиққан бўлиб, *эволюцион йўналишининг пайдо бўлиши билан этнология фан тарзида шаклланган.*

#### **Эволюцион мактабнинг йирик намояндалари**

- *Эдвард Беннет Тайлор (E.B. Tyler, 1832 — 1917йй)* — асосий тадқиқоти — “Ибтидоий маданият” (“Primitive Culture”) китоби — 1871 йил чоп этилган.
- *Льюис Генри Морган (L. H. Morgan, 1818 — 1881йй)* — асосий иши - “Қадимги жамият” (“Ancient Society”) номли китоби — 1877 йил нашр этилган.
- *Джеймс Фрезер (J. Frazer, 1854 — 1941йй)* — муҳим иши - “Олтин шох” (“The Golden Bough”) асари — 1890 йил нашр этилган.
- *Джон Мак-Леннон (J.F. MacLennan, 1827 — 1881йй)* — асосий иши- “Патриархат назарияси” (“The Patriarchal Theory”) — 1881 йил эълон қилинган.

- *Адольф Бастиан (A. Bastian)* — асосий иши - “Общие основания этнологии” (“Allgemeine Grundzüge der Ethnologie”) номли асари 1881 йил чоп этилган.
- *Йоганн Бахофен (J. Bachofen, 1815 — 1887)* — асосий иши- “Матриархат” (“Das Mutterrecht”) китоби 1897 йилда эълон қилинган.
- *Дж. Лаббок (J. Lubbock)*нинг “Цивилизациянинг келиб чиқиши” (“The Origin of Civilization”) номли машхур китоби 1870 йилда чоп этилган.

Эволюцион назария тарафдорларидан Англияда-Герберт Спенсор, Эдвард Тайлор, Дж. Фрээр, Германияда-Адольф Бастиан, Теодор Вайц, Генрих Шурц, Францияда-Шарль Летурно, Америкада-Льюис Генри Морганлар машхур бўлган.

**Э.Тайлор (1832-1917йй).** Буюк инглиз олими Эдуард Тайлор этнологиядаги эволюционистик мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У ўзининг 1865 йилда нашр этилган ***"Инсониятнинг қадимги тарихи ҳақида тадқиқот"*** номли китобида ўзининг эволюционистик ғояларини, жумладан, инсоният маданиятининг ибтидоийликдан замонавий цивилизациягача бўлган тарихий ривожланиш босқичларини, халқлар орасидаги ўзаро фарқ **ирқий фарққа асосланмасдан балки халқлар маданияти ривожланишининг турли зинапоялари ҳамда халқлар маданиятининг ўзаро алоқаси ва ворислиги каби ғоялар билан боғлиқ деб ҳисоблаган.** Тайлор ўзининг эволюционистик концепциясини ***"Ибтидоий маданият"*** (1871) номли фундаментал асарида баён қилади. Мазкур асарда олим маданиятни олға силжитувчи тараққиёт ғоясини ҳар томонлама ривожлантирган ҳолда Ж.де Местранинг *"Тубанлашиш ғояси"*га қарама-қарши қўйган. Ж.де Местра илгари сурган ғоя моҳиятига кўра, маданиятнинг илк босқичларида ерда ярим цивилизациялашган одамлар яшаганлар ва уларнинг кейинги ривожланиши икки йўлдан борган. Бу жараёнда бир гуруҳ кишилар ёввойилик томон орқага кетган бўлса, бошқа бир жамоа цивилизациялашган жамият сари тараққий қилган, - дейилади. Тайлор эса тарихий ва табиий катализатор натижасида маданиятдаги регрессив ўзгаришларни рад этмаган ҳолда инсоният тарихида маданиятни эволюцион ривожланиши асосий йўналиш деб қатъий таъкидлайди.

У ўз мулоҳазаларини эволюционизмнинг ***"инсоният табиатининг бир бўлаги бўлганлиги учун ҳам табиий қонуниятлар асосида ривожланади"*** - деган ғоя асосида шакллантирган. Шу боисдан ҳам барча инсонларнинг психологияси ва интеллектуал қобилияти ўхшаш, уларда маданиятнинг бир хил хусусиятларини кўриш мумкин, кишиларнинг ривожланиши ҳам ўхшаш қонуниятларга асосланади. Тайлорнинг фикрича, маданиятнинг турли шакллари **"босқичма-босқич ривожланишида уларнинг ҳар бири шубҳасиз ўтмиш билан боғлиқ бўлиш билан бирга келажакни шаклланишида муҳим роль ўйнайди.** Тараққиётнинг мазкур кетма-кетлиги барча халқлар, шу жумладан, энг орқада қолган халқлардан тортиб цивилизациялашган халқларгача барчасини ўзаро ягона узлуксиз бир тизимга бирлаштиради.

Тайлор учун маданиятнинг барча кўринишларидан кўра кўпроқ ибтидоий одамларнинг диний эътиқодлари бирмунча кўпроқ қизиқиш уйғотган ва у бу борада диннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги анимистик ғояни ишлаб чиққан. Ибтидоий одамларнинг диний эътиқодларини ўрганиш асносида Тайлор уларга инсоният ва унинг маданияти уйғунлиги нуқтаи назардан ёндашган. Унинг фикрича, "ёввойи одамлар"нинг эътиқодлари ва маросимлари турли-туман мазмунсиз қоринмадан эмас, балки ўзаро кетма-кетликка ва мантиқий асосга эга бўлган урф-одатлардан иборат. Энг муҳими, буларнинг барчаси замида олим таъкидлаганидек, **"Илоҳий зотга эътиқод"** ёки бошқача тарзда айтганда руҳ ва жонга ишонч ғояси мужассамлашган. Тайлор ўз қарашлари асосида **"анимизм"** назариясини шакллантирган. У анимизм илдизларини ибтидоий одам тасаввуридаги туш, туш кўришнинг ўзига хос хусусияти, касаллик, ўлим қабиларнинг сабабларини изохлаш билан боғлайди ва уларни тушунтириш асосида ибтидоий одамлар тасаввуридаги **«ҳар бир одамда жон бўлиб, улар инсон танасини вақтинчалик (туш кўриш вақтида) ёки бутунлай (вафот этганда) тарқ этади»,** - деган ғояни асос қилиб олган. Ўз навбатида жон тўғрисидаги бундай қараш кейинчалик дунёвий динларда ҳам ривожланган.

Ибтидоий одамларнинг магик фикрлаш қондаси асосида ҳар бир нарсанинг жони ва руҳи мавжудлиги тўғрисида тасаввурлар пайдо бўлган ва натижада ҳайвонлар ҳамда табиий кучларнинг руҳи, бошқа оламдаги ҳаётга ишонч, табиатдаги илоҳлар ва охир оқибатда ягона тангри таолога бўлган эътиқод шаклланган деб таъкидлайди.

Тайлорнинг эволюционистик қарашлари этнологиядаги дастлабки «инкилобий» қарашлардан бири эди. Эволюционистлар қарашларининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, мазкур назария тарафдорлари илк бора тарихий жараёнларнинг яхлитлиги ва маданият тараққиётининг прогрессивлиги тўғрисидаги изчил концепцияни илгари суришган. Бироқ, эволюционизм концепцияси, шу жумладан, Тайлор қарашларининг камчилиги борасида бирмунча кечроқ бўлсада қатор танқидий фикрлар баён этилган.

Тайлор қарашларининг издошлари бошқа қатор мамлакатларда ҳам мавжуд эди ва шу боис жуда тез муддатда этнологияда етакчи қарашларга айланган.

Этнологияда эволюционизм классикларидан бири инглиз файласуфи, биологи, психологи ва социологи *Герберт Спенсордир*. Спенсор (1820-1903 йй) эволюционизм ғоясини асосан бир томонлама таҳлил қилган. Унинг фикрича, ибтидоий жамият вакиллари жисмонан, ақлан ва руҳий жиҳатдан тараққий этмаганлар қолаверса Спенсорнинг эволюционистик қарашлари маълум маънода ирқчилик характерида бўлган.

Этнологияда эволюционизм асосчилари орасида америкалик олим *Льюс Генри Морганнинг (1818-1881йй)* улкан хизматлари бор.

Морган ҳаваскор олим ва интузиист-тадқиқотчи бўлган. У ўзининг қарийб 40 йиллик фаолиятини дастлаб АҚШдаги ҳинду қабиласи-ирокезларни, сўнгра бошқа Америка ҳиндуларини ва ўзга юртлардаги халқларни ўрганишга бағишлаган. Морганнинг барча қарашларини ва турфа хил ғояларини тўлиқ ҳамда атрофлича тавсифлаш анча мушкул. Унинг этник муаммоларга оид асосий қарашлари «*Қадимги жамият*» (1877) номли йирик асарида мужассамлашган. Мазкур асарда Морган этнологиянинг асосий уч муҳим муаммосини яъни инсоният тарихида уруғчилик жамиятининг ўрни ва аҳамияти, оилавий-никоҳ муносабатларини шаклланиш тарихи ҳамда инсоният тарихини даврлаштириш муаммосини батафсил таҳлил қилган.

У ўзининг «Қадимги жамият» китобида ирокезларнинг ўзига хос жамоавий тузумини реконструкция қилиш асносида ибтидоий жамоа тузуми асосан уруғчилик бўлган, деган хулосага келади. Морганнинг фикрича, инсоният тарихини иккита катта даврга бўлиш мумкин. Биринчиси, бу қабила ва уруғларга асосланган илк-ижтимоий жамоалар даври; иккинчиси, ҳудудий ва мулкчилик асосидаги сўнги-сиёсий уюшмалар даври ҳисобланади. Морганнинг қарашларига кўра, уруғчилик Осиёдаги, Европадаги, Африкадаги ва Австралиядаги қадимги жамиятлар учун деярли бир хил кечган.

Халқларнинг уруғчилик жамоаларини тадқиқ қилишда Морган эволюцион-тарихийлик принципини асос қилиб олган. У уруғчиликнинг қолдиқларини Австралия қабилалари турмуш-тарзидан излайди. Уруғчиликнинг ривожланган шаклларини жамоа тараққиётининг юқори пиллапояларидан, яъни ирокезлар орасидан излаган. Уруғчиликнинг якуний шакли (патриархат)ни у антик даврдаги греклар ва юнонларга хос деб ҳисоблайди. Ушбу вазиятда унинг она уруғини ота уруғига айланиши мулккий муносабатларни ўрнатилиши ва унинг мерос тарзда ўтказилиши тўғрисидаги ғояси этнология учун муҳим ва қимматли ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, эволюционистик мактаб жамиятнинг прогрессив ривожланиш ғоялари асосида инсониятнинг ривожланиши ва унинг маданияти тўғрисидаги дастлабки тизимли концепцияни илгари сурган.

### Эволюционизмнинг асосий ғоялари

- Классик эволюционистик назария тарафдорлари аввало инсоният маданиятининг тараққиёти билан боғлиқ универсал манбалар ва универсал қонуниятларни яратишга ҳаракат қилганлар.

▪ Эволюционизм тарафдорлари замонавий жамиятда яшашларига қарамай ўз ёзувларига эга бўлмаган халқларни қадимият қолдиғи тарзида талқин қилишган. Уларнинг маданиятларини ўрганиш «ибтидоий жамоа» маданиятини яхлит тарзда реконструкция қилиш имконини беради деб ҳисоблайдилар.

▪ Табиатда умумий инсонлар жамоаси мавжуд. Шу боис барча одамлар тахминан бир хил ақлий қобилиятга эга. Кўпинча инсонлар ўхшаш вазиятларда тахминан бир-бирига яқин қарорлар қабул қиладилар. Бу вазият дунёнинг барча қисмларида инсоният маданиятининг ривожланиши умумийлиги ва бир хил эканлигини аниқлайди. Бу ўринда турли маданиятлар ўртасидаги алоқаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди.

• Кишилиқ жамиятида узлуксиз тараққиётнинг ўрни бор, яъни соддаликдан мураккабликка ўтиш каби маданиятда ҳам худди жамият сингари аста-секин ўзгаришлар, миқдорий ўсиш ёки камайиш йўлида пастдан юқорига қараб доимо узлуксиз ривожланиб боради.

• Маданиятнинг ҳар қандай кўриниши илк давридан маълумдир: Унинг кейинги шакллари қайта пайдо бўлади ва олдинги кўринишлар асосида шаклланади. Бунда маданият ривожланиши кўп поғонали ва дунёдаги барча халқлар учун ягона бўлган босқичлар асосида бўлади. Инсоният маданиятининг ҳар томонлама қонунлари билан бирга турли халқлар ва уларнинг маданиятларининг бир хил ривожланиш, босқичи бир хил натижаси бўлади.

• Халқларнинг маданий фарқи уларнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Эволюционизмнинг юқоридаги асосий тамойилларини этнолог-шарҳловчилар муҳим ғоявий ва амалий хулосаларга айлантирганлар: агар ҳамма халқлар бир хил тараққиёт йўлидан борса, унинг юқори нуқтасида Европа маданияти ҳамда цивилизацияси турган. Шу боис сайёрамиздаги барча халқлар ва элатлар охир оқибатда европа маданияти билан умумлашиши лозим. Қолаверса, европаликлар колониал империяларини барпо этишлари орқали мустамлака халқларни маданий тараққиётга эришишларига кўмаклашадилар, деган ғайриилмий хулосани ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлган.

XIX аср охирларида этнология йўналишида тўпланган илмий материаллар эволюционизмнинг ҳақиқий ҳаётга тўғри келмаслигини ва камчиликларини кўрсата бошлаган. Жумладан, эволюционизм тарафдорлари маданиятдаги миқдорий ўзгаришлардангина келиб чиқиб маданият ва унинг таркибий қисмларини қайта туғилиши келажакдаги пайдо бўладиган барча маданиятларни инсоният тарихининг босқичлари билан боғланишини тахмин қилган ҳолда тушунтириб бера олмади. Улар ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилиб кўрмаганлар. Янги этнографик экспедициялар материаллари кўпинча эволюционистик қарашларни рад этган ва бу борада бошқача қарашларга зарурат сезар эди. Шу боис янги антиэволюционистик назариялар ва мактаблар пайдо бўлган. Эволюционизмдан ҳафсаласи пир бўлган айрим этнолог ва антропологлар ҳатто ўзларининг назарий хулосаларидан ҳам воз кечиб, фақат **эприк** тадқиқотларгина олиб борганлар.

**Диффузионизм.** XIX аср сўнгги чорагига келиб этнология тараққиётида янги давр бошланган. Агар олдинлари бевосита этнографик кузатувлар кўпроқ савдогарлар, миссионерлар ва сайёҳлар томонидан бажарилган бўлса, кейинчалик этнологияга оид амалий тадқиқотларни махсус тайёрланган мутахассислар олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар асосида олиб борганлар. Бу эса ўз навбатида фанда янги қарашлар ва назарияларнинг пайдо бўлишига ҳамда этнологияда эволюционизмнинг якка ҳукмронлик мавқеини сусайишига олиб келган. Қолаверса, бу даврда эволюцион метод асосида изоҳлаш мушкул бўлган қатор муаммолар пайдо бўлган.

Эволюционизмнинг инқирози диффузионистик мактабни шаклланишига олиб келган. Этнологиядаги диффузионистик ғояларнинг асосий мақсади маданият ёки маданиятнинг алоҳида кўринишларини маълум бир маконда тарқалиши, уларнинг келиб чиқиш ҳудудларини аниқлаш ва турли ҳудудлар бўйлаб ёйилиш йўллари ҳамда усулларини қайта тиклашни кўрсатиб бериш ҳисобланган.

"Диффузия" тушунчаси аслида физикадан ўзлаштирилган бўлиб, физикада мазкур ибора "ёйилмок", "кириб келмок" маъноларини англатган. Этнологияда диффузия деганда халкларнинг ўзаро алоқаси-савдо, кўчиш, бир халқни икинчисини босиб олиши натижасида юзага келадиган маданий кўринишларни тарқалиши тушуниланган. Диффузионизм илмий йўналиш тарзида диффузиянинг тарихий жараёнларининг асосий мазмунини маданиятлараро ўзаро алоқалар натижасида бошқалардан ўзлаштириш ва улар биридан икинчисига кўчишини эътироф этишидир. Эволюционистик назария тарафдорлари томонидан ўхшаш маданиятларнинг ўзаро ўхшаш шароитларда мустақил тарзда пайдо бўлиши ва ривожланишига оид ғояларига қарши диффузионистлар маълум географик минтақаларда маданий кўринишларнинг пайдо бўлиши ва бир марказдан бошқа ҳудудларга тарқалишига оид ўзига хос илмий қарашдаги ғояни илгари сургани билан фарқланади.

### Диффузионизмнинг машҳур вакиллари

*Фридрих Ратцель (F. Ratzel, 1844 — 1904 йй)* — асосий иши "Антропогеография" ("Anthropogeographie") номли асари бўлиб у 1882 йилда чоп этилган;

*Эрланд Норденшильд (E. Nordenskiöld, 1877 — 1938 йй)* нинг асосий тадқиқоти "Қиёсий этнографик тадқиқот" ("Comparative Ethnographical Studies") дир, у 1919 йилда эълон қилинган;

*Роберт Гребнер (R. Graebner, 1877-1934 йй)* — муҳим асари "Этнология услуби" ("Methode der Ethnologie") — 1905 йилда нашр этилган;

*Вильгельм Шмидт (W. Schmidt, 1868-1954 йй)* — В. Копперсом (W. Koppers) билан ҳаммуаллифликда нашр этилган "Тарихий маданий этнология методларига оид муҳим китоб" ("Handbuch der Methode der kulturhistorischen Ethnologie") — 1937 йилда чоп этилган;

*Лео Фробениус (L. Frobenius, 1873 — 1938 йй)* нинг асосий асари "Маданият ҳақидаги табиий-илмий таълимот" ("Die naturwissenschaftliche Kulturlehre") бўлиб, у 1899 йили нашр этилган.

*Г. Эллиот-Смит (G. Elliot Smith)* нинг асосий тадқиқоти - "Маданият" ("Culture. The Diffusion controversy") дир. Мазкур асар 1928 йилда эълон қилинган.

Этнологияда диффузионизмнинг асосчиси сифатида Мюнхен университети профессори **Фридрих Ратцел** эътироф этилади. У илк бора маданият кўринишларини турли маданий ҳудудлар ва мамлакатлар бўйича тарқалиш қонуниятига эътибор қаратган. Эволюционистларда «маданият кўринишлари мавҳум бўлиб, ўз-ўзидан пайдо бўлади» - деган қараш устувор эди.

Ратцел ўз қарашлари "Антропогеография" (1882), "Халқшунослик" (1885) ва "Ер ва ҳаёт" (1891) номли кўп жилдлик асарларида мужассамлаштирди. Жумладан, у "Антропогеография" асарида моддий маданият намуналарини (этнографик буюмлар ва уларнинг терминологияси) географиясини турли халқларда тарқалиши билан боғлаб тадқиқ қилган. Ратцелнинг фикрича, табиий муҳит таъсирида шаклланган маданиятлар ўртасидаги ўзаро фарқ ушбу халқларнинг бир-бирлари билан доимий этномаданий алоқалари таъсири натижасида аста-секинлик билан силликланиб боради. Ратцел ўз тадқиқотларида бир халқни бошқа халқ томонидан қўшиб ёки босиб олиниши, турли ирқларнинг ўзаро бирикиши, этномаданий савдо алоқалари ва уларнинг турли шаклларига алоҳида аҳамият қаратган ва уларни батафсил таҳлил қилади. Айнан мана шундай алоқалар натижасидагина маданият кенг ҳудудларга ёйилиши мумкин. Амалиётда эса бу тил ва ирқ хусусиятларидан муҳимроқ бўлган этнографик ашёларнинг тарқалиши шаклида намоён бўлади. Ирқлар доимо ўзаро қўшилиб боради ва шунинг учун ҳам деярли барча ирқлар ҳозирда аралаш ҳолда яшашини кузатиш мумкин. Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқ ҳаётида тил этник белги тарзида ирққа нисбатан бирмунча мустаҳкам ҳисобланади, лекин вақтлар ўтиши билан ўзаро этномаданий алоқалар натижасида у ҳам маълум маънода ўзгаради ёки бир тил икинчисига ўзаро яқинлашади. Моддий маданият ашёлари эса бошқа маданият кўринишларига қараганда ўзининг шакли ва тарқалиш ҳудудини бирмунча кўпроқ намоён этади. Ратцелнинг фикрича, халқлар ҳаётида содир бўлган турли хил этно-ижтимоий

Ўзгаришлар йўқ бўлиб кетган ҳолда этнографик предметлар қандай бўлса шундайлигича қолади ва шунинг учун ҳам маданиятни илмий ўрганишда этнографик ашёларнинг ўрни бекиёсдир.

Ратцелнинг шогирди ҳисобланган *Лео Фробениус* этнолог, археолог ва фольклоршунос олим сифатида шуҳрат қозонган. У биринчи марта диффузионизм назарияси асосида маданият морфологияси номли концепциясини ва маданий доиралар назариясини яратган олимдир. Лео Фробениус Африка ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар маданияти бўйича мутахассис бўлиб, Африка, Австралия ва Океания халқлари маданиятини тадқиқ этиш борасида 12 мартаба экспедиция уюштирган ва олиб борган илмий тадқиқотлари асосида Африканинг этник харитасини яратган. Ўз навбатида шуни ҳам уқдириб ўтиш жоизки, мазкур харита бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Африкашунос олим ўз экспедицияларининг материалларини ва уларнинг назарий хулосаларини 1988 йилда нашр этилган «Африка маданиятини келиб чиқиши» номли монографиясида баён қилган. Унинг фикрича, маданият мисли тирик организм бўлиб, ундаги ўзгаришлар ҳаётнинг умумий қонунлари билан чамбарчас боғлиқдир. Олим томонидан Африка ва Меланезия халқлари маданиятларини ўзаро таққослаб ўрганиш асносида маданиятдаги ўзгаришлар алоҳида элементларнинг тарқалиши натижасида эмас, балки бир бутун яхлит маданият кўринишларига боғлиқ бўлиб, улар тахминий бирлашган элементлар уюшмаси эмас, балки бир бутун яхлит тизим ҳисобланади», - деган хулосага келинган.

Ўз навбатида шуни ҳам унутмаслик керакки, муаллифнинг маданиятни келиб чиқишига оид мулоҳазаларида айрим мифологик қарашларни ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, у маданиятни мисоли тирик организм тарзида тасаввур қилади ва маданият ҳам худди тирик организм каби дунёга келади, турли ёш босқичларини босиб ўтиб, охир оқибатда умрини тугатиб барҳам топади деган ғояни илгари сурган. Бунда муаллиф маданият одамлар томонидан яратилмайди, балки ўз-ўзидан ривожланиб боради деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, инсоният маданиятни яратувчиси эмас, балки унинг маҳсули ёки объекти ҳисобланади. Лекин маданият инсонлар томонидан яратилмаса-да у одамларсиз яшай олмайди ва кенг миқёсида тарқалиши ҳам мумкин эмас деб ҳисоблайди. Агар ўхшатиш жоиз бўлса маданият мисоли оёқсиз киши ўтсак инсонларни ўзини кўчириб ўтказишга мажбур қилади. Унинг таъкидлашича, инсонлар халқ маданиятни яратувчиси эмас, балки узатувчидир.

Фробениуснинг фикрича, ҳар бир маданият ўзига хос хусусиятга эгадир. Қолаверса, у маданиятни ижтимоий муҳитдан ташқарида, мистик кўриниш тарзида талқин қилади ва уни иккига, яъни эркак ва аёлга бўлади. Ўз навбатида машҳур олим ўз қарашларини экспедициялар жараёнида йикқан дала материаллари орқали исботлашга ҳаракат қилади. Жумладан, олимнинг Африкада олиб борган тадқиқотлари натижасида Африка маданиятини иккига-теллуруит-эфиопия-патриархал ва хтоник-хамитик-матриархатга бўлади.

Немис тилли халқлар орасида диффузионизмнинг кўзга кўринган йирик намояндаларидан бири *Роберт Гребнер* бўлган. Унинг фикрича, этнограф-эволюционистлар ўзларининг турли халқлар маданиятларидаги ўхшаш хусусиятларнинг сабабларини элементар ғоялар ёки табиий шароит билан боғлиқ бўлганми?- деган қарашни исботлаш учун зарурий меъёрий асосларни ишлаб чиқмаган. Шу боис Гребнер учун этнологиянинг асосий муаммоси маданиятни тарихий-маданий алоқалари ёки мустақил келиб чиқишига оид тадқиқотлар методини ишлаб чиқишга қаратган. У ўзининг асосий қарашларини 1905 йилда нашр этилган «*Этнология услуги*» номли китобида мужассамлаштирган.

Фробениус ва Ратцел қарашлари асосида *Роберт Гребнер* маданий қарашлар доирасида бутун ибтидоий жамоа даври тарихини глобал реконструкция қилувчи ўзига хос назарияни яратган. У ўз қарашларини исботлаш мақсадида Ер шаридаги барча халқларнинг давлатчиликкача бўлган маданиятини олтига йирик маданий доира ёки маданий гуруҳларга бўлиб чиққан. Гребнер олиб борган илмий изланишлари натижасида инсоният тарихида ҳеч



қандай такрорий ҳолатлар ва бу билан боғлиқ бирор бир қонуният мавжуд эмас деган хулосага келган. Маданиятдаги этник жараёнларнинг такрорланиши жуда кам учрайдиган ҳолатдир. Шубҳасиз бу ўринда этнологлар кўплаб ўхшаш ҳолатларга эмас, балки ягона кўриниш билангина тўқнашадилар.

Диффузионизмга оид мулоҳазаларни яқунлар эканмиз хулоса тарзида шуни таъкидлаш керакки, мазкур оқим турли мамлакатларда турлича тараққий этганига қарамай, уларни умумлаштирувчи умумий жиҳатларга эга бўлган ва биз умумий жиҳатлар тарзида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- Маданият маълум бир географик ҳудудда пайдо бўладиган ва кейинчалик бошқа минтақаларга тарқалувчи мисоли тирик организм тарзида тасаввур этилади.

- Ҳар бир маданият ўзининг пайдо бўлиш ҳудудига ва тарқалиш минтақасига эгадир. Ушбу маданият марказларини излаб топиш ва уларни тадқиқ қилиш этнологиянинг асосий вазифасидир.

- Маданият ривожланишининг асосий омиллари ўзлаштирилган хусусиятлар ва аралаш маданий элементлар ҳисобланади. Ўзаро қоришган маданиятлар нафақат моддий маданиятни, балки маънавий маданият кўринишлари ҳисобланган мифлар, эътиқодлар, одатлар ва бошқа шу кабиларни ҳам жалб этади.

- Ҳар бир маданият кўриниши бир марта пайдо бўлади; унинг тарқалиш манзарасини тасаввур қилиш орқали унинг ҳар бир кўринишини, дастлабки пайдо бўлган ҳудудини аниқлаш мумкин.

Диффузионизмнинг асосий ғояси - маданиятнинг ўзлаштирилиши ва кириб келиши ғояси қонуний ва натижали бўлган. Эволюционистларнинг маданиятни абстрак таҳлилига оид эволюционистик талқинидан фарқли тарзда диффузионистлар турли халқлар маданиятларнинг географик аниқлиги ҳамда алоқадорлиги тўғрисидаги қарашни илгари сурадилар. Бу борада турли маданиятларни таққослаб таҳлил этувчи йўлни мукамал йўл тарзда баён қилганлар.

## § 2.2. Социология мактаби ва функционализм.

Европа мамлакатлари этнология фанида диффузионизм мактаби билан бир вақтда социология мактаби шаклланган ва бу мактаб илмий жиҳатдан қараганда диффузионизмга нисбатан бирмунча сермахсул бўлган. Агар эволюционизм асосчилари этнологиянинг асосини инсонда, диффузионистлар эса маданиятда деб билган бўлсалар, социология мактаби вакиллари жамиятда деб ҳисоблаганлар. Ушбу йўналиш вакилларининг бундай хулосага келишларининг боиси улар орасида «жамиятни оддий индивидларга киритиб бўлмайди», - деган қараш устувор эди. Социология мактаби вакилларининг таъкидлашларича, жамият одамлар орасидаги ўзаро онгли алоқалари натижасида ташкил топган.

**Э. Дюркгейм (1858-1917йй).** Этнология фанида социология фанининг ватани Франция бўлган бўлса, ушбу йўналишнинг энг машҳур намояндаларидан бири *Эмиль Дюркгеймдир*. У XIX асрнинг охириги ўн йиллигида этнологияда янги йўналиш-социология мактабига асос солди.

Эволюционистларга қарши ўлароқ Дюркгейм жамиятни инсонларни ўраб турган оламга мослашиши тарзида эмас, балки ёпиқ статик тизим тарзда талқин қилган. У жамиятни социологик фактлар орқали тадқиқ қилиш ғоясини илк маротоба таклиф этган ва фанга ижтимоий тур терминини олиб кирган тадқиқотчидир. Ўз навбатида Дюркгейм маданиятни таснифлашда энг содда жамоа-ибтидоий жамоани асос қилиб олади. Олимнинг фикрича, мазкур жамоа ўз тараққиёти давомида мураккаб жамоавий тизимни босиб ўтиб уруғга айланади. Кейинчалик ундан қатор жамоа, элат, халқ каби янги жамоа ва уюшмалар пайдо бўлади. Шундай қилиб Дюркгеймнинг мулоҳазаларига кўра ҳар қандай жамоа ибтидоий жамоанинг мураккаблашган шакли ҳисобланади. Дюркгейм ғоялари унинг қатор шогирдлари томонидан давом эттирилган бўлиб, уларнинг ичида энг машҳурлари тарзида М.Моссо, К.Леви Стросс, М.Грене, Л.Леви-Брюл тадқиқотларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ зарур.

**Л.Леви-Брюль (1857-1939йй).** Этнологиядаги француз социология мактаби вакиллари орасида Люсьен Леви-Брюль ғоялари алоҳида диққатга сазовор бўлган ғоялардан бири ҳисобланади. У ўз қарашларини «Ибтидоий тафаккур» (1930) номли асарида батафсил изоҳлашга ҳаракат қилган. У Дюркгеймдан фарқли тарзда «ибтидоий халқларнинг мантиқсиз бўлган тафаккури» номли назарияни яратган.

Умуман олганда социология мактабининг асосий ғоялари асосан қуйидагиларда акс этган:

- Хар бир жамиятда мазкур жамиятнинг муҳим асосини ташкил этувчи «жамоавий тасаввурлар» мавжуд;
- Маданиятнинг функцияси жамиятни эркинлаштириш ва одамларни яқинлаштиришдан иборат;
- Бир жамиятдан иккинчисига ўтиш қийин бир жараён бўлиб бу равон текис тарзда эмас, балки сакраш йўли билан амалга ошади.

**Функционализм.** Этнологияда социология мактаби ғоялари тараққиётининг мантиқий давоми тарзида функционализм шаклланган. Агар диффузионизмнинг ватани Германия, социология мактабининг ватани Франция бўлса, функционализм Англияда пайдо бўлган ва XX асрнинг 20-йилларига келиб этнологиядаги етакчи оқимлардан бирига айланган.

### **Функционализмнинг машҳур намояндалари**

▪ *Р. Турнвальд (R. Thurnwald, 1869-1954йй)* — асосий китоби- “Кишилиқ жамоасининг ижтимоий асоси” (“Die menschliche Gesellschaft in ihren soziologische Grundlagen”) бўлиб, 1931 йилда нашр этилган.

▪ *Б. Малиновский (B. Malinowski, 1884 — 1942йй)* — асосий асари “Маданиятнинг илмий назарияси” (“A Scientific Theory of Culture”) деб номланиб, у 1944 йилда чоп этилган.

▪ *А. Радклифф-Браун (A. Radcliff-Brown, 1881 — 1955йй)* — асосий тадқиқоти - “Примитив жамоанинг тузилиши ва функцияси” (“Structure and Function in Primitive Society”) — 1952 йилда нашр этилган.

Илк маротоба функционалистик назария немис этнологи Рихард Турнвальд томонидан яратилган. Бироқ, Германияда функционализм кенг оммалашмаган ва Германияга кўшни бўлган Англияда машҳур илмий мактаб тарзида шаклланган ҳамда ижтимоий ва маданий антропология тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган. Шубҳасиз, мазкур йўналишнинг йирик намояндаларидан бири Бронислав Малиновскийдир.

Этник жараёнларни тадқиқ қилишда функционализмни фарқли хусусияти шундан иборатки, мазкур йўналиш тарафдорлари маданиятни ўзаро алоқадор умумлашган хусусиятлардан ташкил топган деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, функционализм тарафдорлари учун маданиятнинг тарихий ўзгариши муаммоси муҳим аҳамият касб этмаган. Улар учун маданият қандай ҳаракатланади? Қандай вазифаларни бажаради? Ва қандай тарзда маҳсулот беради?- деган муаммоларни ҳал этиш долзарб ҳисобланган.

**Б.Малиновский (1884-1942йй).** Бронислав Малиновский этнологиядаги машҳур классик олимлардан бири. У Кракова шаҳрида туғилган ва таҳсил олган. Янги Гвинея ва Маланезияда дала этнографик тадқиқотларини олиб борган. 1927-1938 йиллар мобайнида Лондон иқтисодиёт мактабида ишлаган, 1938 йил АҚШга иммигрант бўлиб кетган ва умрининг охири (1942 йил) гача Йель университетига ишлаган.

Малиновский маданиятга оид эмприк назариясини яратган. Тадқиқотчи олим ўзининг назариясини яратиш жараёнида олдинги тадқиқотчиларни дала-этнографик экспедициялар ўтказмаганликда ва фақатгина музей материалларини ўрганиш билан чегараланиб қолганликда танқид қилган. Шубҳасиз у олиб борган дала-тадқиқотлари жараёнида жуда ҳам қизиқарли илмий хулосаларга келган. Малиновскийнинг кузатишича, этнология кўпинча қандайдир психологик гипотеза, ёки фақатгина бирор буюм-ёки предметни тавсиф қилиш билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Унинг фикрича, ташқи

кузатув кўпинча англашилмовчиликка олиб келиши мумкин. Шу боис ички хусусиятларни чуқур англамасдан туриб маданиятни яхлит тарзда тушуниб бўлмайди. Бу ўринда маълум бир буюмни нафақат тавсифлаш, балки у қандай яратилган, қай тарзда ва қандай вазиятда ишлатиш мумкин, ушбу ашё кимга тегишли ва ким томонидан ишлатилишини ҳам тадқиқотчи англай билиши лозим. Машҳур инглиз тадқиқотчиси этнология фанининг тавсифий, фактологик хусусиятига қарши бўлиб, бу факатгина маданиятнинг айрим хусусиятларинигина акс эттиради, деган хулосага келган.

Малиновский маданият назариясига оид ўз қарашларини 1944 йилда инглиз тилида нашр этилган «*Маданиятнинг илмий назарияси*» номли китобида баён қилган. Унинг фикрича, маданият фақатгина инсонларга хос биологик хусусият бўлса-да, инсонлар ҳам тирик жонзотлар ҳисобланади. Шу боис у ўзининг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида озиқ-овқат, ёнилғи каби кундалик эҳтиёж буюмларини қидириб топади, уй-жойлар қуради ва кийим-кечакларни тикиб кияди. Демак, у мазкур амаллари орқали ўз атрофида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиради ва бу фанда маданият деб юритилади. Турли маданиятлар орасидаги ўзаро фарқ инсонларнинг турфа хилдаги оддий эҳтиёжларини қондириш усуллари билан изоҳлаш мумкин. Шу боис ҳам маданият моддий ва маънавий маданиятга бўлинади.

Ўз навбатида Б.Малиновский антропология ва этнологиянинг муҳим вазифаларини, жумладан, дунё маданиятларини тадқиқ қилишни асос қилиб олган дастлабки этнологик мактаб вакиллари қарашлари борасида ҳам ўзининг муносабатини билдириб ўтган. Айниқса, у машҳур олим Э.Тайлорнинг «қолдиқлар методи»ни жиддий танқид остига олган. Унинг фикрича, ушбу услуб асосида тадқиқотлар олиб борган кўпгина олимлар ҳар бир нарса ёки кўринишдан қолдиқий хусусиятларни излаганлар. Аслида эса ҳар доим ҳам қолдиқий кўринишлар эмас, балки маданият кўринишлари бўлиб, ундаги эски кўринишлар ўрнини янгилари эгаллаган. Малиновскийнинг фикрича, қолдиқий кўринишлар этнология фанига жиддий зарар етказган ва у маданият кўринишларининг ўзаро функционал боғлиқлиги муносабатларига зиддир. Машҳур олимнинг тасдиқлашича, маданиятда ҳеч қандай ортиқча, тасодифий ёки қолдиқий кўриниш бўлмайди. Маданиятдаги барча кўриниш ёки ҳолат маълум бир функцияни бажаради. Агар бундай бўлмаганда эди бундай кўринишлар аллақачонлар истеъмолдан чиқиб кетган бўлар эди. Жумладан, қандайдир бир урф-одат қандайдир бир жараёнда қўлланилар экан, демак у нимагадир зарурдир. Қолаверса Б. Малиновский диффузионистларни ҳам танқид остига олади ва унинг фикрича, диффузионистларнинг қатта хатоларидан бири мазкур оқим тарафдорлари маданиятни тирик бир организм тарзида эмас, балки жонсиз буюмлар мажмуидан иборат деб ҳисоблаганликларидир.

**А.Радклифф-Браун (1881-1955йй).** Альфред Радклифф Браун Кембридж университетига ўқиган. Университетдаги ўқишни тугатгандан сўнг Австралиядagi Андаман оролларидаги аборигенлар орасида ва Африкада дала тадқиқотлари олиб борган. Капштадта, Сидней университетларида ишлаган. Илмий фаолиятининг охириги 20 йилида Оксфордда тадқиқотлар олиб борган. 30-йиллар охиридан бошлаб Буюк Британия Қироллиги этнографияси институти президенти бўлган. Этнологиядаги функционализм оқимининг яна бир йирик намояндаларидан бири Альфред Радклифф Браун Риверснинг шогирди бўлиб, фанда *инглиз структурализми ёки структуравий функционализм* деган янги йўналишни олиб кирган. Бу йўналишнинг ўзига хослиги шундаки, мазкур назарияда жамият ҳаётини, одамлар онги ва муносабатлари ҳамда маданиятини функционал ва структуравий таҳлиliga оид қарашлари умумлаштиради. Радклифф Браун ўзининг асосий қарашларини 1950 йилда чоп этилган «*Этнология ва социал антропология методи*» ва 1952 йилда эълон қилинган «*Маданиятнинг тарихий ва функционал талқини*» ҳамда «*Примитив жамоанинг тузилиши ва функцияси*» номли китобларида ифода этган.

Радклифф Браун қарашларига кўра, инсонни ўрганувчи асосий фан антропология бўлиб, уч асосий йўналишга-одам биологияси, қадимий археология ва этнографияга бўлинади. Этнография эса ўз навбатида этнология ва социал антропологияга бўлинади ва уларнинг ҳар бир ўзига хос маҳсус услубларига эгадир.

У этнология деб алоҳида халқларни аниқ тарихийлик принциплари асосида ўрганувчи, уларнинг ички тараққиёти, ўзаро маданий алоқаларини таҳлил этувчи фанга нисбатан қўллашни тавсия этган.

Муаллифнинг фикрича, этнологиянинг асосий методи ёзма манбалар асосида инсоният маданиятини тарихий реконструкция қилишдир.

Ижтимоий антропология унинг фикрича, инсоният маданияти ўрганишда умуман бошқача йўналишни акс эттиради. Унинг вазифаси аниқ бир халқлар маданиятини реконструкция қилиш эмас, балки халқларнинг ижтимоий ва маданий тараққиётидаги умумий қонуниятларни излаб топишдир. Ушбу фан табиий фанларнинг индуктив ва анологик методларидан фойдаланади.

Индуктив методнинг моҳияти материалларни ажратиб танлаб олиш ва умумлаштириш бўлиб, бу маданий кўринишларни ўрганишга тааллуқлидир.

### § 2.3. Этнопсихология мактабининг шаклланиши.

Маълумки, XX асрнинг 30 - йилларигача Америкада этнология машҳур олим Франц Боас мактаби таъсирида ривожланган. Франц Боас (Frenz Boas, 1858 — 1942) ғоялари бир неча ўн йиллар олдин нафақат психологик антропология, балки маданий антропологиянинг қатор дастлабки асосий магистрал йўналишлари учун асосий пиллапоя бўлиб хизмат қилган. Боасни тадқиқотчилар замонавий этнологиянинг меъмори деб ҳисоблайдилар. У аввало эволюционистларнинг кишилиқ жамоаси, ижтимоий институтлар, маданий куйидан юқорига қараб тараққий этиб боради деган таълимотига кескин қарши чиқди. Боас ўзидан олдинги ўтган тадқиқотчилар мавҳум ёки нотўғри хулосаларга келган ва шу боис этнологияни янгидан яратмоқ зарур деган хулосага келган. У янгидан этнографик материаллар йиғиш учун олдинги тадқиқотчилардан кўпроқ дала экспедициялари ташкил этиш ва улар асосида янги методлар ва концепциялар яратиш зарур деб ҳисоблаган. Бу борада Америка мактабининг вакиллари ўзларининг дала тадқиқотларини ўтказиш жараёнида кўплаб психологик ва психатрик услублардан фойдаланган. Натижада психологик антропологияга оид кўплаб маълумот йиғишга муяссар бўлинган. Психиантропологик назарияга бўлган эҳтиёж натижасида этнопсихологик мактаб тараққий этади.

Ўз навбатида психология ва этнопсихология мактаби терминларига оид кичик бир терминологик шарҳ бериб ўтиш жоиз. Этнологияда психологик йўналиш ўзининг тараққиёти жараёнида ўзининг концептуал ворислигини сақлаган ҳолда бир неча маротоба номини алмаштирган. Мазкур йўналиш дастлаб Франц Боаснинг тарихий мактаби, кейинчалик, Шахс ва Маданият мактаби, ундан кейин «миллий характер»ни тадқиқ қилиш, XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача эса –психологик антропология, ёки кўпинча этнопсихология номи билан юритилади.

Этнопсихология мактаби намояндalarининг таъкидлашларича, «маданият» мавҳум тушунчадан кўра кенгрокдир, лекин бу борада биринчи ўринда индивид, шахс туради. Шу боис, уларнинг фикрича, ҳар бир халқ маданиятини тадқиқ қилишда индивид ва шахсни ўрганишдан бошламоқ жоиз.

Дастлабки этнопсихологик концепция этнолог олимлар томонидан эмас, балки психолог олим, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, *Абрам Кардинер (1891-1981)* томонидан яратилган. У ўз қарашларини «*Индивид ва унинг жамоаси*»(1937) ва «*Жамиятнинг психологик чегараси*» номли асарларида этнопсихология мактабининг асосий ғояларини баён қилган. Унинг тасаввурига кўра, инсоннинг шахсий хусусиятлари у туғилгандан кейинги дастлабки пайтларданоқ шакллана бошлайди. Бу шаклланиш ташқи таъсирлар ва айниқса ҳар бир жамиятдаги ўзига хос бола парваришlash усуллари: овқатлантириш, йўргаклаш, кўтариш, кейинроқ эса юришга, гапиришга ва озодалиқка ўргатиш қабилар орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам инсон руҳиятининг шаклланиши асосан 4-5 ёшгача давом этади ва ундан кейин мустақкамланади ва бутун умр деярли ўзгаришсиз қолади. Кардинернинг бош ғоясида «асосий шахслар» тушунчасига урғу берилади.

Умуман нафақат Кардинер балки АҚШ этнопсихология мактабининг Р.Линтон, Э.Сепир, Р.Бенедикт, М.Мид, А.Кардинер каби асосчилари ҳам этник фарқланиш ва маданиятлар динамикасини «муҳим шахслар таркиби» назарияси билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан атоқли этнолог Рут Бенедикт ўзининг «Маданият намуналари» (1934), «Жанубий Ғарб маданиятининг психологик типлари» (1928), «Шимолий Америкадаги маданиятларнинг конфигурацияси» (1932) каби асарларида турли маданиятларда ўзига хос махсус шахслар жамоаси мавжудлиги ҳақидаги қарашларини баён этган. Кардинер тасаввурига кўра, инсон шахсий қарашлари у туғилгандан кейинги дастлабки кунларданоқ шакллана бошлайди. Бу бевосита унга теварак - атрофдагиларнинг муносабатлари асосида шаклланади. Болалик даврида бўлган муносабат унинг келгусидаги ҳаёт фаолиятида ўзига хос из қолдиради.

Собиқ совет тузуми даврида этнопсихология «буржуа фани» ҳисобланиб, мазкур фанни ўрганишга эътибор берилмаган. Мафкуравий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлганлиги учун Ю.В.Бромлей, Н.Д.Жандилдин, С.И.Королёв, С.А.Токарев каби таникли этнограф олимлар ҳам Ғарбий Европа ва АҚШдаги этнопсихология соҳасига доир назарияларни фақат бир томонлама, яъни «буржуа социал психологлари қарашларининг танқиди» сифатида ўрганишга мажбур бўлганлар.

Этнопсихология мактабининг назарий-методологик йўналиши маданият ва шахснинг ўзаро таъсирини аниқлашдан иборат бўлган. Уларнинг назариясига кўра ҳар бир маданият ўзига хос шахслар типининг эгасидир ва болалар тарбиясини ўрганиш шахс ва маданият ўртасидаги муносабатлар орқали шаклландиган миллий характерни очиб беришда муҳим восита ҳисобланади.

XX асрнинг 30-40 - йилларга келиб шахс билан маданият муносабати тушунчаси этнологиянинг долзарб ва асосий муаммосига айланди ҳамда тобора кўпроқ этнолог олимларнинг эътиборини торта бошлаган эди. Мазкур муаммо бўйича ўз назарияларини илгари сурган олимлар икки оқимни ташкил этди: биринчи оқим вакиллари «инсон характери фақат тарбия натижасида шаклланади» деган назарияни илгари сурувчи Боаснинг маданий детерминизими тарафдорларидир (Р.Бенедикт, М.Мид), иккинчи оқим тарафдори эса «неофрейдизим - (яъни турли маданият шахс типлари) умумлашган асосдаги чекланган вариациянинг натижасидир» деган ғоя тарафдорларидир (А.Кардинер, Р.Линтон, И.Холлоуэл).

Этнопсихология мактабининг ривожланишида, шубҳасиз, Боаснинг шогирди М.Миднинг катта хизматлари бор. У устозининг турли маданиятлардаги тарбия усули шахслар ва уларга хос фаолиятларни келтириб чиқариши ҳақидаги фикрини қувватлайди ҳамда инсон хулқ - атвори, фаолияти, шахсий хусусиятларини биологик омил (ирқ) билан эмас маданият билан боғлиқлиги ҳақида илмий хулосага келади.

М.Мид Самоа (1892-25) ва Адмиралтейства (1928-1929, 1965-1967) оролларида, Янги Гвинея (1930-33), Индонезиянинг Бали (1936-390) оролида ва бошқа худудларда узок вақтлар мобайнида этнографик дала тадқиқотларини олиб борди. Мазкур дала тадқиқотлари маълумотлари асосида ёзилган, «Самоада балоғатга етиш», «Уч ибтидоий жамоаларда жинс ва темперамент», «Гвинеяда вояга етиш» каби асарлари билан М.Мид бутун дунёга танилди.

Этнопсихологик қиёфа тушунчасига ҳам кўп тадқиқотчилар ўз таърифларини бериб ўтганлар. Масалан рус тадқиқотчиси С.И.Королёв шакланган этник қиёфа «маълум даражада муҳофаза қилувчи механизм ролини ўйнайди. У худди элакдек, ёт нарсаларни ажратиб, уни ё қабул қилади, ёки уни шу халқда мавжуд бўлган нормалар асосида қайта ишлаб беради ёхуд инкор қилади, -деб таъриф берган. Бу таърифни бироз бошқачароқ талқин этадиган бўлсак, этносларнинг психологик қиёфаси-уларнинг атрофдаги воқеликни, ходисаларни ўзига хос равишда идрок, тафаккур, тасаввур қилиши уларга бўлган муносабатнинг урф-одат, анъаналар, характер тарзида намоён бўлишидир.

Ҳар бир халқнинг психологик қиёфасига мос тарзда маданияти, оилавий ва ижтимоий муносабатлар тизими, ёш ва жинслар ўртасидаги фарқланиш, диний эътиқодга

нисбатан муносабат ва шу билан боғлиқ ҳаракатлар, кайфиятлар ҳозирги даврда эса сиёсий жараёнларга муносабатлар ҳам шаклланади.

Муайян бир этник гуруҳлар маълум бир тарихий ривожланиш босқичида ўзига хос руҳий-ахлоқий ҳислатларга эга бўлиб боради ва бу ҳол уларнинг маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Масалан, биз руҳий-ахлоқий ҳислатларимиз ва шунга боғлиқ турмуш тарзимиз билан худди шу маконда бир аср олдин яшаган ўз аجدодларимиздан анча фарқ қиламиз.

XX асрдаги АҚШ этнопсихология мактабининг асосий хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у қуйидагилардан иборат эди: Маданиятни шахс орқали тушунтиришга интилиш, инсоннинг болалик даврига, айниқса, гўдакнинг руҳий-жинсий шаклланишига кучли қизиқиш, жамият ривожланишида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ўрнига етарли баҳо бермаслик ва психик омилларни мутлақлаштириш. АҚШ этнопсихология мактабининг фан олдидаги хизматлари эса аввало этнографияни психология ва психиатрия билан яқинлашувига ёрдам берди, этнографияга лойиҳаланган тестларни қўллаш орқали болалик даврини қиёсий тадқиқ қилишни ривожлантирди.

XX асрнинг 60-70 - йилларига келиб этнопсихологик тадқиқотлар ҳудуди сифатида «маданият ва шахс»ни социал-маданий система билан боғлиқ тарзда ўрганиш яна долзарб муаммога айланди.

Психологик антропология соҳасида Германиялик олим И.Эйбл-Эйбесфельдт, италиялик В.Лантанари, гватемалалик А.Мендеа-Доминиге ва шу каби олимларнинг фаол тадқиқот олиб бориб, этнопсихология ривожланишига муҳим ҳисса қўшишлари этнопсихологиянинг амалда дунё фанлари тизимида мустаҳкам ўрин олганлигидан далолат беради.

Психологик антропология инсонни башариятнинг ва алоҳида маданиятнинг бир бўлаги сифатида тадқиқ этар экан турли социал ва маданий системаларда аъло даражадаги ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатлик вужудга келиши учун кенг йўл очади. Бу эса давримизга хос бўлган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, миллий ва диний муаммолар глобаллашяётган замонда кўплаб муаммоларни ҳал қилишнинг самарали воситасидир.

Жаҳон этнологиясида этнопсихологиянинг ўрни ҳақидаги фикрларимизни яқунлар эканмиз, илғор мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ечишда этнопсихологик тадқиқотлар натижасидан самарали тарзда фойдаланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирги даврда жамиятимиздаги кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмаётганлиги ёки амалга ошириляётган ислохотлар биз учун кутилган натижаларни бермаётганлигига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жамиятдаги этнослар хулқ-атвори ва руҳияти билан боғлиқ эканлигини тўла англамаганимиз сабаб деган фикрга келдик.

Халқимиз моддий ва маънавий маданиятининг ажралмас қисми саналмиш унинг эътиқоди, урф-одатлари, уй-жойи, кийим-кечаги-ю таомларини ўрганиш билан бир қаторда ана шу ўзига хос моддий ва маънавий маданиятни шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган хулқ - атвори ва руҳиятини тадқиқ этиш ҳам муҳимдир.

Фақат этнопсихологик тадқиқотлар билангина биз тарихимизнинг кейинги даврида халқимиз руҳияти ва хулқ атворида пайдо бўлган лоқайдлик, боқимандалик, маъсулиятсизлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларидан узоклашиш кайфиятлари, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг сустиги каби салбий ҳислатларнинг вужудга келганлик сабабларини очишимиз, жонкуярлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик ва бошқа шу каби фазилатларни ривожлантиришнинг йўлларини топишимиз мумкин.

Жаҳон тарихига назар соладиган бўлсак, инглизлардаги кучли тадбиркорлик, ташаббускорлик ва тарбиядаги қаттиққўллик ҳислати, немислардаги ўта маъсулиятлилик ва ўзига ишонч ҳислари, японларнинг миллатпарварлиги ва жамоа манфаатини эъзозлашлари, французлардаги доимо янгиликка ва эркин фикрлашга интилиш бу халқлар яшяётган юртларни дунёда энг таракқий этган мамлакатларга айлантди.

#### **§2.4.Этнологиядаги янги концепциялар.**

Кейинги ярим аср давомида этнология фанида кўплаб янги назарий-методологик

қарашлар ҳамда ғоялар пайдо бўлди. Шубҳасиз бундай қарашларнинг пайдо бўлиши дунё миқёсда сиёсий жараёнларнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачи империяларнинг емирилиши этнологиянинг тараққиётига сезиларли таъсир қилди деб айтиш мумкин. Европадаги йирик давлатларнинг мустамлакаларидан маҳрум бўлиши мазкур мамлакатларда этнологияга бўлган қизиқишнинг маълум маънода сусайишига ва ўз навбатида этнологик тадқиқотлар учун ажратиладиган маблағни камайишига сабаб бўлди. Этнологияга амалий қизиқишнинг камайиши айрим мамлакатларда (Нидерландияда) қатор илмий тадқиқот институтларининг ёпилишига олиб келган бўлса, бошқа мамлакатларда (Буюк Британия ва Францияда) этнологиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти маълум маънода пасайган. Бироқ бу жараёнлар Европа мамлакатлари этнологиясида кейинги даврда ҳеч қандай янги қарашлар ва назариялар яратилмаган деган мулоҳазани билдирмайди. Бу даврда Европа этнологлари томонидан этнология соҳасида бир қатор янги назариялар яратилди. Жумладан, инглиз олими Макс Гюлкман (1917-1975) томонидан «неофункционализмнинг Манчестер мактаби» номи остида машҳур бўлган йўналишга асос солинган, Родней Нидхем (1923 йилда туғилган) томонидан ижтимоий структуриализмнинг янги концепцияси яратилган. Француз этнологлари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, гарчи маълум маънода Леви Стросс қарашлари таъсирида бўлишларига қарамай, Морис Годилье, Клод Мелиссолар томонидан тарихий материализмга асосланган қарашларини шакллантиришга ҳаракат қилганлар.

Ўз навбатида шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Европа мамлакатларидаги этнология фани америкалик олимлар қарашлари таъсирида ривожланган. Чунки, айнан мазкур даврда АҚШда маданий антропология жуда ҳам ривожланган эди. Масалан, 40-50 - йиллар оралиғида АҚШда этнолог мутахассислар тайёрловчи коллеж ва университетлар сони икки бараварга кўпайган. Мазкур фанга бўлган қизиқишнинг ортишини икки муҳим вазият билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, АҚШда маданий антропология талабаларнинг умумий таълим олишларида муҳим роль ўйнаган ижтимоий-гуманитар фан ҳисобланган. Иккинчидан, иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон сиёсий майдонидаги вазиятни ўзгариши АҚШда этнология фанининг тараққиётига ҳам маълум маънода ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Америкалик олимлар томонидан озод бўлган учинчи дунё мамлакатлари учун тавсия қилинган маданий релятивизм концепцияси дунёнинг янги тартиб-қоида тарзида қабул қилинган. Маданий релятивизм билан бирга неоэволюционизм ғоялари ҳам сезиларли даражада тарқалган.

XX асрнинг 80-йилларга келиб ижтимоий биология мактабининг қисқа муддатли тараққиёт даври бўлган. Бироқ тез орада мазкур йўналиш фандаги ўзининг етакчилик мавқеини маданий экологияга бўшатиб берди ва мазкур назария бугунги кунгача Америка маданий антропологиясида етакчилик мавқеини сақлаб келмоқда. Тадқиқотчи олимлар бу оқимни функционализм, структуриализм ва неоэволюционизм билан бирга америка маданий антропологиясидаги асосий йўналишлар сирасига киритадилар.

Кейинги ўн йилликларда Америка этнологлари орасида Клиффорд Гирц (1926) ва Рихард Тернер (1920-1983)ларнинг қарашлари асосида шаклланган янги герменевтика йўналиши анча машҳур бўлиб бормоқда. Мазкур йўналиш тарафдорлари асосан ижтимоий коммуникацияда символлар ва символларнинг замонавий маданиятлардаги маънавий-ахлоқий аҳамиятини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олган. Бу борада Тернер символларнинг парагматик аспектига кўпроқ эътибор қаратган ва символлар ижтимоий жараёнларда фаол куч тарзда намоён бўлади деган хулосага келган. Тернердан фарқли тарзда Гирц символларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига ва уларнинг инсон ҳиссиёти ва руҳиятига бўлган таъсирини муҳим деб ҳисоблаган. Гирц этнологлар эмприк маълумотларни тавсиф қилиш билангина чегараланиб қолмасдан, мазкур маданият соҳибларининг қарашлари ва ҳаракатлари тўб моҳиятини аниқлашлари зарур деган ғояни илгари сурган.

Этнологиянинг келгусидаги истиқболли мавзулари тўғрисидаги мутахассис олимлар орасида кечаётган баҳс-мунозараларда кўплаб тадқиқотчилар герменевтик антропологияни фаннинг истиқболли йўналиши деб таъкидламоқдалар. Бунга сабаб мазкур йўналиш

тарафдорлари «маданият объектини тадқиқ қилиш субъекти асосан европалик тадқиқотчилар бўлиши керак, европалик бўлмаган жамоалар бунда тадқиқот объектигина бўлиши мумкин» деган ғоя асосида шаклланган евроцентризм ғоясидан буткул воз кечишди. Улар ер шарининг ҳар қайси минтақасида яшовчи тадқиқотчи тадқиқот субъекти бўлиши мумкин ва ўз навбатида европа маданияти тадқиқот объекти тарзида тадқиқ қилиниши мумкин деган ғояни илгари сурадилар. Қолаверса, ҳозир алоҳида маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви ва бирлашуви жараёни уларни ягона глобал маданий тизимда бирлашишларига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳозир этнология фанида бошқа маданиятларни нафақат тадқиқот объекти тарзида тадқиқ этиш, балки тарихий-маданий жараёнлар муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда ва мазкур йўналишлар доирасидаги мавзулар фаннинг истиқболдаги йўналишлари деб эътироф этилмоқда.

Замонавий этнологияда нафақат «орқада қолган» этник бирликлар, балки, замонавий тараққий этган индустрлашган жамиятлар ҳам тадқиқ қилинмоқда. Қолаверса, айнан охириги йилларда олиб борилаётган самарали амалий тадқиқотлар ва этнологиянинг турли ёндош фанлар билан ўзаро туташуви натижасида «этносоциология», «этнопсихология», «этнолингвистика», «этнодемография» каби ўзаро туташ янги йўналишлар пайдо бўлди. Этнологияда кўпроқ инсоният ва унинг маданиятини тадқиқ қилишга ва уларни илмий аналитик тарзда таҳлил этишга эътибор қаратилмоқда.

XX аср миллий ғоялар, ҳаракатлар ва миллий-этник низолар авж олган давр ҳисобланади. Халқларнинг тарихий-маданий тараққиётининг доимий ўсиб бориши этнослараро жараёнларни ва миллий-озодлик ҳаракатларни бир мунча авж олишига сабаб бўлган деб айтиш мумкин. Бу жараёнларнинг аниқ натижалари тарзида Норвегия, Ирландия, Польша, Финландия, Болтиқбўйи давлатларининг миллий мустақилликни қўлга киритишлари, Марказий Европада ва Болқонда биринчи жаҳон урушидан кейин Австрия-Венгрия империяси ўрнида қатор миллий давлатларнинг барпо бўлишига олиб келди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин йирик капиталистик мамлакатларнинг ўз мустамлакаларидан маҳрум бўлиши, Жанубий-шарқий Осиёда, Ҳиндихитойда, Африкада қатор мустақил давлатларни пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, 1991 йилдан кейин собиқ иттифоқ ўрнида 15 та мустақил Республикаларнинг пайдо бўлиши ҳам маълум маънода миллий-этник муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман олганда мазкур маълумотлар этник омилларнинг муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради. Ўз навбатида юқорида таҳлил этилган кўплаб этнологик назариялардан қай бир тарихдаги этник жараёнларни шарҳлаб тушунтиришда энг мақбули ҳисобланади?—деган савол туғилиши табиийдир. Бу борада айрим тадқиқотчилар тарихдаги этник жараёнларни изоҳлашда энг мақбули турли этнологик, социологик ва маданиятшуносликка оид мактаблар орасидан синтез қилиб олинган-тарихий этнология деб ҳисоблайдилар<sup>8</sup>.

XX аср охирига келиб дунёнинг этник манзарасини кескин тарзда ўзгартириб бориши тадқиқотчи олимларни этнологиянинг тадқиқот объекти муаммосига яна қайта мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда. Европа ва Шимолий Америкадаги турли-туман муаммолар натижасида пайдо бўлган кўп сонли диаспоралар, эмигрантлар ва қочоқлар ривожланган давлатларнинг этник таркибини жиддий ўзгартириб юборди ҳамда маҳаллий автохтон этнослар орасида камсонли этник жамоалар ўзларининг мустаҳкам мавқеини топишига сабаб бўлди. Бошқа томондан эса Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнлар қатор янги этник муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Янги тарихий вазият ва жамият ҳаётидаги муаммолар этнологиянинг тадқиқот ҳудудини кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда этнология янги мавзуларнинг кириб келиши тадқиқотчиларга фан ичида мустақил тадқиқот мавзуларини ва йўналишларини ажратиш кўрсатиш имкониятини бермоқда. Жумладан, Ғарбий Европа этнологиясида бугунги кунда *иқтисодий этнология, социал этнология, ҳуқуқий этнология, сиёсий этнология, диний этнология* каби йўналишлар мустақил тарзда тараққий этиб, ривожланиб бормоқда.

---

<sup>8</sup> Лурье С.В. Историческая этнология. М.,1998.С.38.



Хулоса қилиб айтганда этнология фанининг келгусидаги асосий тадқиқот объектлари тарзида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

-этник антропология (халқларнинг этногенез ва антрофизик тараққиёти муаммоларини тадқиқ этади);

-этник социология (этник гуруҳлар ривожланишининг социал аспекти ва мавжудлигини, уларнинг ўзликни англаш ва ўз-ўзини англаш шакллари, этник гуруҳлар орасидаги алоқалар шакллари тадқиқ қилади);

-этник психология (этник стереотипларнинг шаклланиши, этник онг ва этник ўзликни англаш муаммоларини ўрганади);

-иқтисодий этнология (этносларнинг хўжалик юритиш ва иқтисодий муаммоларини таҳлил қилади);

-этнодемография (мазкур йўналишнинг асосий вазифаси халқлар сонини ўсиб бориши динамикаси ва демографик жараёнларни ўрганишдир);

-этногеография (халқларнинг географик жойлашуви, уларнинг тараққиётида ҳудудий омилнинг тутган ўрни ва этник ҳудудлар ва этник чегаралар муаммоларини таҳлил қилади);

-этнопедагогика (турли этнослардаги таълим-тарбиявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади).

Ғарб мамлакатларида ҳозир этнология фани «постмодернизм» фалсафасига асосланган бўлиб, бунда асосий эътибор ижтимоий гуруҳлар орасидаги жараёнларга қаратилади. Шунингдек, фанда локал ва глобал жараёнларни ўрганишда тадқиқотчилар томонидан тадқиқий танланиш, яъни жамият ҳаётидаги барча жараёнларни эмас, балки этнос ва турли-туман маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг муҳим деб ҳисобланган кўринишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда бажарилаётган тадқиқотларда асосий эътибор инсониятнинг ривожланиш босқичлари, яъни пайдо бўлганидан то ҳозирги давргача бўлган тарихий йўлининг глобал миқёсдаги тавсиф қилишга эмас, балки муаммовий танланиш асосидаги тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Демак, юқоридаги мулоҳазаларга яқун ясаб умумлашма тарзида шунини таъкидлаш мумкинки, постмодернизм ғояси билан бойитилган этнология фанининг бугунги кундаги асосий вазифасига этномаданий муносабатларни ҳосил қилувчи этноснинг ўзининг ичидаги ва этнослараро жараёнларни тадқиқ қилиш киради. Тадқиқотчилар охириги пайтларда этник маданиятларга ва уларнинг локал хусусиятларига, одамларнинг кундалик турмуш-тарзига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Энг муҳими ҳозир бажарилаётган кўплаб этнологик тадқиқотлар амалиётда қўлланилмоқда ва ривожланган мамлакатларда бажарилаётган илмий тадқиқотларнинг аксарияти жамият ҳаётида айнан муҳим ва энг долзарб деб эътироф этилган ижтимоий муаммолар доирасида амалга оширилаётганлиги юқоридаги фикрларимизга янада ойдинлик киритади.

### **Семинар машғулотлари режаси.**

1. Эволюционизм ва диффузионизм. Эволюцион мактабнинг шаклланиш тарихи.
2. Антиэволюционизм: диффузионизм, социал мактаб.
3. Ф.Баоснинг Америка тарихий мактаби ва унинг этнология ҳамда маданий антропологиянинг кейинги тараққиётига таъсири.
4. Этнопсихология мактабининг шаклланиши.
5. Этнологиядаги янги замонавий концепциялар.

### **Маърузалар ва рефератлар мавзулари**

1. Этнологияда экологик йўналиш.
2. Замонавий этнология мактаблари ва концепциялари.
3. Б. Малиновскийнинг функционализмга оид қарашлари.
4. Этнология фани кеча, бугун ва эртага.
5. Этнологияда постмодернизм концепцияси.

## Адабиётлар.

1. Белик А.А., Резик Ю.В. Социокультурная антропология. Историко-теоритическое введение. - М.,1998.
2. Краткий этнологический словарь. Москва: фонд "Социальный мониторинг", 1995.
3. Культурная антропология: Учебное пособие/Под.ред. Ю.Н.Емелянова, Н.Г. Скворцова.-СПб.,1996.
4. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. Под ред. А.П Садохина. - М., 2000.
5. Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. -М., Academia, 2000.
6. J. B. Cole. Anthropology For the Nineties. N.Y, L.: The Free Press, 1988.
7. George W. Stocking. Polarity and Plurarity: Franz Boas as Psuchological Antropologist. In: New direction in Psychological Anthropology. Theodor Schwartz, Geoffry M. White, Catherine A. Lutz (eds.) Cambridge: Cambridge University Press, 1994.
8. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси.Т.,2005.

### 3-Боб. Этнос муаммоси билан боғлиқ қарашлар ва назариялар

-----

§3.1. Этнос ва этниклик.

§3.2. Примордиализм ва констурктивизм.

§3.3 Этногенез ва этник тарих.

§3.4.Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни-----

#### §3.1. Этнос ва этниклик

Инсоният тарихи - бу нафақат давлатлар, буюк шахслар ва ғоялар тарихи, балки халқлар тарихи ҳам бўлиб, кишилар бир неча минг йиллик фаолияти мобайнида давлатларга асос солган, улар орасидан буюк арбоблар етишиб чиққан, кўплаб маданиятлар ва тилларни яратиб, шарафли ишлар ва жангу жадаллар қилган, шунингдек, буюк кашфиётлар яратган, қаҳрамонликлар ва аксинча фожиаи ишларни амалга оширган<sup>9</sup>. Қолаверса, инсон биологик мавжудот-табиати бир қисми бўлиши билан бирга кишилик жамиятидаги эволюцион таракқиёт натижасида ҳамда ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли муайян ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларга бўлинади. Мана шундай асосий жамоалардан бири-фанда этнос деб юритилади.

Биз яшаётган она заминда турли-туман халқлар ўзларининг миллий-этник маданияти ва анъаналари билан бошқалардан ажралиб туради. Ўз навбатида ҳар бир этник бирлик ўзига хос шаклланиш ва этник ривожланиш тарихига эга. Н.И.Конрад таъбири билан айтганда: "...ҳар бир халқ, сон жиҳатидан катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар такрорланмас хусусиятларни ўзида мужассам этган, ўзига хос тарихига эга. Ҳатто айтиш мумкинки, инсоният тарихи ана шундай кичик халқлар тарихидан ҳам ибтидо олади".

Қўлламанинг ушбу қисмида этнос муаммоси юзасидан назарий-методологик қарашлар ва илмий фаразларга батафсил тўхталиб ўтишдан аввал ҳар бир фан соҳасидаги тадқиқотлар илмий-методологик ишланмаларга асосланиши лозимлигини ва ўз навбатида мавжуд тарихий муаммолар ечимининг тўғрилиги, унинг назарий асоси билан белгиланишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Бу ўринда этнологияни рамзий тарзда улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, назарий-методологик тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнади. Шу боис ҳозирги этнологик тадқиқотларни назарий-методологик қарашлар билан бойитиш ва фаннинг турли мавзулари доирасида бажарилаётган тадқиқотларга илмий концепцияларни асос қилиб олмоқ зарур. Чунки, назарий хулосаларсиз ёки тарихий далил -

---

<sup>9</sup> Этнология. Учебник для высших учебных заведений. Под ред. А.П Садохина. - М., 2000.

исботларсиз муаммони тадқиқ этилиши айрим ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши, яъни миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Энди эса этнологияниг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлган этнос ва этниклик борасида бироз кенгрок тўхталиб ўтсак.

**ЭТНОС** (юнонча - "халқ"; ингл. - *ethnos*; нем. - *Ethnos*) - табиий-тарихий жараёнлар натижасида таркиб топган кишилар гуруҳидир<sup>10</sup>. Маълумки, инсоният биологик мавжудот, табиатни бир қисми бўлишига қарамай кишилик жамиятидаги эволюцион тараққиёт натижасида ҳамда ижтимоий омиллар туфайли муайян ижтимоий бирликлар ва жамоаларга бўлинади. Ер шарида яшовчи турли ижтимоий-сиёсий жамоалар орасида ўзбек тилида *халқ*, илмий адабиётларда-*этнос* деб юритилувчи кишилар жамоаси алоҳида ажралиб туради. Сўзимиз аввалида айтиб ўтиш жоизки «*этнос*» термини махсус адабиётларда пайдо бўлганига гарчи анча вақт бўлган бўлса-да, лекин алоҳида кишилар гуруҳини англатувчи ибора тарзида фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан этногенез ва этник тарих, умуман этник жараёнларга қизиқишнинг кучайиши натижасидагина янада кенг илмий истеъмол доирасига кирди.<sup>11</sup> Шубҳасиз мазкур ибора бугунги кунга келиб ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрнини топди, деб айтиш мумкин. Ҳозирда ушбу терминни нафақат этнологлар, балки файласуфлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологлар, психологлар ва ҳатто иқтисодчилар ҳам доимий равишда кенг қўлламоқдалар ва мазкур муаммо билан боғлиқ ўзларининг турли-туман қарашларини баён қилмоқдалар.<sup>12</sup>

Этнос тушунчаси этнология фанида жуда кўп қўлланилади. Зеро, айрим тадқиқотчилар фикрича, фаннинг бош тадқиқот объекти ҳам этноснинг ўзидир. Этнос кишилик тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлган.

Этнос атамаси дастлаб юнон тилидаги манбаларда юнон бўлмаган халқларга нисбатан қўлланилган. Айнан шу маънода мазкур ибора Рим маданияти ва лотин тилида ҳам учрайди. XVIII асрнинг охирига қадар этнос атамаси ниҳоятда чегараланган ҳолда қўлланилган. Фақат XIX асрдан эътиборан бу атама илмий адабиётларда «халқ» (народ) маъносида қўлланила бошланган. Гарчи этнология фанида этнос ибораси анчадан буён ишлатилаётган бўлишига қарамай, фақат XX аср охирида дунё бўйича этногенез ва этник тарих ҳамда этник жараёнларга қизиқишнинг ортиши натижасидагина у алоҳида кишилар жамоасини англатувчи махсус атама сифатида қўлланила бошланган. Шубҳасиз, мазкур ибора бугунги кунга келиб ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрнини топди, деб айтиш мумкин. Ҳозир ушбу терминни нафақат этнологлар, балки файласуфлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологлар, психологлар ҳатто иқтисодчилар ҳам доимий равишда қўлламоқдалар ва мазкур муаммо билан боғлиқ ўзларининг турли-туман қарашларини баён қилмоқдалар.

Этнос атамаси жуда кенг ва аксинча тор маънода ҳам ишлатилади: дунё халқи, Ўзбекистон халқи, Америка халқи, вилоят халқи. Бошқа кичик бир кишилар гуруҳига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилади. Этнология фанида этносни белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: *худуд, тил, иқтисод, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, онг сезими, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, ўз этник номи (этноними)га эга бўлиши, диний эътиқоднинг умумийлиги* ва бошқа шу каби аломатлар.

Ўзининг методологик ёндошуви ва тадқиқот аспектидан келиб чиқиб замонавий фанда этнос билан боғлиқ турли қарашлар ва мактаблар шаклланган. Булар қаторига: 1. Машҳур туркийшунос олим Л.Н.Гумилевнинг пассионар назарияси. 2. Назариётчи рус академиги Ю.В. Бромлейнинг дуалистик концепцияси. 3. Н.Н.Чебаксаров ва С.А.Арутюновнинг этнос билан боғлиқ информационал концепцияси. 4. Г.Е.Маркова ва

<sup>10</sup> Краткий этнологический словарь. Москва: фонд "Социальный мониторинг", 1995.

<sup>11</sup> Ёаранг: Этнология. Учебник для высших учебных заведений. Под ред. А.П Садохина. - М., 2000.С.78.

<sup>12</sup> Рыбаков С.Е. Философия этноса. - М.,2001.С.5.

В.В.Пименоваларнинг тизимли-статистик ёки компонентли назарияси. Демак айтиш мумкинки ҳозирги кунга қадар этнос тушунчаси таърифи бўйича ҳам фанда ҳозирга қадар ягона фикр мавжуд эмас. XX асрнинг 20-йилларида рус эмигранти С.М. Широкогоров (1887-1939) томонидан этнога илк бора куйидагича таъриф берилган эди. «Этнос-бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир»<sup>13</sup>. XX асрнинг 60-70 - йилларига келиб этнос назариясига оид қарашларда янги босқич бошланган. Собик иттифоқнинг назариячиларидан П.Кушнер (Кнышев), С.А.Токарев, Н.Н.Чебаксаров, Ю.В.Бромлей, В.И.-Козловлар этносни ўзига хос таърифини келтирдилар. Айниқса, бу борада Ю.В.Бромлейнинг фикрлари эътиборга сазовордир. Унинг «Этнос ва этнография», «Этнографиянинг замонавий муаммолари», «Этнос назариясидан очерклар» каби қатор асарларида этнос назариясига доир мавжуд илмий қарашлар таҳлил қилинган ҳамда ижодий ривожлантирилган. Натижада назарий этнографияда «бромлей концепцияси» ёки «Этносни дуалистик назарияси» деб аталувчи концепция пайдо бўлди. Бу концепция унинг 1983 йилда нашр этилган «Очерки теории этноса» (Этнос назариясидан очерклар) номли монографиясида тўлалигича ўз ифодасини топган<sup>14</sup>.

Кенг маънодаги этнос ёки этноижтимоий тузилмага таъриф берар экан Ю.В.Бромлей ёзади: «Этник кўринишни ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан мустақам алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш керак, қайсики улар ўзаро боғлиқдир. Этнос агар ягона (умумий) бир давлат таркибида мавжуд бўлса, ушбу ўзаро алоқадорлик янада муҳимдир. Бу ҳолатда таркиб топаётган ўзига хос тузилма нафақат ҳудудий-сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий умумийликка ҳам эга бўлади». Умуман олганда Бромлейнинг фикрича, *этнос - аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номи (этноними) га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир*<sup>15</sup>.

Таниқли элшунос олим Ю.В.Бромлей томонидан илгари сурилган концепциянинг характерли жиҳати шундаки, муаллиф этнос тушунчасини бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода тушунмоқ керак деган фикрни ўртага ташлади. Олим тор маънодаги этнос тушунчасини айни вақтда «этникос», кенг маънодаги этнос тушунчасини эса «этноижтимоий тузилма» деб ҳам атайди.

Унинг фикрича, тор маънодаги этнос ёки этникос - бу ўзига хос барқарор маданият (хусусан тил), психика ҳамда этник ўз-ўзини англаш ва ўз этник номига (этнонимига) эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳидир. Кенг маънодаги этнога ёки этноижтимоий тузилмага нафақат ҳудудий-сиёсий, балки ижтимоий, иқтисодий умумийлик ҳам қиради. Бунга мисол тарзида ўзбек халқини оладиган бўлсак, мазкур назария тарафдорларининг қарашларига кўра, бутун ер шарида яшовчи ўзбеклар-этникос бўлса, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ўзбеклар эса-этноижтимоий организм ҳисобланади.

Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири унинг шаклланиш жараёнидир. Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибига этнографик гуруҳ тарзда узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқелик таъсиридан сўнг этнос таркибига сингиб кетади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, этносининг муҳим аломати унинг тили ҳисобланади. Тил кўпинча халқнинг шаклланишининг шarti ёки этногенезининг якуний босқичи ҳисобланади. Лекин баъзи ҳолларда айрим этнослар турли тилда сўзлашувчи халқлардан ҳам таркиб топиши мумкин. Бундай ҳолларда тил этнога хос муҳим хусусият,

---

<sup>13</sup> Широкогоров С.М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Т.1. Шанхай, 1923. С.13.

<sup>14</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983.

этниқ мансублиқ белгиси ролини бажаради. Қолаверса, шуни ҳам унутмаслиқ керакки, турли этнослар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин. Инглизлар ва австралияликлар бир тилда-инглиз тилида сўзлашадилар. Шунингдек, айнан мазкур тилда АҚШ аҳолиси, канадалиқларнинг катта қисми, Ямайка ороли, янги зелландияликлар, ирландлар ва Марказий Америка аҳолиси сўзлашадилар. Лекин амалда улар турли этнослар ҳисобланадилар. Демак айтиш мумкинки тил ҳар доим ҳам этноснинг шаклланишида ҳал қилувчи аломат бўла олмас экан.

Этносинг шаклланишида этносга хос моддий ва маънавий маданият ҳам муҳим ўрин тутган. Бу аввало маълум бир халққа хос миллий-этниқ аломатлар, урф-одатлар, маросимлар, халқ санъати, ахлоқ-одоб меъёрлари ва шу қабилар. Шунингдек этносга хос хусусиятларга маънавий маданият, дин ҳам қиради.

Этносинг шаклланишидаги энг муҳим аломатлардан бири мазкур этносга мансублиқни идрок этиш, яъни этниқ ўзлиқни англаш ҳисси ҳам қиради. Этниқ ўзлиқни англаш ҳисси мазкур халққа тегишли фуқаролар томонидан ўзларининг келиб чиқиш тарихи ва тарихий тақдирлари умумийлиги тўғрисидаги тасаввурлар асосида шаклланади. Ҳатто мисол учун маълум бир қисм ўзбеклар, руслар, яҳудийлар, арманлар, поляклар турли мамлакатларда яшасалар-да, ўзларини тарихий ватанларидаги этниқ жамоалари билан боғлайдилар. Бундан ташқари ҳар бир этниқ жамоага мансуб кишилар ўзларини бошқа гуруҳга мансуб одамлардан «биз» ва «улар» деган антитезис асосида ажратиб талқин қиладилар.

Республикамик мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек халқи этногенези ва этниқ тарихи муаммосини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этди ва кўплаб муаллифларнинг мазкур муаммо доирасида бажарилган тадқиқотлари эълон қилинди. Бирок элшунос олим К.Шониёзов ҳақли тарзда таъкидлаганидек, мазкур мавзуда истиқлолдан кейин бажарилган дастлабки тадқиқотларда муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиққан бўлсалар-да, лекин этниқ назарияга эътибор бўлмаганлигидан қўйилган масалани тўғри ҳал қилиб бера олмаганлар<sup>16</sup>. Бу борада ўзига хос назарий-методологик қарашларни мужассамлаштирган илк жиддий фундаментал тадқиқот тарзида академик К.Шониёзов тадқиқотларини эътироф этиш жоиздир. Машҳур ўзбек элшунос олими Марказий Осиёдаги этниқ жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқи шаклланиш жараёнига оид жиддий мулоҳазалар ва тарихий асосларга эга назарий методологик концепциясини ишлаб чиққан тадқиқотчилардан биридир. Муаллиф мураккаб этниқ жараёнлар борасидаги методологик мулоҳазалари ва концептуал қарашларини «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг 1996 ва 1998 йиллардаги сонларида эълон қилган «Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари» ва «Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари» номли мақолаларида батафсил баён қилиб берган. Академик олим мазкур тадқиқотларда нафақат *этнос* муаммосига балки, этнология фанининг назарий-методологик асосини ташкил этувчи *этниқ бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ(субэтнос) ва этниқ гуруҳ, этниқ жараён* каби тушунчаларни биринчи марта ўзбек тилида изоҳлаб берган ва уларнинг асл мазмуни ҳамда моҳиятини этнос назарияси принциплари асосида ёритиб берган.

Этнос муаммоси доирасида этнологияга ёндош соҳадаги тадқиқотчилар томонидан бажарилган илмий изланишлар борасида гапирганда атоқли тарихчи ва археолог олим академик А.Асқаровнинг тадқиқотларининг алоҳида ўрни бор. Олимнинг сўнгги йилларда олиб борган тадқиқотларида ўзбек халқи этногенези ва этниқ тарихи муаммоси юзасидан жиддий шуғулланиб, этнос назариясига оид қатор илмий-назарий ҳамда методологик қарашларни илгари сурди. Жумладан, муаллиф ўзбек халқининг этногенезини сўнгги бронза давридан бошлаб то IX-X асрларгача бўлган тарихий даврни ўз ичига қамраб олган тўрт тарихий босқичга бўлиб даврлаштириш ва мазкур муаммони етти қисмдан иборат назарий ва илмий методологик асосда ёритиш лозим деб уқтиради.

---

<sup>16</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Т.,2001.

Академик А. Асқаровнинг фикрича, *этнос - бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилиқ тараққиётида маълум бир босқичнинг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради*<sup>17</sup>. Этнос назарияси борасида машҳур туркийшунос олим Л.Н.Гумилев эса аксинча, *этнос ижтимоий эмас, балки био-географик ҳосиладир. Этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани боис ундаги қонуниятларга бўйсунди,-*деб таъкидлайди<sup>18</sup>. Шунингдек, айрим муаллифлар (айниқса *Л.Н.Гумилев* ва *Ю.В.Бромлей*) этнос одамлар ижтимоий ҳаётининг бирмунча универсал шакли бўлган ва бўлиб қолади, ҳар бир киши у ёки бу этносга тегишли деган ғояни илгари сурган. Ўз ўрнида ҳозир дунё фанида этнос назариясига алтернатив тарзда кўплаб қарашлар ва концепциялар мавжудлиги, замонавий Ғарб ва Европадаги айрим мактаб вакиллари этнос назариясини кескин танқид қилаётганлиги ёки баъзи назариётчи тадқиқотчилар ушбу назарияни буткул рад этишларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айрим қарашларга кўра, кўплаб одамлар ўзларини у ёки бу этносга тегишли деб ҳисобламайдилар. Уларнинг ижтимоий ўзига ҳослиги ўз навбатида давлатга ёки диний жамоага мансублигига қараб ҳам аниқланади. Умуман олганда, сўнгги вақтларда модернизмдан кейинги фалсафага асосланган замонавий этнология фанида этносга қуйидагича таъриф берилади: *Этнос-бу умумий ном(этноним)га, маданиятда умумий ўхшашликларга эга бўлган, жамоавий тарихий тафаккурга ва келиб чиқиши тарихини умумий мифологик тарзда тасаввур этувчи, ўзларини маълум бир ҳудуд билан боғлиқ ҳамда ҳамфикр деб билувчи кишилар гуруҳидир*. Чунончи, бунда олдинги назарияларга асос бўлган ҳудудий ва тарихий жараёнлар билан боғлиқ тарздаги объектив маълумотлар эмас, балки субъектив жиҳатлар: жамоавий тафаккур, мифология, тасаввур этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Миллат** (лотинча *patio* - «халқ», инглизча. - *nation*, нем. - *Nation*) термини қадимда ва Ўрта асрларда асосан келиб чиқиши бир бўлган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан умумийлик касб этган маълум бир гуруҳ кишиларга нисбатан қўлланилган. Янги даврда, айниқса, XVIII аср якунида бўлган Буюк Француз инқилобидан кейин француз, инглиз ва ғарбий Европа халқлари тилларида миллат термини маълум бир давлат фуқароларига нисбатан, яъни этник маънода қўлланила бошлаган. Марказий ва Шарқий Европада миллий давлатчилик тараққиёти биров кечроқ бошланганлиги боис миллат ибораси бир ҳудудда яшаган ҳамда тил-маданий муносабатлар умумийлигига эга бўлган, яъни этник маънода қўлланила бошланган. Шу боис миллат назарияси ўрнини босган. Миллатнинг янги илмий концепциясининг муаллифи француз олими Э. Ренан ҳисобланади. У илк бора 1877 йил эстатик ва этник талқинларни умумлаштиришга ҳамда миллат иборасини дастлаб қўлланилиши Ўрта асрлар Европасида миллий давлатчиликни пайдо бўлиш жараёни билан боғлиқ деб талқин қилган. Миллат унинг фикрича, аввало маълум бир гуруҳ кишиларнинг биргаликда яшашга, олдинги аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарни сақлаб қолишга бўлган ҳаракат ҳамда умумий мақсад йўлида бирлашишига айтилади. Э.Ренандан сўнг ижтимоий фанлар тизимидан миллат ибораси билан боғлиқ қатор назарий-методологик қарашлар баён қилинган бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси мукамал назария тарзида шаклланмаган ва умум томонидан эътироф этилмаган.

Совет даврида миллат атамасига ривожланган синфийликка хос этнос типи деб таъриф берилган. Миллат иборасининг пайдо бўлиши феодал тарқоқликни юзага келиши ва капитализмнинг майдонга келиши билан боғлиқ тарзда юз берган хўжалик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, она тилида ижод қилувчи зиёлилар ва адабиётчиларнинг кўпайиши, миллий-этниқ ўзлик хиссини кучайиши, миллий давлатчиликни қуриш

<sup>17</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари//О'zbekiston tarixi 2002.№4.54-60 бетлар.

<sup>18</sup> Гумилев Л.Н. Этносфера: История людей и история природы. М., 1993. С.41.

ҳаракатининг авж олиши билан боғлиқдир. Европадаги дастлаб пайдо бўлган миллатлар марказлашган давлатлар ҳудудида яъни бир ёки бир неча этник муносабатлари яқин бўлган халқлар орасида шаклланган. Масалан, француз миллати шимолий французлар ва провансаллардан ташкил топган.

Миллат ибораси Фарбий Европа тилларида «бир давлат фуқаролари жамоаси» мазмунини англатувчи сиёсий маънони англатган. Сўнги ўн йилликларда миллат ибораси билан боғлиқ анъанавий қарашларда инқилобий ўзгаришлар юз берди деб айтиш мумкин. Айниқса бу борада Миклуха-Маклай номидаги Этнология ва антропология институти директори В.Тишковнинг тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовордир Унинг фикрича, миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади<sup>19</sup>.

Ўз навбатида В.А. Тишков макон ва замон ҳамда бугунги кунда долзарб бўлиб турган терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар, кам сонли миллий гуруҳлар тушунчаларини «ижтимоий антропология» нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унинг фикрича, турли-туман маҳаллий қарама-қаршиликлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки «замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги замонавий иштирокчиларнинг замонавий ихтилофлари»дан пайдо бўлади ва ўз навбатида бу вазиятда миллий адоват ва агрессия сунъий тарзда атайлаб авж олдирилади.<sup>20</sup> Бизнингча, бундай кескин қараш советлар тузумидан кейинги собиқ иттифоқ олимлари орасида гарчи дастлабки янги қараш бўлсада, лекин муаммонинг тўлиқ ечимини англатувчи мукамал жавоб эмас, балки бирмунча баҳсли, лекин эътиборга сазовор конструктивистик мулоҳазадир.

**Этнографик гуруҳ** (*инглизча. - ethnographical group; нем. - ethnographische Gruppe; русча - этнографическая группа*). Этнология фанида этнос ибораси билан бирга "этнографик гуруҳ" (суб этнос), этник гуруҳ иборалари ҳам кенг қўлланилади. Этнографик гуруҳ - маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан бири) қисми бўлиб, ўзининг айрим хусусиятлари: тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган. Этнографик гуруҳ одатда бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг этник ҳудудининг кенгайиши, яъни бир гуруҳнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб қолиши натижасида вужудга келади. Масалан, октябрь тўнтарилишидан олдинги даврда ўзбеклар таркибидаги кипчоқлар, курамалар этнографик гуруҳ ҳисобланган. Баъзи вақтларда этнографик гуруҳ ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этник бирликка қўшилиши натижасида ҳам вужудга келган. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида ўз хусусиятини сақлаб келиб, маҳаллий халқнинг ичида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, аста-секин унга аралашиб борган. Аммо буларнинг маълум қисми ўз тилини, ўзлигини ва моддий маданиятларидаги баъзи хусусиятларни сақлаб қолганлар. Бунга мисол қилиб ўзбеклар таркибидаги араблар, эронийларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Этник гуруҳ**(ингл. - ethnic group; нем. - ethnische Gruppe) - аниқ бир халқнинг (қабила, қабила иттифоқи, элатнинг) парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. *Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқидан (қабила, элат) ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш-тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини шу халқ номи билан атайдиган бўлиб қолади.* Аммо шу билан бир қаторда бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади. Масалан: кипчоқлар XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида ўзбек халқининг таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётидаги баъзи хусусиятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ,

<sup>19</sup> Тишков В.А. Реквием по этносу. С..

<sup>20</sup> Тишков В.А. Реквием по этносу. С.31.

туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қипчоқлар) этник гуруҳи ҳисобланган. Шунга ўхшаш, қанғли, уйшун ва бир қанча бошқа қабилавий номлар ҳам юқорида эслатилган халқлар таркибида мавжуд бўлган. Булар ўз этник номлари билан қайси халқ ичида бўлсалар ўша халқ (қозок, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқалар) номлари билан атаганлар.

Ажралиб чиққан этник қисм, бошқа этносларга қўшилмасдан ўзи мустақил этник гуруҳ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши билан унинг таркибига айрим (қипчоқ бўлмаган) этник гуруҳлар қўшилиб, йирик қабила иттифоқни ташкил қилади. Бунга XIII-XIV асрларда Дашти Қипчоқда яшаган қипчоқ этник гуруҳи мисол бўла олади.

Таниқли олим К.Шониёзовни таъкидлашича, қипчоқ этносининг асосий ўзагидан ажралиб чиққан гуруҳлардан бири қорақалпоқ, қанғли, дурут ва бошқа этник гуруҳларни ўз таркибига қабул қилиб, йирик қабила иттифоқини ташкил қилган эди<sup>21</sup>.

Маълумки, вақт ўтиши билан этник бирлик кишиларининг бир қисми ажралиб, бошқа ерга, бошқа табиий муҳитга бориб ўрнашиб, шу жойдаги этносга қўшилиб, турмуш тарзини бирмунча ўзгартириб, ерли халқнинг тилини қабул қилиб унга аралашиб қолиш ҳоллари ҳам оз бўлмаган. Агар шунга ўхшаш этник гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, этник бирликнинг асосий шартларидан бири бўлган этник номини (этнотимини) ва баъзи бошқа белгиларини сақлаб қололса, унда бундай этник гуруҳ ўзининг бурунги этник бирлигига тааллуқли бўлади. Вақт ўтиши билан бошқа этник уюшмага кирган этник гуруҳ, ўз тилини, маданиятини, ўзлигини батамом унутиб юборган тақдирда, бундай гуруҳ (олдингидан) бошқа этнос кишилари бўлиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда, маълум этник гуруҳ олдинги этник бирлигидан ажралиб, мутлақо бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга сингиб, ўзларини шу этнос (қабила, элат, миллат) кишилари ҳисоблайдилар. Бошқача қилиб айтганда, маълум этник гуруҳ олдинги этник бирлигидан ажралиб, мутлақо бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга сингиб, ўзларини шу этнос (қабила, элат, миллат) кишилари ҳисоблайдилар. Масала учун ҳалаж қабиласини олайлик. Бу қабиланинг асосий қисми илк ўрта асрларда Еттисувда яшаган. Милодий VI-VII асрларда буларнинг маълум қисми ажралиб ҳозирги Афғонистон худудига бориб ўрнашган. Вақт ўтиши билан улар бу худуд аҳолисининг тилини, урф-одатларини, турмуш тарзини қабул қилиб, ўз этник номларини унутиб, XIII асрдаёқ бошқа ном билан гилзой деб атайдиган бўлиб қолган эдилар. Айрим этник гуруҳлар бошқа этник бирликка кириб, унга аралашиб сингиб кетган бўлсалар ҳам, ўз этник номларини асрлар мобайнида сақлаб қолганлар. Қашқадарёнинг ўрта оқимларида можор номи билан аталувчи этник гуруҳ яшайди. Маълумки, можорлар Венгрия давлатининг асосий халқидир. Буларнинг илк аجدодлари угро-фин тилида гапирувчи халқлар бўлиб, Сирдарё қуйи оқимларидаги чўлларда ва Урал тоғ олди районларида яшаганлар. Милодий IX асрда можорларнинг катта бир қисми хазарларнинг сикувига бардош бера олмай, ғарбга силжиб, ҳозирги Венгрия худудига бориб ўрнашганлар. Бу ерда улар славянлашиб, элат ва кейинчалик миллат бўлиб шаклландилар. Қадимги ерларида қолганлари эса тил жиҳатидан турклашиб тотор, бошқирд ва ўзбеклар таркибига кириб, батамом сингиб кетганликларига қарамасдан қадимги этник номларини (можор этнотимини) бизгача сақлаб келган.

Этнологиянинг назарий методологик муаммолари борасида сўз юритганда этник ва этнослараро жараёнларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Этнологияда **«этниқ жараёнлар» деганда у ёки бу этнос (этниқ бирлик) билан боғлиқ кечаётган барча ўзгаришлар тушунилади.** Яъни «этниқ жараёнлар» тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, этнос билан боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, хўжалик-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни қамраб олади. Этниқ жараён икки хил кўринишда, яъни бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил жараёнларда намоён бўлади. Этниқ жараёнларнинг биринчи кўриниши учун илгари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этниқ гуруҳларнинг ёки унинг маълум бир бўлагининг ажралиб чиқиб, алоҳида мустақил этносни ташкил топиши характерлидир.

---

<sup>21</sup> Шониёзов К.. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни



Бирлаштирувчи этник жараёнлар эса аксинча, турли мустақил этносларнинг ўзаро яқинлашуви (интеграциялашуви), бирикиши (консолидациялашуви) ва аралашиб, қоришиб кетиши (ассимиляциялашув) ҳолатларида намоён бўлади. Таниқли ўзбек элшунос олими У.С. Абдуллаевни фикрича, этник жараённинг бу кўриниши мазмун-моҳияти билан турли мустақил этнослар орасидаги муносабатлардан иборат экан, у ҳолда бу жараёнларни яхлит ҳолда этносларо жараёнлар деб тушуниш ва аташ хато бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган назарий хулоса шуки, *этносларо жараёнлар этник жараёнларнинг ўзига хос бирлаштирувчи кўринишидир.*

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, элшунослик фанида «этносларо муносабатлар» (рус тилидаги «межэтнические отношения») тушунчаси бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. Бу тушунча кенг маънода турли этнослар орасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан, тор маънода эса ҳар хил этносга мансуб кишиларнинг яқка тартибдаги мулоқотларига нисбатан ишлатилади.

Ҳолбуки, элшунослар томонидан «миллатларо» атамасидан кўра кўпроқ «этносларо» атамаси қўлланиб келинади. Негаки, этнология фанининг тадқиқот предмети нафақат миллат, балки этноснинг барча тарихий шакллари (уруғ, қабила, элат, халқ) ҳисобланади.

**Этниклик ва мазкур муаммонинг замонавий фандаги талқини.** XX асрнинг 60-йилларига келиб ғарбдаги ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига, аниқроғи ижтимоий (маданий) антропологияга инглиз тилидан янги «*ethnicity*»-**этниклик** ибораси кириб келган. Аслида мазкур ибора фанда бирмунча олдинроқ яратилган бўлсада, лекин ўз даврида мазкур термин кенг илмий истеъмолга кирмаганлиги боис 1975 йилда тадқиқотчи олимлар Н.Глейзер ва Д. Мойниханлар ўзларининг тадқиқотларида «этниклик»ни «янги тушунча» тарзида қўллаган<sup>22</sup>.

**Этниклик** этник гуруҳнинг фарқли хусусияти, ўзликни англатувчи ўзига хос категория тарзида қўлланилса-да, лекин мутахассислар мазкур иборанинг асл мазмуни борасида ҳали ҳануз яқдил умумий хулосага келмаганлар. М.Бэнкснинг ёзишича, "кўп йиллар мобайнида "этниклик" антропология ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган бўлсада, лекин фанда қўлланилишига кўра бошқа тушунчаларга қараганда маъно жиҳатдан бирмунча баҳсли тушунча ҳисобланган». Қолаверса рус файласуф-назарийчи олими С.Е.Рыбаков таъкидлаганидек, «этнос»сиз «этниклик»ни ва ўз навбатида «этниклик»ни билмасдан туриб «этнос»ни изоҳлаш мушкул.<sup>23</sup> Умуман олганда этниклик аввало замонавий жамиятларнинг полиэтник хусусиятига қаратилган бўлиб, **этниклик** деганда ғарб олимлари этник гуруҳларнинг маданий хусусиятлари йиғиндисини тушунадилар. Этникликни тадқиқ қилишда норвегиялик олим Фредрик Бартнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У биринчилардан бўлиб этникликни кенг илмий асосда таҳлил қилишга ҳаракат қилган ва «этник гуруҳга тегишли бўлган тавсифни этник худуд (чегара) ташқарисидаги маданий материал йиғиндисига киритиб бўлмайди. Этник гуруҳлар (ёки этнослар) аввало ушбу гуруҳ аъзоларининг ўзлари муҳим деб ҳисоблаган хусусиятлар орқали аниқланади ва бу хусусиятлар ўз навбатида этник ўзликни англашда асос бўлади»-деб ёзган.<sup>24</sup> Н.Н.Миклуха Маклай номли Этнология ва антропология институти директори В.И. Тишков этниклик муаммосини «анъанавий маданий типлар» классификацияси тарзида таҳлил қилинишига кескин қарши чиқади ва этникликни «маданий гибридлик» тарзида талқин қилади. Унинг фикрича, муаммони бундай тарзда ҳал қилиниши «инсонни этникликда эмас, балки инсондаги этникликни тадқиқ қилиш»

---

<sup>22</sup> Glaser N., Moynichan D.P. Introduction//Ethnicity: Theory and Experience/Ed.by N. Glaser, D.P.Moynichan. Cambridge,1975.P.1.

<sup>23</sup> Қаранг: Рыбаков С.Е. Этничность и этнос.//ЭО.2003.№.3.С.3.

<sup>24</sup> Barth F. Introduction // Ethnic Groups and Boundaries: The Social Organisation of Culture Difference / Ed de F.Barth Bergen, Oslo, London, 1969. P.9-17.

имконини беради<sup>25</sup>. Этникликни конструктивистик йўналишда тадқиқ қилувчи олимларнинг фикрича, этниклик-маданий характер мажмуасига асосланади, яъни қайсидир этник гуруҳ гарчи бошқа этник гуруҳлардан қондош-уруғчилик жихатдан фарқлансада, аммо этникликда қондош уруғчилик ёки бошқа объектив мезонлардан кўра маданий муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Умуман олганда, *этниклик муайян этник гуруҳга мансуб маданий хусусиятлар мажмуи*, яъни бошқачароқ тарзда айтадиган бўлсак *этниклик-бу маданий фарқларнинг ижтимоий уюшмаси шаклидир*<sup>26</sup>.

Конструктивистик қараш тарафдори бўлган кўплаб тадқиқотчилар орасида «этникликни юзага келишида аввало «биз ва улар» деган ўзига хос иккилик муносабати бўлиши лозим. Агар бундай муносабат бўлмаса этниклик ҳам бўлмайди» деган қараш устувордир.<sup>27</sup>

Умуман олганда, дунё миқёсида, айниқса, ғарб мамлакатларида ҳозирги давргача этнос ва этникликка оид кўплаб назариялар ва концепциялар яратилган бўлса-да, уларни этник феноменни англаш нуктаи назардан икки гуруҳга-примордиалистик ва конструктив назариялар асосида умумийлаштириш мумкин.

### §3.2. Примордиализм ва конструктивизм.

XX асрнинг сўнги чорагидан бошлаб этнос, этниклик муаммоси доирасида тадқиқотлар олиб борган этнологлар, ижтимоий ва маданий антропологлар, файласуфлар, социологлар, психологлар, тарихчилар орасида икки йўналиш, яъни ўзига хос методологик мактаби ва қарашларига эга бўлган мустақил икки қарама-қарши-примордиалистик ва конструктивистик оқим пайдо бўлган. Ушбу икки илмий мактаб орасида доимий ўзаро илмий баҳс бўлган бўлиб, бу икки оқим ўртасидаги қизиқарли ва кескин мунозараларни конструктивистик мактабнинг йирик намояндаларидан бири бўлган америкалик антрополог Ж.Комарофф назарий оппозицияни, моҳиятан ўзаро мунозарали прагматик ва холислик асосидаги классик дихотомияси тарзида тавсифлайди<sup>28</sup>.

*Примордиализм* (инглиз тилидаги «primordial - «бошланғич», «дастлабки», «азалий» деган сўздан олинган) олинган бўлиб, мазкур йўналишнинг машҳур намояндалари қаторига К.Гирц, Р.Гамбино, У.Конноро, Ю.В. Бромлей, Э.Стуард, П. Ван ден Берг каби машҳур тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Бу йўналиш тарафдорларининг таъкидлашларича, этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган аниқ феномендир. Советлар даврида яратилган этнос назариясининг асосий манбаи ва таркибий қисмига 1913 йилда И. Сталиннинг миллатга берган (этник контекстда талқин қилинган -А.А) таърифи асос бўлган. Бунга кўра «миллат кишиларнинг тарихий таркиб топган гуруҳи бўлиб, у маданиятлар умумийлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий жамланма асосида пайдо бўлади». Лекин этнос назарияси номи билан машҳур бўлган концепция яхлит бир бутун тизимли қараш тарзда илк маротаба XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшаган рус эмигранти С.М.Широкогоров томонидан билдирилган. Айнан у фанга «этнос» тушунчасини олиб кирган тадқиқотчидир.

Кейинчалик И.Сталин ва С.Широкогоров ишларида этнос(миллат)га берилган таъриф П.Кушнер, С.Токарев, Н.Чебоксаров, В.Козлов тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган. Дарҳақиқат, юқорида номи зикр этилган олимларни маълум маънода собиқ советлар давридаги «этнос назарияси»ни ҳаммуаллифлари деб айтиш мумкин. Лекин бу назария тараққиётида Ю.Бромлейнинг хизматлари катта бўлиб, у томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида этнос назарияси янада такомиллаштирилди ва материалистик

<sup>25</sup> Тишков В.А. Этнология и политика. М., 2001. С.233.

<sup>26</sup> Тишков В.А. О феномене этничности // ЭО. 1997. № 3. С.6.

<sup>27</sup> Скворцов Н.Г. Проблема этничности в социальной антропологии. СПб., 1997. С.61.

<sup>28</sup> Коморофф. Дж. Национальность, этничность, современность: политика самосознания в конце XX века// Этничность и власть в полиэтнических государствах. М.,1994. С.34.

фундаментдаги яхлит бир тизимли концепция даражасидаги назария кўринишига эга бўлди. Қолаверса халқни (этносни) ўрганишга оид бир қанча назарий масалаларни, жумладан этник бирлик тушунчаси, этник бирликнинг даврларга бўлиниши, этник аломатлар ва бошқа қатор масалалар борасида қатор янги қарашлар билдирилди.

Ўз навбатида таъкидлаб ўтиш керакки, этнос назарияси доирасида совет даври олимлари айрим масалаларда умумий бир фикрга келишган бўлсалар ҳам, бир қанча масалалар бу даврда қолган. Шу ўринда айтиб ўтиб жоизки, марказ олимлари этнос назарияси ҳақида кўпинча умумий фикр-мулоҳазалар қилиб, Россия империяси таркибидаги миллатлар, элатларга хос этногенетик хусусиятларга етарли даражада аҳамият бермаганлар. Қолаверса, «этнос» назарияси кейинчалик ғарб ва россиялик айрим тадқиқотчилар томонидан жиддий танқид остига олинди. Жумладан, конструктивизм тарафдорларидан бири бўлган антрополог В.А.Тишков этнос назариясини асосий тақризчиларидан бири бўлиб, этнос билан боғлиқ назарий-методологик қарашларни ноанъанавий усулда таҳлил қилиш асносида кескин танқид қилган муаллифлардан биридир. Назариётчи олим тарихий-ижтимоий воқеликни инсоният тасавури натижаси тарзида таҳлил этади ва этносни тарихчилар, социологлар, этнографлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан яратилган сунъий ижтимоий тузилма деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, аслида ушбу «ақлий тузилма» ўрнида жамият ва маданиятда объектив мавжуд ҳамда ўзаро фарқли кўринишлардан иборат бўлган ўз-ўзини бошқарув континуми ва структуравийликка ҳаракат қилувчи мозаик, лекин ўзига хос маданий хилма-хиллик мавжуд. Муаллиф этнос назариясини «ревизия» қилиш асносида мантиққа зид хулосаларни ҳам баён қилади. Жумладан, олимнинг фикрича, миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади.

Ўз навбатида В.А. Тишков макон ва замон ҳамда бугунги кунда долзарб бўлиб турган терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар, кам сонли миллий гуруҳлар тушунчаларини «ижтимоий антропология» нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унинг фикрича, турли-туман маҳаллий қарама-қаршиликлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки «замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги замонавий иштирокчиларнинг замонавий ихтилофлари»дан пайдо бўлади ва ўз навбатида бу вазиятда миллий адоват ва агрессия сунъий тарзда атайлаб авж олдирилади<sup>29</sup>. Бизнингча, бундай кескин қараш советлар тузумидан кейинги собиқ иттифоқ олимлари орасида гарчи дастлабки янгича қараш бўлса-да, бироқ муаммонинг тўлиқ ечимини англутувчи мукамал жавоб эмас, балки бирмунча баҳсли, айни вақтда эътиборга сазовор конструктивистик мулоҳазадир.

Одатда конструктивистлар ўзларининг назарий-методологик қарашларидан ташқарида бўлган, ёки уларга қарама-қарши мулоҳазалар билдирган ҳар қандай қарашни примордиализмга киритадилар ва ўз навбатида ўзларининг қарашларини замонавий фан инъикоси бўлган ягона илғор таълимот тарзида талқин қиладилар. Улар примордиалистик қарашни «илмий хатоликлар мажмуи» деб ҳисоблайди. Шу ўринда муаммо доирасидаги ҳақиқий ҳолат қандай? - деган савол туғилиши табиийдир. Бу борада рус академиги С.Е.Рыбаков икки оқимга бадиий таъриф бериб, «тарихий примордиализм дарахтнинг йирик шохларига, конструктивизм эса дарахтнинг алоҳида якка шохига ўхшайди»-деб ёзади<sup>30</sup>.

**Конструктивизм.** XX асрнинг 70-80 - йилларига келиб дунё миқёсидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда этник муаммолар муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Натижада этнос ва этникликка оид конструктив қараш кенг миқёсда оммалаша бошлади. Натижада этнос, этникликка оид конструктив мактаб шаклланди. Мазкур йўналиш айниқса АҚШда ва бошқа қатор эмигрантлар давлати ҳисобланган мамлакатлар (Канада, Австралия) этнологиясида ривожланган. Айнан мазкур мамлакатларда конструктивистик назариянинг кенг оммалашшига маълум маънода мазкур давлатларда маҳаллий хиндулар ва Австралия

<sup>29</sup> Тишков В.А. Реквием по этносу. С.31.

<sup>30</sup> Рыбаков С.Е. Философия этноса..С.98

аборигенларидан ташқари этник гуруҳларнинг табиий илдизи мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир.

Маданият дифференцияси асосида пайдо бўладиган этниклик муаммосини изохлашда конструктив назарияга кўра этник ҳиссиёт ва унинг асосида пайдо бўладиган тасаввурлар ҳамда доктриналар сиёсатчи, олим ва ёзувчилар томонидан онгли тарзда яратилган ақлий тузулма (конструкт)дан иборат. Конструктивизм тарафдорлари этноснинг онг тизими ва тилни муҳим рамзий символ деб билади ва булар асосида этник ранг-баранглик мавжуд деб ҳисоблайди. Шу боис улар тил ва онг сизимига алоҳида эътибор қаратади.

**Конструктивистик** қарашнинг назарий-методологик асослари АҚШлик маданий-антрополог Дж. Коморофф тадқиқотларида баён қилинган. Бироқ дунё фанида конструктивистик қараш бирмунча олдинроқ тарқалган бўлиб, бу борада илк бора «плюралистик жамият» муаммосини ишлаб чиққан М.Смит ва Ф. Бартларнинг концепцияларида қатор мулоҳазалар баён қилинган. М. Смит этнология учун аънавий қарашлар асосида ижтимоий тузилиш бевосита маданий фарқлардан келиб чиқади деб ҳисобласа, Ф. Барт ўзига хос «коперникча ўзгариш» қилиб, «маданий фарқлар ижтимоий тузилма ва ўзаро ҳаракатлар натижасидир», - деб таъкидлайди<sup>31</sup>.

Ф. Барт этник ўзликни англашни этникликнинг муҳим аломатлари сирасига киргизмайди. Этник ўзликни англаш орқали шахс ўзининг этник ролини намоён қилади ва маълум бир гуруҳ аъзоси тарзида тасаввур этади. Шу боис улар этникликни аниқлашда этносга хос маданиятидан кўра унинг ҳозирги даврдаги фарқли ва гуруҳий чегарасига хос маданий тавсифини ҳал қилувчи аҳамият касб этади деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, конструктивистик қараш тарафдорлари бўлган ғарблик ва россиялик тадқиқотчилар этнос ва миллатнинг тарихийлик принциплари асосида пайдо бўлганлигини буткул рад этадилар ва бугунги кундаги замонавий этнослар, жумладан, Марказий Осиё миллатлари (миллий республикалар ҳам) узоқ муддатли ривожланиш натижасида эмас, балки совет ҳокимиятини маҳаллий раҳбарлар ва зиёлилар кўмагида сунъий равишда барпо бўлган деган ғояни илгари сурадилар. Бизнингча, бу фикр тарихий воқеликдан кўз юмишга, этно-миллий тарихдан воз кечишга қаратилган бўлиб, мавжуд назария ҳамда қарашларни нотўғри қолаверса ноўрин қўлланишидир.

Ж.Коморофф таъкидлашича, "конструктивизм- бу назария эмас, балки сиёсий ва маданий ўзликни англаш инсоният фаолиятининг маҳсули эканлигини тасдиқловчи тавсиф бўлиб, конструктивизм соясида кўплаб қарашлар яширинган. Конструктивизм тўғрисида примордиалист - файласуф С.Рыбаков жамиятда ҳеч қандай ягона конструктивистик назария мавжуд эмас ва умуман бу ўринда «назария» иборасини ишлатиш ҳақиқатга тўғри келмайди, - деб ёзади. Унинг фикрича, ушбу йўналиш тарафдорлари ўзаро табиатан этникликни мавжуд эмаслиги тўғрисидаги умумий тезис атрофидагина бирлашади.

Хуллас, этнологияда, умуман, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ҳозирги кунга келиб этникликка оид ягона мукамал концепция мавжуд эмас. Бизнингча, яқин келажакда этникликка оид тадқиқотлар янада баҳсли тарзда давом этади ва балки ҳозирги мавжуд қарашлар асосида янги назариялар яратилса ажаб эмас.

### §3.3. Этногенез ва этник тарих

**Этногенез** (юнонча *ethnos* - халқ ва *genesis* - туғилиши, келиб чиқиш; ингл.- *ethnogenesis*; нем. - *Ethnogenese*) — этноснинг келиб чиқишидир. Тарих фанидаги мавжуд илмий методологик ишланмага кўра этногенез деб илгаридан мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос элатнинг вужудга келишига айтилади. «Этногенез» тушунчасини фанга илк маротаба XX асрнинг 20-йилларида Н.Я.Марри томонидан киритилган.

Хар бир халқнинг тарихи унинг этногенез ва этник тарихи билан узвий боғлиқдир. Этногенез ва этник тарих халқ тарихининг маълум босқичларида вужудга келиб, маълум

бир этноснинг элат, халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этадиган тарихий ва этномаданий жараёндир. Одатда бирор бир халқнинг этногенезини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги тўғрисида бирор илмий тасаввур яратиш мумкин эмас.

Академик олим К.Шониёзовнинг мулоҳазаларига кўра, этногенез жараёнида этносни белгиловчи-ҳудудий, тил ва этно-маданий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик, этник ном(этноним) ҳамда ўзликни англаш бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги ва бошқа қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади<sup>32</sup>. Ушбу этник аломатлар ва белгиларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос-халқ шаклланади, яъни этногенез жараёни якунланади. Аммо амалда бу этник аломатлар барчаси этногенез жараёнида, яъни муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бир даврда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлмаган. Жумладан, маълум бир халқнинг ташкил топишида тил бирлиги бош роль ўйнаган бўлса, иккинчи бир элатнинг шаклланиш жараёнида хўжалик, учинчисда эса моддий маданият етакчи белги бўлган. Бу борада академик А.Аскарлов этник аломатларни этносга хос этник белгилар ва омиллар деб юритади ва этносни уюштирувчи мазкур зарурий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳамда этник белгиларга *ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, тил бирлиги, этник ном бирлиги, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма (политическая консолидация)*ларни киритади. Олим этник аломатлар алоҳида олинган қисқа бир даврда юз бермайди, балки узоқ давом этган этногенетик жараён давомида бирин-кетин таркиб топиб боради,-деб таъкидлайди.

Махсус илмий адабиётларда кўрсатилишича, этногенез жараёнининг икки усули мавжуд. 1). Туб ерли (автохтон) этник компонентларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг кўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориши; 2). Шаклланган ёки шаклланаётган этник бирликка бошқа ҳудудлардан кўчиб келган компонентларнинг маҳаллий аҳолига кўшилиши. Одатда янги этноснинг шаклланиши жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий ҳамда ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра, унинг таркибига янги-янги этник қатламлар кўшилиб боради. Янги этнос вужудга келгач, олдинги этник компонентлар алоҳида этник бирлик сифатида аста-секин йўқолиб тарих майдонидан батамом чиқиб кетадилар (масалан, саклар, массагетлар, тохарлар, ва бошқалар) ёки қисман (этник таркиби ўзгарган ҳолда) сақланиб қоладилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги этник бирликнинг шаклланиш жараёнининг охирига етиши билан ҳам этник жараён тўхтаб қолмайди. Шаклланган этник бирликка турли даврларда янги-янги компонентларнинг кўшилиши ёки ундан ажралиб чиқиб кетиш ҳоллари этник бирлик шакллангандан кейин ҳам давом этади. Дарҳақиқат, дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз этногенез жараёнининг илк босқичларидан то миллат даражасига кўтарилгунича бошқа этник кўшилмаларисиз ривожланган бўлса. Жумладан, ўзбек халқининг этногенези бунга яққол мисолдир. Ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар унинг асосий таркибини ташкил этган автохтон суғдий-хоразмий ва қадимги туркий қатламлардан ташқари ўзига турли даврларда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак атрофлардан келиб қўшилган этник гуруҳларни сингдириб борган. Демак, сайёрамиздаги барча халқлар келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник қатламлидир.

Этногенезни тадқиқ қилишда (айниқса унинг дастлабки босқичларини) этнология, этник антропология, археология, этнолингвистика, фольклор материалларни жалб қилган ҳолдаги комплекс ёндашувни талаб қилади.

Этногенезга оид бугунги кунда турли-туман қарашлар ва концепциялар мавжуд. Жумладан, айрим мутахассислар (Л.Н.Гумилёв) этносни биофизик воқелик деб биладилар ва шу боис этногенез тизимини табиий жараёнлар билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Мазкур концепцияга кўра, этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани учун ундаги қонуниятларга бўйсунди, этногенез эса биосферада содир бўладиган жараёнларнинг бир қисми деб

---

<sup>32</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.

хисобланади<sup>33</sup>.

Академик А.Асқаровнинг фикрича, «ҳар бир халқ тарихи унинг этногенези ва этник тарихи билан узвий боғлиқ. Этногенез ва этник тарих эса тарих фанининг бош масаласидир». Унинг ёзишича, халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланганига қадар бўлган тарихдан иборат... Қачонки, этник белгилар ва аломатларнинг барчаси содир бўлганидагина этнос-халқ шаклланиши ўз ниҳоясига етади. Шаклланган этносининг бундан кейинги тарихи фанда этник тарих номи билан юритилади<sup>34</sup>. Машҳур олимнинг бундай қарашлари этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида этнология фанида билдирилган чуқур мушоҳадали қарашлардан бири эканлигини эътироф этган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу борада бошқача қарашлар ҳам илгари сурилган. Жумладан, академик К.Шониезовнинг фикрича, этник тарих - ўрганилаётган халқнинг ибтидоийликдан бошлаб, бир қанча тарихий босқичларни ўтиб то бизгача давом қилиб келган катта даврни қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда этник тарих тушунчаси этноснинг қадимда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган илдизларини, уларнинг алоҳида этник жамоа (этник бирлик) бўлиб шаклланиш даврини, ҳамда этноснинг кейинги тараққиёт тарихини (то миллат бўлиб шаклланишига қадар) ўтган даврини ўз ичига олади. Бироқ ҳар икки муаллиф ҳам этнос-халқнинг шаклланиши миллатни шаклланишига тўғри келмайди, деган умумий хулосага келадилар. Ҳар икки муаллифнинг фикрича ҳам миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юқори чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умумхалқ-миллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилди, ўзликни англаш даражаси эса фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш-тарзига айланади.

### §3.4. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этади. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқ бўлиб, Марказий Осиё аҳолисининг 35% ни ташкил қилади. Ўзбекистонда (20 млн 800 минг киши, 2005 йил), Тожикистонда (1.2 млн. зиёд киши), Қирғизистонда (550-600 минг киши), Қозоғистонда (332 минг киши), Туркменистонда (320-330 минг киши) яшайди. Бундан ташқари, ўзбеклар Афғонистонда (2,5 млндан 4 млнгача), Россия (123 минг киши, 2002й.), Саудия Арабистонида (550-600 минг киши), Хитой Халқ Республикасининг Синцзян - Уйғур автоном районида (13,7 мингдан ортиқ), қолаверса, Туркия, Германия, АҚШ каби узоқ хориж мамлакатларда ҳам ўзбеклар яшайди. Расмий маълумотларга кўра ўзбекларнинг умумий сони 25 млн. дан ортиқ (2000 й.). Ўзбекларнинг ёш таркиби анча навқирон бўлиб, 1989 йилги маълумотларга кўра 15 ёшгача бўлган аҳоли умумий аҳолининг 44% ни, 15 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар 51% ни, 60 ёш ва ундан кексалар атиги 5% ни ташкил қилган. Ўзбеклар *ўзбек тилида* гаплашадилар.

Ўзбеклар алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб, Марказий Осиёнинг марказий вилоятлари - Мовароуннаҳр, Хоразмда, Етгисув ва қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақалари ҳамда Жанубий Туркистонда шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган маҳаллий сўғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, сак-массагетлар, қанғлар каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Етгисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларидан келган этник

<sup>33</sup> Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. -Л., 1990.

<sup>34</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари//O`zbekiston tarixi 2002.№4.

компонентлар ҳам Ўзбеклар *этногенезида* иштирок этганлиги тарихдан маълум. Бу қабила ва элатлар, асосан туркий ва шарқий эроний тилларда сўзлашганлар.

Кейинги йилларда археолог олимлар (*А.А.Асқаров, Ў.Исломов, Ю.Ф.Буряков, Т.Қ. Хўжайов*)нинг Ўзбекистон худудида олиб борган археологик ва антропологик тадқиқотлари натижасида Амударё ва Сирдарё оралиғида сўнгги бронза давридаёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий худудий майдон таркиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Маълумки, мил.аввалги III асрда Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий ва сўғдийлар иттифоқи асосида Қанғ давлати ташкил топган. Қанғ давлати даврида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, янги туркий этнослардан бири - қанғар элати пайдо бўлди ва ўзига хос уйғунлашган маданият шаклланди. Тарихий ва археологик асарларда бу маданият «*Қовунчи маданияти*» номини олган. Антрополог олимларнинг таъкидлашларича, айнан шу даврларга келиб, Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи сўғдийлар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос Помир-Фарғона антропологик типи тўлиқ шаклланган.

Ўзбеклар этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар Жанубий Олтой ва Шарқий Туркистондан кўчиб келган юзчи қабиласининг бир тармоғи бўлиб, улар мил.ав I - милодий IV асрларда Кушон салтанатига асос солган кушонлар ҳамда милодий III-V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хионий, кидарий ва эфталийлардир.

Шунингдек, ўзбеклар этногенезига фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар асоси *Турк ҳоқонлиги* (VI-VIII асрлар) даврида Марказий Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият қисми ўтроқлашди. Турк ҳоқонлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожиди худуддаги этник жараёнлар тараққиётга катта таъсир ўтказди. Ушбу туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик анъаналар билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий ва сўғдий симбиозни ҳал қилувчи босқичларидан бири бўлган.

VIII асрдан араб ва ажам (араб бўлмаган яқин ва Ўрта Шарқ) халқларининг Марказий Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркибида маълум бир ўзгаришлар юз берган бўлса-да, Мовароуннаҳрдаги ўтроқ ва яримўтроқ туркийзабон аҳоли, сўғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз худудларида қолиб, араблар (VII-VIII аср), кейинчалик Сомонийлар (IX аср) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Умуман олганда IX асрдан бошлаб Мовароуннаҳр минтақасида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади ва ўз навбатида сўғдийлар ва бошқа маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Элшунос олим *К. Шониёзов*нинг қайд этишича, IX-X асрларда тифиз этногенетик жараён натижасида кўплаб туркий қабила ва уруғларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши жадал давом этган. Бу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлган. Академик *А.Асқаров*нинг таъкидлашича, бу кучли этник қатлам асосининг аксарият кўпчилигини ўтроқлашган турғун туркий этнослар ташкил қилган.

*Қорахонийлар* даврида (X-XI асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Фарбий Қорахонийлар давлати доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва айнан мазкур даврда элатни белгиловчи худуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник ўзликини англаш, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланган. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. Мовароуннаҳр ва унга

туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли; қарлук, чигил, яғмо, тухси, халач, арғин, ўғуз, қипчоқ, уз, қангли сингари уруғлар ўзларини бир халқ (элат) сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, XI-XII асрнинг биринчи ярмида элат шаклланишидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган аксарият этник аломатлар ўз маромига етиб ўзбеклар халқ сифатида шаклланган.

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси даврида мўғул қўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди. XV асрга қадар эса ушбу этносларнинг деярли кўп қисмида маҳаллий аҳоли билан аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирдилар.

*Чигатой улуси* тилининг ривожланиши ҳамда кейинчалик *Амир Темур ва темурийлар* даврида иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида Мовароуннаҳрда адабий тил такомиллашиб, «туркий» ёки «чиғатой» тили деб номланган. Тараққий этган ўзбек адабий тили айниқса *Алишер Навоий* даврида энг юқори нуқтага кўтарилди. Аммо халқнинг жонли тили кўп диалектли бўлиб, адабий тил шаклланишида учта асосий шева - *қарлук, қипчоқ* ва *ўғуз* диалектлари асос бўлган. Маълумки, шаклланган ўзбек элатининг Амир Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараққиётига барлос, жалойир, қавчин, арлот, қипчоқ каби этник гуруҳлар ҳам фаол таъсир қилган.

Ўзбеклар этник тарихида XV аср охири - XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Марказий Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатағон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келиши кучайган. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида мўғулий ирк аломатлари ҳам фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳам, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбора олмаганлар. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар «ўзбек» номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда ҳали ҳануз яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (*Г.Вамбери, Г.Ховорс, М.П.Пельо*) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабиаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли ўзбек, яъни «ўз-ўзига бек» деб атаган десалар, бошқалар (*П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хукэм*) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (XIV аср.) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (*В.В. Григорев, А.А. Семёнов* ва *Б. Аҳмедовлар*) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул қабиаларига тааллуқли бўлган деган фикрни билдирадилар.

Темурийлар давлати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII аср бошларидан Кўкон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жихатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига путур етказа олмаган. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан уч давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Марказий Осиё халқларининг XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги тарихий тақдири ва тараққиёт босқичлари чор Россиясининг мустамлакачилиги даври билан боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан Марказий Осиёда *миллий-худудий чегараланиш* ўтказилиб, бешта миллий республикалар ташкил этилди. Маҳаллий халқларнинг миллий тараққиёти давом этаётган бир паллада 1924 йили миллий чегараланиш ўтказилган. Шу билан шаклланган элатлар тараққий этаётган тарихий макон сунъий равишда бўлиб юборилди. Минтақа халқларининг ассимиляция, консолидация



жараёнларига жиддий таъсир ўтказилиши ва кейинчалик «совет халқи номли ягона этник бирликни яратиш ҳақидаги назарияни амалга оширилиши борасидаги олиб борилган сиёсат ҳам ўзбекларнинг миллий-этник қиёфасига, менталитетига раҳна сола олмади. Албатта, кейинчалик минтақада вужудга келган барқарорлик нисбатан ўзбекларнинг этник-маданий тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди.

Ўзбекларнинг миллат сифатида ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек халқи маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш-тарзида ўзига хос уйғониш ва янгилашни палласига қадам қўйди.

### **Семинар машғулоти режаси**

1. «Этнос» ва «этниклик» тушунчаларининг моҳияти ҳамда бу борадаги замонавий қарашлар.
2. Ўзбекистон этнологияси этнос ва этниклик назарияси.
3. Примордиализм ва конструктивизмнинг асл моҳияти ҳамда мазкур назариялар доирасида бажарилган замонавий қарашлар таҳлили.

### **Маърузалар ва рефератлар мавзулари**

1. Этнос назарияси кеча, бугун ва эртага.
2. Этниклик муаммоси дунё этнологлари талқинида.
3. Бромлейнинг этнос назариясига оид дуалистик қарашлари.
4. Этнос назарияси доирасида К.Шониёзов ва А.Асқаров қарашлари.

### **Адабиётлар:**

- 1) *Бромлей Ю.В.* Очерки теории этноса, М., 1983.
- 2) Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001.
- 3) Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари//*O'zbekiston tarixi 2002. №4. 54-60-бетлар*
- 4) «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинари материаллари, Т., 2004.
- 5) Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар-Т.,2004.
- 6) Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм.Т.,2005.
- 7) Рыбаков С.Е. Философия этноса. - М.,2001.
- 8) Алексеев В.П. Этногенез. М., 1986.
- 9) Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. Л., 1990.

## **4 Боб. Дунёнинг этник манзараси ва этнослар классификацияси**

---

§4.1. Ер шарининг этник тарихи

§4.2. XX асрдаги этнодемографик жараёнлар.

§4.2. Дунё аҳолисининг географик ва антропологик классификацияси.

§4.3 Аҳолини лингвистик классификациялаш.

---

### **§4.1. Ер шарининг этник тарихи**

Ер шарида аҳоли сонини муттасил кўпайиб бориши, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, жамоат уюшмаларининг мураккаблашиб бориши ва маданият тараққиёти доимий тарзда ялпи кўчиб ўтиш(миграция)ни кўпайишига, алоҳида халқлар ва уларнинг турли минтақалардаги бутун бир гуруҳлар орасидаги ўзаро хўжалик-маданий муносабатларини кучайишига ва ўзаро қоришиб кетишига сабаб бўлмоқда. Европа, Осиё ва Шимолий Америка халқлари этник тарихида IV-IX асрларда юз берган халқларнинг «буюк кўчиши» номини олган жараён муҳим аҳамият касб этади. Айнан мазкур даврда славянларнинг Шарқий Европага жойлашиши, германларнинг Марказий ва

Шимолий Европага тарқалиши ҳамда уларнинг Британия оролларига кириб бориш жараёни юз берган. IV аср сўнггида Европага хунлар кириб келган ва Дунай ҳавзасида этник қоришган аҳолидан йирик давлатни барпо қилганлар. Хунларнинг изидан Европага хазарлар, аварлар, қипчоқлар, болгарлар каби бошқа туркий халқлар кириб келдилар. Болгарларнинг бир гуруҳи Волга дарёси бўйлаб кўтарилган ва улардан бир қисми чувашлар ҳамда татарлар этногенезида муҳим роль ўйнаган бўлса, бошқа бир гуруҳи эса 679 йили Дунайдан ўтиб жануб томон ёйилган ҳамда болгар халқига ўз номини берган. VIII-IX асрларда Жанубий Урал тоғларидан Ўрта Дунай ирмоғига ғарбий Сибирда яшовчи хант ва мансиларга яқин бўлган можорлар (мадьярлар) келиб жойлашганлар. Туркий халқлар эрамининг биринчи минг йиллигининг иккинчи ярмида ялпи тарзда Жанубий Сибир, ва Марказий Осиёга кўчиб ўтганлар. VI аср ва VII аср бошларидан араблар томонидан кўплаб мамлакатларни босиб олиниши натижасида унинг Олд Осиё ва Шимолий Африка мамлакатларига тарқалиши ҳамда у ерларда яшовчи маҳаллий аҳоли билан қўшилиш жараёни бошланган.

II минг йилликнинг биринчи ярмида Осиё ва Европа мамлакатлари этник тарихига мўғуллар босқини жиддий таъсир қилди. XIII асрда Чингизхон қўшини таркибида мўғуллар билан бирга кўплаб туркий қавмлар ҳам бўлган. Натижада келиб чиқиши ҳар хил бўлган турли-туман этносларнинг ўзаро қўшилиши натижасида Марказий Осиё, Шарқий Европа ҳамда Кавказ орти ҳудудларида қатор янги этнослар ташкил топди.

Дунёнинг этник тарихида буюк географик кашфиётларнинг ҳам таъсири катта бўлган. XVI-XIX асрларда амалга оширилган географик кашфиётлар натижасида кўплаб европаликлар Америка, Австралия ва Океанияга оммавий тарзда кўчиб ўтганлар. Мазкур миграцион жараёнларда дастлаб испанлар ва португаллар, кейинроқ голландлар, французлар ва айниқса инглизлар асосий ролни ўйнаганлар. Ушбу халқлардан ажралиб чиққан кўплаб гуруҳлар ўзларининг асл ватанидан ва она халқидан ажралганларидан сўнг янги ерларда янги этник жамоаларга асос солдилар. Мазкур этник жамоаларни ташкил топишида айрим ҳолларда колониал мамлакатнинг маҳаллий аҳолиси муҳим роль ўйнаган бўлса бошқа ҳолатларда Европадан келган эмигрантлар асосий ролни ўйнаган. Чунки улар томонидан кўпинча маҳаллий аҳоли буткул қириб ташланган ёки ўзларининг асл этник ватанларидан қувиб чиқарилган.

Биринчи йўлдан Мексика, Марказий ва Жанубий Америкадаги кўплаб давлатлар аҳолисининг шаклланиши юз берган бўлса, этник ривожланишнинг иккинчи йўлидан Канада, АҚШ, Аргентина, Уругвай, Австралия ва Океания ва Янги Зеландия ҳамда Гавай аҳолиси шаклланган. Америка қитъасидаги айрим мамлакатларда, айниқса, Кариб ҳавзаси мамлакатлари, Венесуэла, Бразилия ва Гаяна этник тарихида европалик иммигрантлар ва маҳаллий ҳиндулар билан бирга африкадан бўлган қуллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Умуман олганда XVI аср ва XX аср бошларида дунё миқёсида мустамлакачилик тузумининг авж олиши ҳам дунёнинг этник манзарасини ўзгаришига сабаб бўлган. Қолаверса, аҳоли сонининг интенсификацияси бориши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳам турли тарихий-этнографик минтақалар орасида этномаданий алоқаларнинг авж олишига сабаб бўлган.

Тарихдан маълумки, инсоният тарихида аҳоли сонининг ўсиши мураккаб ва номуносиб бўлган: «демографик портлашлар»даври аҳолининг сонининг кескин камайиб кетиш давлари билан доимий алмашилиб турган. Аҳоли сонининг ўсиши ёки камайиши ўзига хос тарихий, ижтимоий ва биологик сабаблар билан боғлиқ бўлган. XX-XXI асрларда ер шарида одамлар сони жуда тезлик билан ўсиб бормоқда. Бунга 39 йил олдин Ер шари аҳолиси ҳозиргига қараганда икки баравар кам бўлганлиги ва аҳолининг қарийб ярмидан кўпи 25 ёшга етмасдан вафот этганлиги ёрқин мисол бўла олади.

Минг йиллар мобайнида дунё аҳолиси жуда секин даражада кўпайиб борган, бунга сабаб инсоният тарихининг илк босқичларида табиатга маълум маънода қарам бўлган. Қадимги давларда ва ўрта асрларда туғилиш кескин баланд бўлишига қарамай доимий касалликлар, эпидемиялар, урушлар ўлим суръатининг ўсиб боришига олиб келган. Шу боис айнан мазкур даврда дунё миқёсида туғилиш кўрсаткичи ўлимдан устун турган.

Палеолит даври якунида (тахминан 15 минг йил олдин) ердаги одамларнинг

умумий сони тахминан 3 млн. атрофида бўлган. Кишилиқ жамияти ўз тарихининг мазкур босқичида одамлар ҳозирги яшаётган ҳудудининг учдан бир қисмида яшар эдилар. Ер шарининг бошқа минтақаларида одамлар жуда кам учраган. Бу маълум маънода қадим аждодларимизнинг хўжалиқ турмуш-тарзи (териб-термачилиқ, овчилик, балиқчилик) билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат одамларнинг кенг минтақаларда бир-бирларидан узокда яшашларига мажбур қилган.

Ўн минг йил олдин Яқин Шарқда яшаган одамлар жамоасини ўтроқ турмуш-тарзига ўтишлари ва деҳқончилик ҳамда чорвачилиқнинг кенг ёйилиши одамларнинг табиатга қарамлигини нисбатан камайтирган ва уларнинг сонини ўсишига сабаб бўлган. Ушбу новациялар натижасида 4-5 минг йил аввал Ердаги аҳоли тахминан 25 млн кишига кўпайган. Бу даврда она заминимизнинг асосий аҳолиси Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хунанхе ва Янцзи дарёлари оралиғида ҳамда Марказий Осиё ҳудудида яшаган. Инсониятнинг бундан кейинги этник тарихи хўжалиқ муносабатларини такомиллашув жараёни (агротехниканинг яхшиланиши, янги меҳнат курулларининг яратилиши, ҳайвонларни хонакилаштириш) билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу омиллар натижасида ердаги кишилар сони сезиларли даражада кўпайиб борган. Антропологлар ва этнологларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра бизнинг эраимиз бошларида, яъни бундан икки минг йил олдин Ер юзи аҳолиси 150-200 млн. кишига етган. Лекин ҳали ҳануз сайёрамиздаги аксарият минтақаларни ўзлаштирилмаган ҳудудлар ташкил қилар эди. Археолог ва палеонтолог мутахассисларнинг фикрларича, бу даврда асосий аҳолининг 70% Осиёда яшаган.

Милодий эранинг охири XIX асри мобайнида Ер шари аҳолиси 10 марта кўпайган бўлса-да, аҳолининг кўпайиш жараёни тарихнинг барча даврларида ҳам бир хил тарзда кечмаган. Айрим даврларда аҳоли сони урушлар, касалликлар ва эпидемиялар таъсирида кескин камайиб кетган бўлса, бошқа даврларда интенсив тарзда аҳоли сонини ўсиб бориши кузатилган. Мисол учун XVI асрда Ер шарида ўлат эпидемиясининг оммавий тарзда тарқалиши натижасида она замин аҳолисининг тўртдан бир қисми қирилиб кетган. Шу боис эраимизнинг биринчи минг йиллигида Ер шари аҳолиси фақатгина 1,5 бараварга кўпайган ҳолос. I Минг йилликдан II минг йилликка ўтиш арафасида сайёрамизнинг асосий аҳолиси Жанубий Осиёда (79 млн.), Хитойда (66 млн.) яшаган ва улар умумий аҳолининг 55% ни ташкил қилган. Бу даврда Европада Франция, Италия ва Испания каби мамлакатлар аҳолиси энг кўп бўлган мамлакатлар ҳисобланган.

II минг йиллик ўрталарига келиб Ер шари аҳолиси 1,6 марта кўпайган. Айниқса бу даврда Европа аҳолиси жуда тез суръатда кўпайиб борган бўлса-да лекин энг кўп одам яшаган мамлакат олдинги даврлардагидек Хитой ҳисобланиб, бу мамлакатда жами 110 млн. одам истиқомат қилар эди. Шунингдек, Япония аҳолиси ҳам жуда тез суръатда кўпайиб борган. Жумладан, Япония аҳолиси 1000 - йилда 4,5 млн. бўлган бўлса, 1500 - йилда 17 млн.га етган. Европада эса энг кўп одам яшаган мамлакат Франция бўлиб, мазкур мамлакатда жами 15 млн. киши истиқомат қилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунё бўйича аҳоли кескин кўпайган. Шу боис мазкур даврни «биринчи демографик портлаш» даври деб айтиш мумкин. Агар 1500 - йилдан 1750 - йилгача аҳоли сони тахминан 300 млн. кишига кўпайган бўлса, 1750 - йилдан 1900 - йилгача 910 млн.га кўпайган. Аҳоли сонининг интенсив ўсиб бориш жараёни 19-асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли бўлиб, бу даврда ўлим, айниқса, болалар ўлими камайган, одамларнинг ўртача яшаш ёши ошган.

XX аср бошига келиб энг кўп яшайдиган мамлакатлар Хитой (475 млн.), Жанубий Осиё (290 млн.) ва Россия (130 млн.) бўлган. Кейинги ўринларда АҚШ (76 млн.), Япония (45 млн.), Германия (43 млн.), Франция (41 млн.), Индонезия (38 млн.), Буюк Британия (37 млн.) каби мамлакатлар турган. Қолган мамлакатларда бирмунча кам миқдорда аҳоли истиқомат қилган.

#### **4.2. XX асрдаги этнодемографик жараёнлар.**

XX асрда Ер шари аҳолиси жадал суръатда кўпайиб борган. Она заминда истиқомат

килаётган одамлар сони 3 млрд.дан ошган, ёки амалда 3 бараварга кўпайган. Бунда Лотин Америкаси (6,1 марта) ва Африка мамлакатларида (4,7 марта) кўпайган бўлса, Европа аҳолиси (1,7 марта) ва собиқ СССР аҳолиси (2,1 марта) нисбатан кам кўпайган. Бундай номутаносибликнинг асосий сабаблари миграцион жараёнлар (аҳолининг оммавий равишда бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб ўтиши натижасида Шимолий ва Лотин Америкаси, Австралия ва Янги Зеландия аҳолиси жиддий тарзда кўпайган), XX асрда бўлиб ўтган жаҳон урушлари, иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланаётган давлатларда аҳоли сонининг табиий тарзда жуда тезлик билан кўпайиши бўлган. Ер шари аҳолиси 1 млрд. га тахминан 1820 йилда, 2 млрд.га 1927 йилда (орадан 107 йил ўтгандан кейин), 3 млрд.га 1959 йилда (32 йилдан кейин), 4 млрд.га 1974 йил(14 йилдан кейин), 5 млрд.га 1987 йил(13 йилдан кейин), 6 млрд.га 1999 йил(12 йилдан кейин) етган. XX аср охирига келиб ер шаридаги икки мамлакат аҳолиси Хитой -1.2 млрд ва Ҳиндистон 1 млрд.дан ортиқни ташкил этди. Етти давлат (АҚШ, Индонезия, Россия, Бразилия, Япония, Нигерия, Покистон)да 100 млн. одам истиқомат қилади.

Ҳозирги кунда дунёда ўз суверенитетига ва доимий аҳолисига эга бўлган 225 мамлакат мавжуд. Барча мамлакатларда яшовчи кишилар сони бир хил меъёрда бўлмаган. Юқорида номлари зикр этилган мамлакатларда ердаги жами аҳолининг қарийб 60% яшаган. Шу билан бирга 62 та йирик мамлакатларда (аҳолиси сони 10 млн.дан ошқ бўлган) ердаги аҳолининг қарийб 95 % истиқомат қилади. Дунёда аҳолиси сони жуда ҳам кам бўлган 38 та «митти» мамлакатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда жами умумий ҳисобда қарийб 1 млн.га яқин аҳоли яшайди.

Этник жараёнларга XX аср 30 йиллар биринчи ярмида юз берган иқтисодий инкироз ва дунёнинг йирик давлатларининг сиёсий ўзгаришлари ҳам сезиларли даражада таъсир қилган. 30 йилларга келиб дунё бўйича аҳолининг йиллик ўсиш даражаси 1% га камайиб кетган. Жумладан, 1935 йилда Францияда туғилиш ўлимдан камайиб кетган. Шунингдек, АҚШ аҳолисининг табиий ўсиши ҳам пасайиб кетган, бу даврда Осиё аҳолисининг йиллик ўсиши эса 30% га камайиб кетган. Фақатгина Лотин Америкаси давлатларида аҳолининг йиллик ўсиши камаймаган бўлиб, бу ҳудудда аҳолининг йиллик ўсиши 1,8% га кўпайган.

XX асрдаги этник жараёнларга таъсир қилган сабаблардан энг муҳимларидан бири, шубҳасиз иккинчи жаҳон уруши бўлган. Айнан мазкур уруш натижасида қарийб 50 млн. киши қурбон бўлган. Уруш йилларида фақат Америка ва Австралия аҳолисининг кўпайган. Айниқса, Лотин Америкаси мамлакатларига урушдан сўнг вайрон бўлган Фарбий Европдан кўчиб борган эмигрантлар ҳисобига 2,5% га кўпайган.

XX асрнинг 50-йилларида дунё миқёсидаги этник жараёнлар олдинги ўн йилликлардан тубдан фарқ қилган. Бу даврда содир бўлган энг муҳим ўзгаришлардан бири «демографик портлаш» бўлиб, олдинги даврлардан умуман фарқли бўлган. Мазкур йилларда гарчи туғилиш камайган бўлса-да аҳолини ўртача ёшининг ўсиши ва ўлимнинг камайиши ҳисобига аҳоли сони ортиб борган. Айниқса, 60 йиллар бошларига келиб дунё бўйича ўлим 2 %га, айрим Жанубий Америка мамлакатларида, Африка ва Осиёда 3% га камайган. Натижада 1950 - 1983 йиллар давомида аҳоли сони деярли икки бараварга кўпайган. Шу билан бирга кўплаб Европа мамлакатларида аҳоли сони 25% га кўпайган.

Охириги ўн йилликларда Осиё аҳолисининг ўсиши гарчи секин тарзда бўлса-да камайиб бормоқда (60 йилларда 2,2% бўлган бўлса, 80 йиллар бошига келиб 1,8% бўлган). Араб мамлакатларида, Покистон, Малайзия ва Филиппин каби мамлакатларда аҳолининг сонини ўсиши анъанавий тарзда юқори бўлиб қолмоқда. Умуман олганда, мазкур минтақадаги аҳоли сонининг кўпайиши умумий аҳоли ўсишининг қарийб 60% ига тўғри келади.

Лотин Америкаси мамлакатларида ўлим суръатининг жиддий тарзда камайиши мазкур минтақани иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳоли сони ортиши бўйича дунё миқёсида биринчи ўринга чиқишига сабаб бўлган. Бироқ мазкур минтақада 60 - йиллардан бошлаб туғилиш суръати жиддий тарзда камая бошлаган ва бу аҳоли сонининг ўсиш даражасига таъсир қилган ҳамда аҳоли сони олдинги 20 йил даражада сақланиб қолган.

Африка мамлакатларида этник жараёнлар бирмунча бошқача тарзда кечган бўлиб, бу ерда урушдан кейин энг кўп туғилиш ва ўлим кўрсаткичини кузатиш мумкин. Фақатгина 60-йиллардан бошлаб ўлим суръати маълум маънода камая бошлаган. Бироқ мазкур минтақа туғилишнинг кўплиги боис аҳоли сонининг ўсиши бўйича дунё микёсида етакчи ўринларда турган. 60 йиллардан бошлаб Африка аҳоли сонининг йиллик кўпайиши бўйича Лотин Америкаси мамлакатларидан ўтиб кетган. Африка мамлакатларининг охириги ўн йилликлардаги аҳолисининг кўпайиш суръати 15 млн. кишини ташкил этади.

Замонавий этнологияда этносларни таснифлаш принциплари турли-туманлиги билан фарқланиб туради; этнологиядаги замонавий назариялар этнология ва унга ёндош бўлган қатор фанларнинг маълум бир этнос ёки этник гуруҳнинг бошқасидан фарқли хусусиятларини англатувчи меъёрлар асосида яратилган. Қолаверса назариялар бажарилаётган у ёки бу тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб ҳам турфа хил бўлиши мумкин. Таснифлашнинг айрим меъёрлари биринчи навбатда халқларнинг этник мансублигига, уларнинг шаклланиш тарихига асосланса, аввало тилшуносликнинг тарихий-киёсий усуллари, антропология, моддий ва маънавий маданият тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар катта аҳамият касб этади. Бошқа меъёрлар этник мансублигидан мустасно бўлган турли халқлар ва уларнинг гуруҳларига тегишли бошқа хусусиятлар таҳлилидан ва этник алоқалар ўрнатилганлиги ёки мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб белгиланади. Халқларни таснифлашда аввало хўжалик юритиш меъёрлари асос қилиб олинган бўлиб, бунда аввало табиий-географик муҳитга асосий аҳамият берилган этник ва маданий анъаналар эса иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Бу ижтимоий муносабатлар тараққиёти даражасидаги халқлар гуруҳига, шунингдек, диний мансублиги билан ҳам боғлиқ бўлган.

Ушбу антропологик меъёрлардан келиб чиққан ҳолда барча халқлар географик, антропологик, тил белгилари ва хўжалик юритиш анъаналарига кўра тадқиқ қилинади ҳамда турли тарзда таснифланади.

#### **§4.3. Дунё аҳолисини географик ва антропологик классификацияси**

Ҳар бир фан тармоғи мазкур фаннинг асосий тадқиқот предмети тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларни тизимлаштириш ҳамда классификациялашдан бошланади. Лекин классификациялаш барча учун умумий ва турли мақсадларни ўзида қамраб олган бўлмоғи ҳамда ўз табиатида классификация қилинаётган объектининг тузилишини тўлиқ акс эттирган ҳолда мавжуд принциплар ва дастурларга мос келмоғи зарур. Одатда классификациялаш натижасида қатор янги қонунлари ва қонуниятлар, назариялар ва концепциялари яратилади. Бу маънода этнология фани ҳам мазкур мулоҳазалардан мустасно эмас.

Дунё халқларини маълум бир тарзда этник таснифлашни талаб қилганлиги боис юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дунё халқларининг географик жойлашувига, антропологик тузилишига, тил гуруҳига ҳамда хўжалик анъаналарига кўра таснифланади.

19 аср охирида нимис олимлари (Л. Фробениус, Ф. Гребнер ва бошқалар) ва кейинчалик америкалик антропологлар (К. Уисслер, А. Крёбер) дунё минтақаларини маданий ривожланиш «маданий минтақалар», районларга бўлишни ишлаб чиққанлар. Собиқ совет иттифоқи этнографиясида ушбу илмий анъана «хўжалик маданий типлари» «тарихий-маданий вилоятлар» категорияларида ўз аксини топган. Бу борада машҳур рус этнографлари В.Г. Богораз, С.П. Толстов, М.Г. Левин, Н.Н. Чебоксаров ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Тўғри бугунги кунда бундай таснифланиш айрим ғарб олимлари томнидан жиддий танқид остига олинишига қарамай ҳали ҳануз илм оламида буткул ўз мавқеини йўқотган деб айтиб бўлмайди. Шу боис биз қуйида ушбу таснифлашга бироз кенгроқ тўхталиб ўтдик.

Географик классификация халқларнинг бевосита яшаётган минтақалари билан боғлиқ тарзда яратилади. Географик таснифлаш натижасида турли халқлар яшаган шартли географик регионлар номи пайдо бўлади. Худди шундай тарзда «Ўрта Осиё халқлари», «Шарқий Европа халқлари» каби номлар пайдо бўлган. Бундай тарзда халқларни географик умумлаштириб таснифлаш фақатгина географик таснифлаш услублари, этник

принциплар билан маълум маънода мос келган тақдирдагина бажарилади. Халқларни бу тарзда таснифлаш принциплари гарчи фанда кенг қўлланилишига қарамай, халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг шаклланиши, хўжалик юритиш анъаналари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларига жавоб бермайди. Бироқ халқларни турли ҳудудлар бўйича умумлаштириш ва этносларни турли ҳудудлар бўйича тақсимлаган ҳолда таснифлаш имконини беради. Шу боис бундай таснифлаш ёрдамчи хусусият касб этади ва халқларни гуруҳлаштиришдаги бошқа меъёрлар билан мос келгандагина, яъни бошқача тарзда айтганда катта-катта минтақалар мисолидагина қўлланилади. Халқларни классификациялаш ички вилоятлардан воз кечишни талаб қилади.

Ер шаридаги барча мамлакатлар томонидан қабул қилинган ягона географик таснифлаш мавжуд эмас. Бу борада энг содда бўлиниш тарзида *Австралия ва Океания халқлари, Осиё халқлари, Америка халқлари, Африка халқлари, Европа халқлари* деб бўлинишни келтиришимиз мумкин.

**Хўжалик маданий типлар** - жаҳон халқларининг ибтидоий жамият даври (қадимги тош, бронза ва темир асрлари)даги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, турлича табиий шароитда жойлашишининг ва мослашиши уларнинг ҳаётида турли типдаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди. Хўжалик-маданий типлар даставвал муайян жамиятда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир тарихий даврда кишиларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан алоқа характерини белгилайди.

Мазкур типлар кишиларнинг машғулоти ва ишлаб чиқариш куроллари, турар-жойлари ва уй-рўзғор жиҳозлари, таомлари ва кийим-кечаклари, транспорт воситалари ва бошқа типларга қараб, муайян жамиятнинг ижтимоий тузумини ҳам аниқлаш мумкин. Маънавий маданият хусусиятлари, асосан урф-одатларда, тасвирий санъатда, эътиқоди ва фольклорида ёрқин намоён бўлади. Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бир-бирига яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан характерга эга.

Энг қадимги даврларда пайдо бўлган этносларнинг хўжалик-маданий типли иссиқ тропик ва субтропик иқлимли ўлкалардаги овчилик, терим-термачилик ва соҳиллардаги балиқчиликдир. Намли тропик ва субтропик жойларда иккинчи маданий-хўжалик типи, ички иссиқ иқлимдаги қўл меҳнатли деҳқончилиги тарқалган бўлиб, бунга қисман овчилик-теримчилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам ёрдамчи ҳисобланган. Иқтисодиёт ва техника тараққиётига янги сифат яратган учинчи маданий-хўжалик типи мотиға деҳқончилик билан чорвачилик қўшилиши натижасида пайдо бўлган эди.

Кейинги даврдаги фан-техника тараққиёти бутун жаҳондаги анъанавий хўжалик маданий типларга жиддий ўзгартиришлар киритди. Европа ва Америкадаги энг ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпчилиги индустриал соҳага жалб этилди, анъанага айланиб қолган қишлоқ хўжалиги ўрнига юксак тараққий этган товар деҳқончилиги ва интенсив чорвачилик, плантацияли қишлоқ хўжалиги пайдо бўлган эди. XX-XXI асрнинг бошларида анъанавий хўжалик-маданий типлар барҳам топа бошлади ва сақланиб қолган белгилари янги мазмун билан бойиди.

**Халқларни антропологик классификациялаш.** Ватанимизда ва хорижда эътироф этилган илмий анъанага кўра антропология фан тарзида инсониятнинг келиб чиқиш тарихини, унинг эволюцияси, ирқларнинг келиб чиқишини ҳамда турли халқларнинг морфологик ва жисмоний хусусиятларини ўрганади. Антропологик таснифлашда турли этник гуруҳлар ва халқларнинг маданий хусусиятлари эмас, балки биологик хусусиятларига ва генетик қариндошлилик принципларига асосий эътибор қаратилади. Бироқ генетик алоқадорлилик принциплари инсонларни маълум бир таснифларга бўлиш имконини бермайди. Шу боис этнологияда турли халқлар орасидаги қон-қариндошлик алоқалари тарихини таҳлил этишда кўплаб услублардан фойдаланилади. Кўпинча этнологлар антропологик классификациянинг асосини ташкил қилувчи этносларнинг ирқий фарқларини асос қилиб олишади.

Инсоният биологик тузилиш жиҳатдан умумийликка эга ва ер шаридаги барча инсонлар бир биологик турга мансубдир. Лекин дунёнинг мавжуд этник манзараси турли

минтақаларда яшаётган инсонлар тана тузилиши, рангги, соч тури, юз-киёфасига кўра ранг-баранг, яъники антропологик тузилишига кўра турли-туман кўринишга эга. Инсонлар орасидаги ўзаро фаркли хусусиятлар ирқий таснифлаш орқали таҳлил қилинади. Ирқий таснифлашда инсоннинг сочи шакли, учламчи соч қоплами, тери тузилиши, сочининг ранги, кўз ранги, бўйи, тананинг пропорцияси, тананинг бош қисмининг тузилиш шаклига кўра фаркланади. Умуман олганда *ирқлар* деб генетик қон-қариндошлилик муносабатлари асосида ташқи тана тузилишига кўра ўхшаш бўлган худудий бирлашган кишиларга айтилади. Антропологик жиҳатдан ҳозирги халқларни ватанимиз ва хорижий антропология фанида тўртта катта ирқларга--негроид (африкан), европоид (евроосиё), монголоид (осиё-америка) ва автролоид (Океания) ирқларига бўлинади.

Ушбу ирқларнинг фаркли хусусиятлари сифатида қуйидаги ирқий аломатларни кўрсатиш мумкин. Европоид ирқига мансуб кишиларнинг териси оқ ёки буғдойранг, сочлари турли-туман тўғри ва тўлқинсимон, кўпинча майин бўлиб ўсади ва юз ҳамда танани жун қоплаган бўлади. Бурни тор, лаблари ўртача ёки кичик ҳажмда бўлади. Кўзлари турли – туман рангда ва бош мия суяклари ҳеч қачон олдинга бўртиб чиқмаган бўлади.

*Автролоидлар* терисининг ранги қорамтир, сочлари қора тўлқинсимон, жингалак ва қаттиқ, ёноқ ва бош суяклари олдинга чиққан бўлади, бурунлари катта, лаблари қалин бўлади. Юзларида ва танаси жундор бўлади.

*Монголоидларда* эса тери ранги сариқроқ, ёки тўқ буғдойранг бўлади, сочлари эса тўғри шаклда қаттиқ бўлади. Соч ва кўзларнинг ранги қора ёки тўқ жигарранг бўлади, эркакларда сокол ва мўйлов бироз кечроқ чиқади ва кўпинча сийрак бўлади. Юзи кенг ва ёноқ чаноғи қаттиқ чиқади, бурун эса унчалик катта бўлмайди. Американинг монголоид аҳолисида тери ранги сариқ рангда бўлади.

*Негроидларнинг* сочи қора, тим қора рангда, жингалак ва кўпинча қаттиқ ҳамда шаклига кўра тўғри бўлади. Сокол ва мўйловлари худди монголоидларникига ўхшаш тарзда ёмон ўсади. Кўзлари баъзида қисик бўлади. Бурниларининг кенглиги жуда катта бўлиб, деярли баландлиги билан тенг бўлган. Юзлари кичкина ва тор кўзлари эса европаликларникига ўхшаш кенг очик бўлади.

***Ирқларнинг тарқалиш минтақаси.*** *Европоидлар* бугунги кунга келиб нафақат Европада жойлашган. Улар Шимолий Африканинг барча худудини (алжирликлар ва мисрликлар), Осиёнинг ғарби (турклар ва араблар), Сибирь-руслар ва деярли барча Кавказ минтақасида, Ўрта Осиёда, Ироқ, Афғонистон ва Ҳиндистонда ҳам кенг тарқалган. Охириги 400 йил ичида Шимолий Америка ва Жанубий Америка мамлакатларининг асосий аҳолисини европоид ирқига мансуб кишилар ташкил қилган.

Европада сўнгги палеолит ва мезеолит давриданок маҳаллий табиий шароитга мослашган европоид ирқининг икки типи шаклланган. Булар: оқ танли, малла ранг сочли, кўк кўзли бландинлар бўлмиш шимолий европоид тип ва қора тўлқин сочли, қора кўзли оқ бадан брүнотлардан иборат жанубий европоид типини ташкил қиладилар. Мазкур ирқий гуруҳлар оралиғида турган ўрта тип (шотен) хар икки типнинг ҳам белгиларини сақлаб қолган. Кейинчалик Европага кириб келган мўғуллар айрим этносларда ўз изини қолдирган. Бунга Скандинавияда яшовчи монголоид белгиларига эга бўлган лопарлар мисол бўла олади.

*Негроидлар* ҳозирги кунга келиб Африкада яшашади, Тинч океанининг кўплаб оролларида, ўз навбатида уларнинг кўплари Америка қитъасига мустамлакачилик тузуми даврида мажбуран қул қилиб олиб келинган ва уларнинг авлодлари ҳозирда ҳам Америкада кўплаб истиқомат қиладилар.

*Автролоидлар* кўп хусусиятларига кўра негроидларга ўхшаш бўлиб Австралия ва Маланезияда яшашади.

*Монголоидлар* (осиё шохи) Хитойда, Вьетнамда, Японияда, Индонезия, Филиппинда яшашади. Уларга қозоқлар, қирғизлар ва Узоқ Шарқ ҳамда Шимолнинг маҳаллий халқлари ҳам киради.

Мазкур тўртта катта ирқ тахминан 25 та кичкина ирқлар(уларни баъзида этногенетик шоҳобчалар ёки локал ирқлар ҳам деб айтишади) га бўлинади. Катта ва

кичкина ирқлар орасида оралиқдаги ирқлар ҳам мавжуд. Мисол учун, негроидлар ва европоидлар орасида-эфиопияликлар ва мулатлар; монголоидлар ва австроидлар орасида жанубий осие ирқи – японлар ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Эфиопияликларнинг юзлари уларнинг қўшнилари бўлган араблар билан бир хил шаклда бўлсада териларининг ранги қора, негроид ирқи терисига ўхшаш ўта ёрқин эмас. Японларда бир вақтни ўзида австроидларга, монголоидларга ва европоидларга хос аломатларни кузатиш мумкин.

#### **§4.4. Аҳолини лингвистик классификациялаш.**

Сайёрамизда яшовчи турли-туман халқларни шаклланишида ва уларни фарқлашда тил ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тил бирлигига қараб айрим халқлар, этник гуруҳлар аниқланибгина қолмай, кўпинча тил асосида ном ҳам берилади. Дунё халқларининг тил бойлиги жуда бой ва ўз навбатида жуда ҳам мураккаб ҳисобланади. Бироқ лингвистик бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, лингвистик таҳлил орқали бир неча тилларда сўзлашувчи халқларни (мисол учун яҳудийларни), ёки олдинги тилларидан фарқли тилда сўзлашувчи хэтнослар (мисол учун ирландларни)ни таснифлаш меъёрларига солиш қийиндир. Шунга қарамай лингвистик классификациялашнинг кўплаб ижобий жиҳатлари мавжуд. Аввало, бундай классификациялашни қўллаш натижасида ёки умумий келиб чиқишига эга бўлган халқлар ёки узоқ муддат доимий маданий-лингвистик алоқада бўлган халқлар бир гуруҳга киради.

Лингвистик тасниф тарихий-қиёсий ўрганиш орқали аниқланади. Қолаверса этносларнинг турли классификациялари орасида этноснинг тилига қараб таснифлаш муҳим таснифлашлардан бири ҳисобланади. Чунки айнан лингвистик таснифлаш орқали маълум бир халқларнинг этник яқинлиги, у ёки бу маданиятнинг умумий асосга эга эканлиги борасида бирмунча аниқ тасаввурлар беради.

Дунё халқлари тил бирлигига кўра, бойлиги ва мураккаблигига кўра фарқланиб туради. Тадқиқотчи олимлар томонидан ер шарида турли этник гуруҳлар ва жамоалар сўзлашувчи 6 мингдан ортиқ тиллар мавжудлиги аниқланган.<sup>35</sup> Сайёрамиздаги айрим давлатлардагина (кўплаб Европа мамлакатларида) битта тилда гаплашишса, айрим мамлакатларда (Нигерия ва Россияда) 100 дан ортиқ тилларда сўзлашишади. Ҳозирда айрим тиллар келиб чиққан худудидан ташқаридаги кенг худудлар бўйлаб ёйилган. Бу борада мисол учун араб тилини олиб кўрадиган бўлсак, араб тили пайдо бўлган вақтда (VII асрдан олдин) ундан фақат Араб ярим оролининг жанубидагина яшовчи қабилалар фойдаланган бўлса, ҳозир бу тилда Шимолий Африка ва Жанубий Шарқий Осиеда жойлашган жуда кўп халқлар сўзлашадилар. Ёки инглиз тилини олсак, дастлаб унда Британия оролининг аҳолиси сўзлашган бўлса, ҳозир Европа ва Шимолий Америка аҳолисининг бешдан бир қисми, Австралия ва Янги Зеландия халқлари асосан шу тилда сўзлашадилар. Асл ватани Пирений ярим ороли бўлган испан тили кейинчалик бутун Лотин Америкасига тарқалган.

Халқларни тилга қараб таснифлаш мезонлари асосан икки критерия-тил ва этник мансублик принципларига асосланади. Умуман олганда тил инсоният маданиятининг асосини ташкил этади. Чунки тил айнан инсонга хос махсус рамзлар орқали маълумот узатилади. Тилнинг тараққиёти маданият тараққиёти билан параллел тарзда ривожланиб борган ва якунида инсон шаклланган.

У ёки бу тилларнинг қон-қариндошлилиги этнология учун ушбу тилларда сўзлашувчи маданиятларни ва халқларнинг яқинлигини намоён қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Дунё халқлари орасидаги турли тил оилалари борасида тадқиқотчи олимлар орасида умумий қараш мавжуд эмас. Бироқ охириги йиллардаги илмий тадқиқотлар натижалари асосида дунё халқлари тилларини қуйидаги тил оилаларига бўлиш мумкин:

Ҳиндоевропа тиллар оиласи – энг кўп сонли ва энг кенг тарқалган тил оиласи ҳисобланади. Мазкур оилага кирувчи тилларда дунё аҳолисининг 45% и сўзлашади. Ҳиндоевропа оиласига кирувчи халқлар Европанинг катта қисмида, Тожикистонда, Эронда,

<sup>35</sup> Садохин.А.П. Этнология. М., 2000.С.104.



Афғонистонда, Жанубий Осиёнинг шимолий, жанубий ва марказий худудларида, Америка ва Австралияда яшайди. Ўз навбатида ҳиндоевропа тиллар оиласи 10 та гуруҳга: славян, болтик, немис, кельт, роман, грек, албан, эрон, ҳиндоорий ва арман тиллар гуруҳига бўлинади.

Картвель тил оиласига мансуб кишилар кам сонли бўлиб, фақатгина Гурузия худудидагина яшашади.

Дравидлар оиласи (дунё аҳолисининг 4% и) га Ҳиндистоннинг жанубида ва Шри-Ланканинг шарқида яшовчи аҳоли киради. Ушбу тил оиласи ҳам 4 гуруҳга: марказий, жанубий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий (дарвит тилларининг бошқача классификацияси ҳам бор)га бўлинади.

Олтой тиллар оиласи (дунё аҳолисининг 6% и). Мазкур тилларда Еврооисёнинг бир-биридан узилган минтақалари-Болқондан тортиб Япон ороллариғача, Шимолий муз океани қирғоқларидан тортиб Марказий Осиё чўлларигача бўлган худудларда яшовчи турли халқлар сўзлашадилар. Ушбу оила 5 та гуруҳга: туркий, мўғул, тунгус-маньчжур. корейс тиллари киради.

Афраоисё тиллари (семито-хамит) оиласи (дунё аҳолисининг 5% и) Шимолий ва Шимолий-шарқий Африкада, Арабистон ярим оролида ва унга туташ бўлган шимолий мамлакатларда: Сурия, Ливан, Иордания, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида, Ироқда ҳукмрон ҳисобланади ва 4 та гуруҳни: семит, бербер, чад ва кушит тилларини бирлаштиради.

Нигеро-кордофан оиласида сўзлашувчи халқларга (дунё аҳолисининг 6% и) Ғарбий, марказий, шарқий ва жанубий Африкада яшовчи аҳоли киради. Ушбу тил оиласи –конго ва кордофан тилларига бўлинади.

Нигеро-кордофан тилларида сўзлашувчи халқлар яшайдиган минтақанинг шимолий худудларида нил-сахар оиласида гаплашувчи халқлар (дунё аҳолисининг 6% и) яшашади ва улар 9 гуруҳга: Шарқий Судан, Марказий Судан, бертлар, кунама, сахар, сонгаи, фур, ма-банг, комуэлларга бўлинади.

Камсонли шимолий Кавказ оиласи (дунё аҳолисининг 0,1% и)га абхаз-адигейлар ва нах-доғистонликлар киради.

Ҳиндоевропа тил оиласидан кейинги аҳоли сонига кўра энг кўп тарқалган тиллар оиласига сино-тибет тиллар оиласи киради. Бу тилда дунё аҳолисининг 23% и сўзлашади. Бу тил оиласи Шарқий, Марказий, Жанубий-Шарқий Осиё аҳолиси ва Жанубий Осиёнинг шимолий минтақаларида яшовчи аҳолига мансуб. Турли олимлар хитой-тибет тиллар оиласини турли гуруҳларга бўлади. Баъзи бир таснифий бўлинишга кўра ушбу гуруҳга 13 та тиллар: хитой, тибет-бирма, качин, бодо-гаро, миджу, дигаро, мири, джимал, лепча, шимолий химолай, невари, гурунг, шарқий химолай тиллари киради.

Австрооисё тиллари оиласи (дунё аҳолисининг 1,6% и) Жанубий-Шарқий, Жанубий Осиёда яшайди ва 5 гуруҳга: мон-кхмерс, аслий, никобар, кхаси, мунда тилларига бўлинади..

Ммяо-яо тиллари оиласига кирувчи аҳолининг (дунё аҳолисининг 0,2% и) тарқалиш худуди жуда ҳам тор бўлиб, Шарқий Осиёнинг жанубий районлари ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг шимолидаги халқлар орасида ёйилган бўлиб, мяо ва яо деган тилларга бўлинади.

Жанубий-шарқий Осиёда паратай тиллари оиласига кирувчи халқлар(дунё аҳолисининг 1,4% и) яшайди. Айрим таснифлашларга кўра ушбу оила 6 гуруҳ тиллар: тай, ким-суйс, онг-бе, ли, лакк, гэлаолардан иборат.

Жанубий-Шарқий Осиёда, Океанияда ва Тайванда австронезия тиллари оиласига кирувчи халқлар яшайди (дунё аҳолисининг 5% и). Дунё халқларини замонавий классификациясига кўра ушбу оила 6 гуруҳга: ғарбий австронезий, шарқий австронезий, атаял, цоу, пайван (охирги 3 таси Тайвандаги камсонли гуруҳ ҳисобланади) тилларига бўлинади.

Австралия тиллари оиласи Австралия қитъасида сақланиб қолган камсонли халқларни бирлаштиради. Ушбу тил оиласи 22 гуруҳга бўлинади.

Анд тиллар оиласи (дунё аҳолисининг 0,3% и) – хиндуларнинг энг йирик оиласи

ҳисобланади. Чунки бу тилда Америка ҳиндуларининг энг йирик қабилаларидан бири – кечуа қабиласи гаплашади. Ушбу тил оиласи атрофида Анд тоғи атрофида яшовчи халқлар киради ва 6 гуруҳ: ураина-ваорани, қауапана-сапаро, шимолий, кечуа, аймара, жанубийга бўлинади.

Жаҳон халқлари тилларини классификациялаш борасида дунё тилшунослари томонидан қатор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, бундай тарзда классификациялашни кенг илмий жамоатчилик томонидан тўла эътироф этилган қараш деб бўлмайди. Жумладан, ҳали ҳануз барча олимлар ҳам туркий, мўғул ва тунгус-манжур тилларини генетик умумийлигини тан олмайдилар. Корейс ва япон тилларини изоляциялашган тиллар деб ҳисобловчилар ҳам бор. Шунингдек Африка ва Америка халқлари тилларини таснифлаш борасида ҳам яқиний умумий хулосага келинмаган.

### **Семинар машғулотлари режаси.**

1. Этносларни классификациялашга оид асосий йўналишлар.
2. Этнос ва ирк. Турли халқларга хос ирқий аломатлар.
3. Этнологиядаги лингвистик классификациялаш.
4. Хўжалик маданий типларига оид таснифлаш.

### **Маърузалар ва рефератлар мавзулари.**

1. Дунёнинг замонавий этник харитаси.
2. XX асрдаги этносиёсий жараёнлар ва этнослараро можаролар.
3. Марказий Осиё минтақасининг этномаданий тузилиши.

### **Адабиётлар:**

1. Итс.Р.Ф. Введение в этнографию.-Л., Университет, 1991.
2. Народы и религии мир: Энциклопедия.-М., 1998.
3. Языки Азии и Африки. Т.1-3. М., 1976-1979.
4. Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. –М., Academia, 2000.
5. Greenberg J.H. Language in the Americas. Stanford, 1987.
6. Ruhlen M. A guide to world' languages. Vol.1: Classification. London, 1987.
7. Swadesh M. The origin and diversification of language/ London, 1972.

## **5- Боб. Этнос ва маданият**

§5.1. Маданият ва унинг этник функцияси.

§5.2. Этник маданият.

§5.3 Замонавий дунё маданияти ва этник маданият.

§5.4. Анъанавий миллий маданият ва маросимлар ҳамда урф-одатлар.

§5.6. Ўзбек миллий менталитети.

---

### **§5.1. Маданият ва унинг этник функцияси**

Инсоният тарихининг ўтган даври мобайнида тадқиқотчилар томонидан цивилизациялар ва турли-туман маданиятлар тараққиётига оид жуда бой ва анча сермахсул материаллар йиғилганига ҳамда бу борада илм аҳли орасида кўплаб баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганига қарамай ҳали ҳануз фанда маданият терминининг ягона мукамал таърифи мавжуд эмас. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур ҳолат айтарли даражада ажабланарли ҳам эмас. Чунки ижтимоий фанлар тизимида табиий фанлардагидек доимо ҳам ягона тизим доирасида мужассамлашган қарашлар бўлавермайди. Қолаверса, «маданият» терминининг ўзи ҳам турли даражадаги ва шаклдаги воқеликларни акс эттирувчи кўплаб

феноменлардан ташкил топган. Шу боис мазкур феноменларни ягона бир шаклда баён қилиш жиддий иш ҳисобланади.

Узоқ йиллар мобайнида халқ турмуш тарзи юзасидан тадқиқотлар олиб борган кўплаб олимлар томонидан маданият иборасига таърифу тавсифлар берилган бўлиб, маданият дейилганда кўпинча «*инсоният фаолияти давомида яратилган барча ютуқлар тушунилган*». Одатда «маданият» ибораси одамлар турмуш-тарзи билан боғлиқ тарзда изоҳланади.

#### **«Маданият» иборасининг замонавий талқини қандай тарзда шаклланган**

Маданият атамаси лотинча «*cultura*» сўзидан олинган бўлиб, у дастлаб қишлоқ хўжалик экинлари ёки уй паррандалари ва ҳайвонларни маданийлаштириш жараёнига нисбатан қўлланилган. XVI аср бошларига келиб эса ушбу сўзнинг дастлабки маъноси кенгайган ва қишлоқ хўжалигидан инсоният тараққиётига, уй паррандаларини маданийлаштирилишидан онгнинг маданийлашишига нисбатан ҳам қўлланила бошлаган<sup>36</sup>. Бироқ маданият сўзининг бундай талқини умум томонидан то XVIII аср охири — XIX аср бошларига қадар қабул қилинмаган.

XIX аср бошларига келиб «маданият» сўзи “цивилизация” сўзининг синоними тарзида ёки унга қарама-қарши тарзда қўлланилган. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, “цивилизация” сўзи лотинча *civilis* (фуқаро) сўзидан олинган бўлиб, XVIII аср охирида француз ва инглиз тилларида инсониятнинг илгарилаб боровчи жараёни-ёввойилик, мустамлакачилик ва фуқаролик жамияти томон ҳаракати йўналишига айтилган. Француз ва инглиз тилида “маданият” ва “цивилизация” сўзларини синоним тарзида қўлланилиши XVIII аср охири ва XIX аср бошларида французлар ва инглизлар орасида инсоният тараққиёти илгарилаб боровчи тараққиёт эканлигига ва уларнинг жамияти мазкур тараққиёт босқичининг юқори нуқтасига тегишли эканлигига ишонч ҳиссини туғдирган.

Германияда «маданият» терминининг қўлланилиш тарихи бирмунча бошқачароқ тарзда кечган бўлиб, бу ерда “цивилизация” ибораси салбий маъно касб этган бўлса, «маданият» сўзи ижобий маънони билдирган. Немислар “цивилизация” сўзини «буржуача» сунъий камтарлик, «маданият» сўзини эса интеллектуал, бадий ёки маънавий фаолият тарзидаги инсоният фаолиятига нисбатан қўллаганлар.

Маданият-инсонга биологик жиҳатдан тегишли бўлмаган (генетик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган А.А.) ва кишиларнинг ҳаёт фаолияти натижасида яратиладиган кўринишдир. Маданиятнинг бундай комплекс талқини маълум маънода этномаданият иборасига ҳам жавоб беради. **Этномаданият** - бу маълум этносга хос бўлган хусусиятларни сақлаб қолиш мақсадида ўзлаштирилган кўринишлар мажмуидир. **Анъанавий халқ маданияти** дейилганда этноснинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида тараққий этган, минг йилликлар мобайнида йиғилган аждодлар қарашлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассамлаштирган, аждодлардан авлодларга мерос тарзда ўтиб, асрлар оша сайқаллашиб, мукаммаллашиб келаётган бебаҳо мерос тушунилади.

Махсус илмий адабиётлардан маълумки, этнология ўтмишдаги ва замонавий жамоалар, улар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда турли халқлар ва этник гуруҳларнинг маданий ўзига хослигини тавсифу таҳлил қилади. Бу борада агар Европа илмий мактаби намояндалари ўзларининг қарашларида кўпинча турли халқлар тўғрисидаги тушунчалар ва жамият тўғрисидаги назарияларга эътибор қаратган бўлсалар, америка мактаби намояндалари эса асосий тадқиқот объекти тарзида маданиятни тадқиқ қилганлар ва ушбу мактабнинг йирик намояндалари (Ф. Боас, К. Уисслер, А. Крёбер, Дж. Мёрдок ва бошқалар) ўзларининг тадқиқотларида экстронцентристик талқиндан бутунлай воз кечишга ҳаракат қилганлар.

Ҳозирги ривожланган жамиятда ўзга бир этник жамоа таъсирсиз мустақил ривожланган бирор бир этнос ёки этник гуруҳни топиш қийин. Айниқса буюк ўзгаришлар ва инфор­мацион-коммуникация асри бўлган XX асрда турли этник гуруҳлар ва

<sup>36</sup> John Thompson, p. 129.

маданиятлараро ҳамкорликнинг ривожланиши ва глобализациянинг кучайиши натижаси ўлароқ маданий ўзига хосликларга қизиқиш кучайиб бормоқда. Замонавий халқлардаги маданий хилма-хиллик кўпайиб бормоқда ва ҳар бир халқ ўзига хос маданий хусусиятларини яхлит тарзда сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Ижтимоий ва маданий ўзгаришлар доимо инсоният эволюциясининг муҳим қисмларидан бири бўлиб келган. Шу боис айрим конструктивистик олимлар этносни бир марта ва якуний тарзда шаклланган этнос тарзда талқин қилиш бирмунча хато мулоҳазадир деб таъкидламоқдалар.

Этник маданиятларни тадқиқига оид замонавий қарашларда асосан этнографик ва тарихий таҳлилга, социологияга, лингвистиканинг назарий асослари ва муҳим янги илмий натижаларига асосланади. Бунда маданият рамзлар ва маънолар тизими тарзида талқин қилинади ва бу ўзининг талқини ҳамда изоҳини талаб этади. Шубҳасиз мана шундай методологик талқинда эски эволюционистик назариялар ўрнини янги конструктивистик концепциялар эгаллай бошлаган.

Кўплаб ижтимоий-гуманитар фанларда маданиятнинг функционал вазифаси борасида қатор мулоҳазалар билдирилган. Мазкур мулоҳазаларнинг энг эътиборга сазоворларига замонавий маданиятнинг қуйидаги асосий функцияларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1.) Инструментал - атроф муҳитни яратиш ва қайта яратиш функцияси.
- 2.) Инкультурация функцияси - инсонни ўзини яратиш ва қайта яратиш.
- 3.) Меъёрий - жамоавий ҳаётни ташкил этиш тизимини яратиш функцияси.
- 4.) Рамзий - «англатувчи», яъни номлар, исмларни яратиш ва бунинг натижасида инсонлар ақлий ҳамда эмоционал ҳаракатларни қиладилар. Агар қайсидир бирор бир буюм ёки кўринишга ном берилмаган ва у инсонлар томонидан номланмаган бўлса, демак бундай нарса ёки ҳолат улар ҳаётида мавжуд эмас.
- 5.) Идрок этиш функцияси бу инсонларга дунёнинг манзарасини яратиш имконини беради ва шу боис ҳам рамзий функция билан чамбарчас боғлиқ.
- 6.) Коммуникатив функцияда этномаданий анъаналар аждодлардан авлодларга ўтказилади.

Умуман олганда, мазкур функциялар ҳам оғзаки тарзда, ҳам информация алмашуви тарзида, ҳам оғзаки бўлмаган усуллар ва атрибутлар орқали амалга оширилади. Этномаданий анъаналарни узатилишида кўпинча тил муҳим аҳамият касб этмайди ва бунда рамзий тавсиф касб этувчи: имо-ишора, маросимлар, ритуаллар, символлар, кийим-кечаклар, овқатлар ва шу кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Маданиятнинг мазкур этник функциялари асосий мақсад-шахсни психологик ҳимоялашга хизмат қилган, унга оламда ўзини идрок этиш ва мана шундай хавфсиз ҳамда ишончли турмуш-тарзига эга бўлиш имкониятини берган. Этник маданиятда этносга хос ҳимоя механизми бўлган.

## **§5.2. Этник маданият**

Одатда бирор бир киши ҳаёти давомида бир ижтимоий гуруҳдан бошқасига, бир давлатдан иккинчисига ўтиб яшаши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўзининг этник мансублигидан воз кечмайди. Бу эса ўз навбатида уни ўзига хос тарзда идрок этишга ва унга маълум бир меъёрий ўлчов асосида ҳаёт фаолиятини юритишга мажбур этади. Шу боис ҳам мослашувчи механизмнинг муҳим қисми этник маданият ҳисобланади. Этник маданият этносга хос маданий хусусиятлар мажмуидан ташкил топган.

Этник маданият келиб чиқиш асоси шаклланишининг муҳим аломатлари ва маълум бир умумий қизиқишлар доирасида бирлашган инсонлар гуруҳининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бундай эҳтиёжлар шуниси билан муҳимки, уларда умумжамоавий қизиқишлар акс этади ва мазмунан ушбу жамоа аъзоларининг индивидуал қизиқишларидан келиб чиқади. Ўз навбатида бу кўринишдаги эҳтиёжлар ўзига хос алоҳида шахслараро қизиқишларни намоён қилади ва бутун жамоанинг умумий ҳаракатлари асосида кондирилиши мумкин. Этнологик, тарихий, социологик ва маданиятшуносликка оид тадқиқотларда жамоанинг ҳаёт фаолияти алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда айтиб ўтиш

лозимки, ҳар қандай жамоа маълум бир табиий-тарихий шароитда, макон ва замон ҳолатида яшайди.

Этнос маданиятининг умумий йиғиндисига мазкур этнос ҳаётида мавжуд бўлган маданий хусусиятларнинг барча шакллари, усуллари ва натижалари киради. Этник маданиятга этник анъаналар, этник символлар, этномиллий моддий маданият шакллари – турар – жойлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, фольклор наъмуналари (эпос, мусиқа, рақс ва ш .к) киради. Шунингдек, бунга иноэтник маданиятлардан ўзлаштирилган кўринишлар ва умумдунёвий интернационал маданият хусусиятлари, кўни-кўшни ва қариндош этносларга хос ҳудудий маданий кўринишлар ҳам киради. Этносинг умумий маданиятидан фарқли тарзда этник маданиятда этноснинг ўзи ва унинг кўни-кўшнилари томонидан эътироф этилган маданиятгина эътироф этилади. Этник маданият кўринишлари маълум бир этносагина хос бўлмасдан, балки бир неча этносларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Мисол учун қадимий чорвадорларнинг уйи бўлган ўтов туркий халқлар орасида турли номлар билан юритилса-да уларнинг шакли ва тузилиши қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар орасида деярли бир хил бўлган ва улар бундай уйни ўзларининг этник маданиятларининг ажралмас қисми тарзида эътироф этади.

**Этник маданиятни шакллантирувчи омиллар.** Этник маданият этнос ҳаёт тарзининг деярли барча соҳаларида: тилида, бола тарбиясида, кийим-кечакларда, уй-жойлар қурилишида, иш фаолиятида, уй хўжалигида ва албатта фольклорларда намоён бўлади. Этник маданиятни шаклланишига табиий шароит, тил, диний эътиқод ва этноснинг рухий-маънавий бойлиги ҳам таъсир қилади. Қолаверса, этник маданиятнинг муҳим элементи халқнинг номи-этноними ҳисобланади.

**Географик омил:** Географик омил этноснинг пайдо бўлиши ва унинг мавжудлигини таъминловчи зарурий омиллардан бири ҳисобланади. Табиий шароитлар таъсири билан боғлиқ кўринишларни этник маданиятнинг турли кўринишларида, оддий меҳнат қуролларидан тортиб токи этнонимгача топиш мумкин. Жумладан, табиий иқлим шароити билан боғлиқ тарзда кийим-кечаклар тикиб кийилади, уй-жойлар қурилади, қишлоқ хўжалик экинлари ҳам об-ҳаво билан боғлиқ тарзда экилади ва ҳатто транспорт воситалари ҳам кўпинча табиий иқлим билан боғлиқ тарзда яратилади.

Географик муҳит (тупроқ, рельеф, ўсимлик дунёси, табиати, иссиқлик ва шу кабилар)га хос хусусиятлар этнос маънавий маданиятини шаклланишига, унинг руҳиятига ҳам маълум маънода таъсир қилади. Бу эса шубҳасиз халқларга хос миллий хусусиятларда, урф-одатларда, расм-русумларда намоён бўлади. Масалан, тропик минтақаларда яшовчи халқлар деҳқончилик анъаналарида учровчи кўплаб мавсумий ўзига хосликлар шимолий халқлар турмуш тарзида умуман учрамаслиги мумкин. Ёки Ўзбекистоннинг серсув минтақаларидаги деҳқончилик анъаналари лалми ерлардаги деҳқончилик юритиш маданиятидан маълум маънода фарқланади. Мисол тариқасида айтсак, Фарғона водийси деҳқончилиги Хоразм воҳаси деҳқончилигидан кескин фарқланади.

Географик муҳит этник номларда ҳам акс этади. Айнан этник ҳудуд ландшафти одамлар тафаккурида она замин туйғусини пайдо қилади. Ландшафтнинг айрим кўринишлари ёки ташқи кўриниш тарзида (японларда сакура, голландларда лола, ўзбекларда пахта, русларда оқ қайин) ёки жой номлари тарзида (японларда Фудзияна тоғи, индусларда Ганга дарёси, ўзбекларда Амударё ва Сирдарё) этник мансублик белгисига айланади. Баъзида ҳатто этнонимларнинг ўзи ҳам географик муҳит билан боғланган бўлади. Жумладан, денгиз бўйида яшовчи чукчалар ўзларини «денгиз одамлари» деб аташади.

**Лингвистик омиллар:** Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир этник маданиятни шаклланишида мазкур этноснинг тили муҳим аҳамият касб этади. Айнан тилдаги фарқлар туфайли ҳам бугунги кунда дунёнинг этник манзараси ранг-баранг аҳамият касб этган. Ҳозир тадқиқотчи олимлар томонидан жами 2000 дан ортиқ тирик тиллар рўйхатга олинган. Этнолингвистикада дунё тиллари бир неча тиллар оиласига бўлиб ўрганилади. Булар, ҳинд-европа халқлари тиллари, семит-хаммит тиллари, кавказ тиллари, урал тиллари, чукотка-камчатка халқлари тиллари, хитой-тибет тиллари, олтой тиллари, австро-осиё тиллари оилаларига бўлинади. Мазкур тил гуруҳлари ичида ҳинд европа тиллари оиласи энг каттаси

бўлиб, ўзига дунёнинг турли минтақаларида яшовчи 150 дан ошиқ халқлар гаплашувчи қарийб 100 га яқин тилларни бирлаштирган. Умуман олганда, ҳозирда Ер шарининг қарийб 60% идан кўпроқ аҳолиси 10 та энг йирик тиллар оиласида сўзлашадилар.

**Диний омил:** Этник маданиятни шаклланишида дин ҳам маълум бир амалий аҳамият касб этади. Масалан, бугунги Бельгия давлатининг асосий аҳолиси икки халқдан, яъни герман тилларидан бирида гаплашувчи фламандлар ва француз тилида сўзлашувчи валлонлардан ташкил топган. Шу боис бу ҳолат баъзан айрим муаммоларни келтириб чиқариши ҳам табиийдир. Лекин мазкур икки халқ икки автономияда яшасалар-да, улар Белгиянинг яхлитлигига амалда катта хавф туғдирмайдилар. Бельгияда яшовчи ушбу икки халқ ва улар истиқомат қилувчи икки автономия ўртасида азалдан жуда ҳам мустақкам алоқа ўрнатилган бўлиб, ушбу алоқалар умумий диний эътиқод, яъни католицизмга эътиқод қилиш асосига қурилган. Тарихдан маълумки 1915 йилги Вена конгресси қарорига кўра Бельгия Голландия қироллиги тасарруфига ўтган. Лекин орадан 15 йил ўтиб белгияликлар-фламандлар ва валлонлар диний эътиқодлари умумийлиги асосида ўзаро бирлашиб Голландияга қарши кўзғолон кўтарганлар ва мустақил бўлганлар. Бу ўринда шуниси ажабланарлики, фламандларнинг она тили валлонлар тилидан кўра голландларга яқин ҳисобланади, лекин уларни валлонлар билан ягона дин бирлаштиргани боис улар голландларга қарши валлонлар билан бирга курашганлар.

Бу ўринда яна бир бошқа қизиқарли мисолни келтириб ўтсак. Европада яшовчи хорватлар ва серблар гарчи бир тилда гаплашишса-да, лекин амалда бошқа-бошқа халқлар ҳисобланадилар. Чунки уларни диний эътиқодлари бир-бирларидан ажратиш туради. Хорватларнинг асосий қисми католиклар бўлишса, серблар - проваслав ҳисобланади. Айнан мазкур омил асосида этник маданият шаклланган бўлиб, бунда хорватлар кўпроқ Ғарбий Европа таъсирида тараққий этсалар, серблар доимо Россияга мўлжал оладилар. Шу боис икки халқ орасида ўзаро можаролар пайдо бўлган.

### **§5.3. Замоनावий дунё маданияти ва этник маданият.**

**Оммавий маданият.** XX аср сўнггида кечган замоनावий цивилизацион жараёнлар этномаданият динамикасини тубдан ўзгартириб юборди ва бунинг натижасида дунё бўйича кенг расм бўлган оммавий маданиятлар шаклланди деб айтиш мумкин. Оммавий маданият жамиятдаги барча қатламлар ҳамда этник гуруҳларда тарқалиш шартлари билан бирга ўзига хос механизмни ҳам яратган деб айтиш мумкин. Айнан шу сабабли оммавий маданият-маданиятдаги умумдунёвий хусусиятлар - китоблар, фильмлар, радио ва телевидение, кийим-кечаклар, рақс, спорт ва шу кабиларни яратиш имкониятлари пайдо бўлган. Оммавий маданият ялпи саводсизликни бартараф этиш, алоҳида худудларнинг маданий изоляциясини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳатто оммавий маданиятда ҳам этник маданиятдан кириб келган этник хусусиятларни учратиш мумкин.

Шубҳасиз, оммавий маданиятнинг шахсни пасив шакллантириши билан боғлиқ қарама-қарши жиҳатлари ҳам мавжуд.

**Дунё маданияти.** Оммавий маданиятгина замоनावий дунёвий маданият-шаҳар типидagi европа маданиятининг ҳар бир худудга хос миллий хусусиятлари билан уйғунлашган кўринишлари мажмуига айланди. У доимо миллий маданиятлар (кийим-бошлар элементлари-пончо, сомбреро; озиқ-овқатлар – дунё миқёсида хитой ресторанларининг ёйилиши; шампан виноси; адабиётлар-бугунги кунда бутун дунё бўйича Осиё, Африка, Лотин Америка муаллифларининг асарларини севиб ўқимоқдалар; санъат ва шу кабилар)ни маълум маънода оммавийлаштириб боради.

Замоनावий жамиятда амалда соф этник маданиятларни деярли учратиш амри маҳол. Ҳозирда ҳар бир маданиятда этник жиҳатдан нейтрал (умумдунёвий) ва этник хусусиятлар билан безатилган маданиятларни учратиш мумкин. Агар бундан 10-20 йиллар аввал дунё халқларини умумжаҳон маданиятига (аввало турмуш-тарзида) қўшиш жараёни авж олган бўлса, бугунги кунга келиб онгли тарзда ҳар бир халқ ўз анъанавий моддий ва маънавий маданиятини сақлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу

маданиятнинг марказида турган - муносабатлар стереотипи, маънавий кадрларда ёрқин намоён бўлади.

**Маданий плюрализм.** Америкалик машҳур антрополог Боас ер шаридаги ҳар ма да ниятлар тараққиёти борасида маданий плюрализм принципига амал қилган ва у ҳар бир маданият ўзига хос ривожланиш йўлига эга деб ҳисоблайди. Боаснинг ёзишича, ҳар бир маданиятни тарихий кўриниш шакли тарзида англаш мумкин. Она заминдаги ҳар бир маданият доимий тараққиётда бўлиб келади ва уларнинг ривожланиш босқичлари токи ҳозирги кунгача давом этиб келаётган жараёндир. Шу боис айрим олдинги тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган примитив маданиятларнинг турғунлиги тўғрисидаги қарашлар ҳаётдаги мавжуд фактларга тўғри келмайди. Чунки ҳар қандай турғун деб ҳисобланган маданиятда ҳам ривожланиб бораётган урф-одатлар ва кўринишларни учратиш мумкин. Машҳур антрополог олимнинг таъкидлашича, қайсидир бир ҳинду қабиласининг маданияти ривожланган Европа халқлари маданиятидан-да мураккаброқ кўринишга эга. Одатда улар уларнинг бири ёзма адабий меросга эга бўлса иккинчисида бундай кўриниш мавжуд эмас. Шубҳасиз бу маданиятлараро ўзаро фарқдан ўзга нарса эмас.

Баос маданиятни тадқиқ қилишда турли-туман уруғлар ва халқлар маданиятларини ўрганишда яхлит бир тизимли концепция ва умумий назария қўллаш мумкин эмас деган муҳим ғояни илгари сурган. У «биз бутун инсоният маданияти тараққиётини умумий қонуниятларини яратишдан аввал локал маданиятларнинг ривожланиш жараёнини тўлиқ англаб етмоғимиз зарур»-деб ёзган эди. Шу боис Баос бутун умри давомида гарчи бу фаннинг асосий мақсади бўлмаса-да маълум бир тарихий-географик минтақадаги маълум бир маданият этнологиясини ҳар томонлама мукамал ўрганишга ундаган.

Баоснинг фикрича, маданият инсонларни вояга етиш жараёнида ўзлаштирадиган ва ўзларининг маданий хусусияти деб этироф этадиган муносабатлари йиғиндисида. Қолаверса унинг фикрича, бизнинг тилимиз, билимимиз, этиқодимиз ва ҳатто бизнинг эҳтиросларимиз ҳам бизга тегишли бўлган жамоавий ҳаётимизни ва халқ тарихини тўлиқ англашнинг этнологик маълумотлар тасдиқлайди. Шундай қилиб, Баоснинг мулоҳазалари *ижтимоий детерминизм* принципига асосланган бўлиб, ҳар бир маданиятни ички хусусиятларидан, унинг узатувчиларини тадқиқ қилиш орқали намоён бўлади деган ғоя асосига қурилган эди. Маданиятлар орасидаги фарқлар ёки ўхшаш хусусиятлар уларнинг географик жойлашуви ёнки табиий шароитига боғлиқ бўлган. Қолаверса маданиятлар ривожланишининг маълум босқичидаги ўхшашликлар ёки фарқли хусусиятлар маданий фарқлар келгусида ҳам сақланиб қолади деган хулосани англамайди. Умуман олганда ушбу мулоҳазаларнинг аксарияти кейинги давр этнологияси учун асос бўлган.

Америка ҳиндулари орасида узок муддат дала тадқиқотлари олиб борган Баос ҳар бир маданият кўринишини умумий маданият контексти, яъни унинг бир қисми тарзда тушунмоқ керак деган хулосага келган. Айнан Баос маданиятни яхлит ўзаро ички тузилмаларнинг боғлиқлигидан ташкил топган бир тизим тарзида тадқиқ қилиш борасидаги дастлабки тадқиқотларга асос солган. Бир маданиятдан иккинчи маданиятга ўзлаштирилган элементлар механик жараёни англамайди ва маданий алоқаларнинг беихтиёр натижаси маҳсули эмас.

#### **§5.4. Анъанавий миллий маданият ва маросимлар ҳамда урф-одатлар.**

Тарихий этнология фани этнографиядан, яъни халқлар турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини тавсифлашдан бошланган. XX асрда мутахассис олимлар ва тадқиқотчилар томонидан асосан маълумотларни йиғиш ишлари бажарилган. Айниқса, бунга айнан мазкур даврда дунё бўйича олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ҳам бевосита кўмаклашган бўлиб, бу сиёсат мустамлака мамлакатларнинг маданияти, турмуш-тарзи ва умуман миллий хусусиятларидан батафсил хабардор бўлишни тақозо этар эди.

Тадқиқотчилар томонидан маълум даражада фактик материаллар йиғилгандан

кейин этнологик йўналишдаги тадқиқотларда йиғилган материалларни умумлаштириш ва маълум бир назарий-методологик концепцияга суянган ҳолда таҳлил қилиш жараёни бошланди.

Замонавий этнология фанида тадқиқот мавзуси янада чуқурлаштирилган ҳолда дунёдаги энг йирик этнослардан тортиб энг митти халқларни янада изчил ўрганишга ва уларнинг аъанавий ҳамда замонавий турмуш тарзи, маданиятини билишга катта эътибор қаратмоқда.

Умуман олганда, инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихи давомида турли-туман маданиятлар мавжуд бўлган. Ҳар бир маданият, шубҳасиз, маълум бир этнос ёки этник жамоа таъсирида шаклланади. Хилма-хил этномаданиятлар ичида олимлар аъанавий (археик) маданиятни алоҳида ажратиб кўрсатишади. Аъанавий маданият дейилганда биз турли этнос намояндалари, яъни бир неча авлод вакиллари томонидан бир неча асрлар мобайнида йиғилган ва бир авлоднинг ўргатилиши натижасида унутилиб кетмаган урф-одатларни тушунаимиз.

**Ҳар бир миллий-этник маданият ўзига хос хусусиятлари билан ажраб туради ва ўзига хослик турли-туман нарсаларда намоён бўлиши мумкин. Ҳар бир этник маданият ўзига хос мантиққа эга ва айнан мазкур мантиқ асосида мазкур маданиятга хос асосий ўзгармас ва иккинчи даражали ўзгарувчан хусусиятларни изоҳлаш мумкин.**

Аъанавий миллий маданиятни яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шакллари аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис биз этномаданият эволюцияси ва умумқабул қилинган маданият таснифидан келиб чиқиб, халқ маданиятининг асосий соҳаларига тўхталиб ўтамиз. Ҳолбуки, этномаданият ва унинг таркибий қисми бўлган аъанавий халқ маданият тизимининг таркибий қисмида: халқ донишмандлиги, халқ фалсафаси, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ ўйинлари, дам олиш маданияти, халқ пазандалиги, миллий либослар, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ табобати, халқ турмуш маданияти каби кўплаб соҳаларни ажратса бўлади.

Аъанавий халқ маданиятининг барча соҳаларида авлодларнинг дунёқарашлари, фалсафий тушунчалари ўз аксини топганлиги учун этномаданият таркибида халқ донишмандлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби шундаки, халқнинг ғоя, фикр, билим, дунёқарашини ифода этган этномаданият кўринишини халқ фалсафий донишмандлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ маданиятининг фалсафий-ғоявий мазмуни қанчалик чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунча бақувват, ижтимоий аҳамияти кучли, умри ҳам боқий бўлар экан.

Аъанавий халқ маданияти дейилганда кенг маънода этноснинг ҳаётидаги барча қадриятлар тушунилса ҳам, унинг туб маънодаги негизини халқ аъаналари ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам халқ аъаналарини ўрганиш ўзбек маданиятшунослигининг асосий вазибаларидан бирига айланмоғи лозим.

#### **Аъанавий маданиятда маросим ва урф-одатларнинг ўрни.**

Этнология фанида «маросим», «урф-одат», «аъана», «байрам»лар фаннинг асосий тадқиқот объекти тарзида кенг қўлланилади. Чунки ҳар бир халқни шаклланиш жараёни билан бирга унга хос ва мос миллий-этник аъаналар, урф-одатлар, маросимлар ва байрам ва сайиллар шаклланиб тараққий этиб боради. Улар кишилар турмуш-тарзининг муҳим бир бўғини тарзида таркиб топиб боради.

Этнология фани шакланган даврдан бошлаб миллий аъаналарни, расм-русумлар ва урф-одатларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганишни долзарб муаммоларидан бири саналиб келган. Айниқса, Республикамизда миллий қадриятларимизга ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилаётган тарихий бир жараёнда мутахассис олимлар томонидан аъанавий маросимларимизни тадқиқ қилишда уларнинг ёзма тавсифини бериш билангина чекланиб қолмасдан, балки қадимий тарихга эга бўлган миллий маросимларимизнинг халқ турмуши ва аъанавий маданиятда тутган ўрни,



уларнинг генезиси ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда сақланиш омиллари борасидаги тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Лекин афсуслар билан айтиш жоизки ҳали ҳануз этнология, маданиятшунослик, фольклоршунослик ва халқ турмуш-тарзи билан шуғуullanувчи фанлар доирасида юқоридаги терминларнинг таърифи ва тавсифи ҳамда фарқли хусусиятлари борасида мукамал назарий-методологик қарашлар ишлаб чиқилмаган. Шу боис баъзи ҳолларда айрим тадқиқотлар томонидан «маросим» ва «урф-одат», «анъана» ва «байрам» каби қатор терминларни синоним тарзда ишлатиш ёки изчил фарқланмаган ҳолда қўлланилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шубҳасиз бу ўринда «маросим», «урф-одат», «анъана» ва «байрам» терминларнинг қандай ўхшашликлар ва фарқли хусусиятлар мавжуд? - деган савол туғилиши табиийдир. Бизнингча, ушбу терминлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо бир-биридан кескин фарқ қилувчи тушунчалардир.

Авалло «анъана» термини борасида тўхталиб ўтсак. «**Анъана**» -тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ходисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида тарзида кишилар онгига синган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади<sup>37</sup>.

Урф-одат тушунчаси эса ўта кенг бўлиб, у ўз ичига халқ ҳаётининг барча томонини-оддий кундалик удум, расм-русум, ирим-сиримлар, ўзаро-муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунча қамраб олади. Маросим тушунчаси нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча рамзий характерга эга бўлган ва маълум кишилар мажмуи томонидан махсус уюштириладиган намоишлардан иборат<sup>38</sup>. Шунингдек **маросим**-инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган ходисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди.<sup>39</sup> Бошқача қилиб айтганда, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

«**Урф-одат**» дейилганда кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддат такрорланиб турувчи ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмасидир. Демак ушбу маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан ҳам кўриниб турибдики, *урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олса, маросим тушунчаси ҳаётининг муайян соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки бўлмаса кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган қоида бўлса, маросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатдир*<sup>40</sup>. Жумладан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликни салом бериши ёинки меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида яқинлари, кекса қариялар, қўни қўшнилар ҳолидан хабар олиш каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Миллий урф-одатлар бўлса мотам маросимида ҳасратли мотам, сочларини тўзғитиб қайғули аҳволда мотам айтимларини айтиб йиғлаш мотам маросимида иштирок этаётган айрим кишиларнигина вазифасига киради.

Урф-одатлар билан маросим орасидаги ўзаро фарқни улар ичидаги рамзий ҳаракатларни қўлланилиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим фақат рамзий характердаги ҳатти-ҳаракатларнигина қамраб олади. Қолаверса урф-одат муайян халқ учун

<sup>37</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.-Т.,Шарқ, 2002. 8-бет.

<sup>38</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори.-Т.,Фан, 1986.12-бет.

<sup>39</sup>Саримсоқов Б. Маросим фольклори //Ўзбек фольклори, очерклар Т.,1988.152-бет.

<sup>40</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори..13-бет.

асосан бир хил – ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир хил халқ доирасида кескин локал фарқланишларга ҳам эга бўлади<sup>41</sup>. Шунингдек ҳар қандай маросим ўзи мансуб бўлган халқ урф-одатларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу боис маросимдан урф-одат элементларини қидириб топиш мукин, лекин урф-одатдан маросимни қидириб бўлмайди. Бу ўринда бироз бошқачароқ тарзда фольклоршунос Б.Саримсоқов таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳар қандай маросим урф-одат ҳисобланади, аммо ҳар қандай урф-одат маросим бўла олмайди<sup>42</sup>.

Тадқиқотчи олимлар томонидан ўзбек маросимлари иккита катта гуруҳга - оилавий-маиший ва мавсумий маросимларига бўлинган. Биз мазкур икки гуруҳ маросимлар ҳақиқатдан ҳам маросимларнинг асосий узвларидан эканлигини рад этмаган ва мазкур классификация тўғри таснифлаш эканини эътироф этган ҳолда маросимлар таснифига диний маросимларни ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки маросимларни моҳиятан таҳлил қиладиган бўлсак диний маросимлар алоҳида мустақил туркумни ташкил этишини англаш қийин эмас.

Инсоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда бажариладиган маросимларнинг аксариятини оилавий урф-одат ва маросимлар ташкил қилади. Оилавий-маиший маросимларни эса оиланинг у ёки бу аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимлар;
- никоҳ-тўй маросимлари;
- оила аъзосини сўнгги йўлга кузатиш, яъни дафн этиш ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.

Маросимлар таркибидаги иккинчи катта туркум маросимларга йилнинг турли фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар, яъни - қишги, баҳорги, ёзги ва кузги маросимлар киради. Ўз навбатида мазкур туркум маросимларни қуйидагича ички туркумларга бўлиб тасниф этиш мумкин:

1. Қишги маросимлар. Бу туркум маросимларга яс-ясун, гап-гаштак, биринчи қор ёққанда ўтказилдаган «қор ёғди» каби маросимлар киради.

2. Баҳорги маросимлар. Бунга дастлабки «шоҳмойлар»- далага қўш чиқариш маросими, дастлабки уруғни ерга тикиш маросими, Наврўз, сумалак сайли, «суст хотин», лой тутиш, хашарлар каби маросимлар киради.

3. Ёзги маросимларга «Чой момо», қовун сайли, узум сайли каби маросимлар киради.

4. Кузги маросимлар. Бу туркум маросимларга «Обло барака», шамол чақириш ва ҳосил байрами маросимлари киради.

- Диний маросимларга ҳайитлар, мавлуд, бибимушкулкушот, бибисейшанба, бибичоршанба, зикр каби маросимлар киради.

Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар.

Урф-одат ва маросимлар маиший турмуш ва оила ҳаёти билан боғланган ижтимоий ҳодисадир. Урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётининг илк даврлариданоқ шаклланиб, ривожланиб келган. Кишилар ўз ҳаётлари давомида кўплаб урф-одат ва маросимларда иштирок этишга тортиладилар, бевосита унинг қатнашчисига айланадилар.

Ҳар қандай урф-одат ва маросимлар муайян этноснинг бошқа этнослардан фарқланиб туришини таъминловчи муҳим этнографик белгилардан биридир. Айни вақтда ушбу урф-одат ва маросимларда иноэтник жиҳатлар ҳам акс этиб туради. Негаки, ҳар бир этносга хос маданият мазкур этноснинг бошқа этнослар билан узоқ давом этган этногенетик ва тарихий-маданий алоқалари натижасининг маҳсулидир. Бундай жараён маънавий маданиятда ҳам, жумладан, урф-одат ва маросимларда ҳам намоён бўлади.

<sup>41</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори..13-бет

<sup>42</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори..13-бет

## §5.6. Ўзбек миллий менталитети

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг ҳам ақлий-руҳий қиёфаси, яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник, табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланиши боис, унинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади.

Менталитет юқорида қайд этилган хусусиятлардан ташқари миллатларнинг ақлий-интеллектуал имкониятлари ва руҳий-психологик ўзига хосликларини қамраб олади. Ҳарактердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маъракаларининг яхлит тизими ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, улар менталитетнинг ҳаракатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Ўзбек халқининг миллий менталитети ҳақида сўз юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек халқи 4 та катта диний-мафкуравий босқични (будда, зардуштийлик, ислом, коммунистик) ўз бошидан кечирганлиги ва ҳар бир мафкуравий-диний таъсирлар даври тугагунча неча авлодлар алмашганини ва бу жараёнларнинг миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирганини унутмаслик керак.

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга халқдир. Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизи эса қадимий туркий халқлардан бошлаган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши- ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини ташкил этган.

Ўзбек халқининг этник жиҳатдан кўп тармоқли ва сертомир эканлиги унинг менталитетида барча уруғ ва ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи фазилатнинг айниқса ривож топишини тақазо этиб келган. Халқимиз феълдаги бағрикенглик, ҳотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик, ғам-андуҳли пайтларда ночор кимсаларга ҳамдардлик, елкадошлик фазилатлари ана шу жамоавий яқдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топгандир.

Иккинчи гуруҳ сабаблар доирасига муайян миллат истиқомат қилиб келаётган ижтимоий-иқтисодий, жўғрофий-ҳудудий ва иқлимий омиллар таъсирини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Маълумки, мамлакатимизнинг асосан текислик ва чўллардан иборат кескин континентал иқлими, жўғрофий ҳудудда жойлашганлиги, қаҳратон қиш жазирама иссиқ, ёз билан алмашиниши, баҳор ва кузининг шиддат билан келиши ва кетиши халқимизнинг феъл-атворида аниқлик ва лўндаликни, тўпорилик, қайноқ меҳрини, қаттиққўллик ва интизомни таркиб топтиргандир.

Хуллас, халқимизнинг интеллектуал маънавий қиёфаси-менталитетига баҳо беришда юқоридаги муҳим жиҳатларни эътиборга олиш зарурдир.

Ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида ҳамда уларга туташ минтақалардаги ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданиятига эга автохтон халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва ҳунармандчилик удумлари, кўп асрлик ислом шароитидан қатъий назар, ўзбек халқининг турмуш-тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардуштийлик элементларида айниқса яққол ифодаланган. Шунингдек бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор намуналаримиз, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, коинот ва замин, инсон ва ҳаво, ўлим ва абадият ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, асосан ўтроқ маданият соҳибларига тегишли бўлган Наврўз, Меҳржон, Сада, Гул сайллари, Ҳосил байрами қаби байрам ва сайлларнинг давомийлиги ёки инсоннинг қайғули онлари-мотам маросимларида махсус ўлик хизматчилари-ғассоллар, гўрковлар иштироки билан боғлиқ удумларимиз, расм-русмларимиз давом этиб

келаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўзбекларнинг асосий илдизи туркийлардан бошлаганлигига (туркийликка хос жанговарлик, мардлик, лафз ҳалоллиги) бағрикенглик, саховатпешалик, ҳожатбарорлик каби ҳислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Биз буни айниқса халқимизнинг тўй-тантаналарга ўта ўчлигида, йиллар мобайнида йиғиб - териб элга тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларимизгача бўлган барча маросим ва урф - одатларимизда кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларимизда кузатамиз. Миллий менталитетимизда туркийларга хос жиҳатлар маънавий маданиятимизда чиллак, чавгон, улоқ кўпқари, кураш каби миллий ўйинларимизда, «қулоқтишлар», «бешиккерт», «қалин», «тўққиз» каби расм-русм ва удумларимизда, қолаверса, отга бўлган ўзига хос меҳр ва отни мотам маросимларда иштироки билан боғлиқ удумларимизда ҳам ўз ифодасини топган, десак хато эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, минг-минг йиллар давомида шаклланган миллий менталитетимиз бизга қўшни бўлган бошқа халқлардан муаллақ ҳолда, ўзга халқлардан яширинча ривожланмаган. Аксинча, миллий менталитетимизга биз билан қўшни бўлиб яшаб келган бошқа халқларнинг маълум маънода таъсири бўлган. Айниқса, ўзбек миллий менталитетида форсий халқлар ва арабларнинг таъсири катта.

Ўзбек миллий менталитетига хос жиҳатлардан яна бири жамият ҳаёти, инсонлар турмуш-тарзини кўпроқ анъана урф-одатлар орқали бошқарилишидир.

Ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам қуда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, хусни-малохати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи беқиёсдир. Шу ўринда «Ғарб - қонунлар, шарқ - урф-одатлар билан бошқарилади», деган иборани эсламоқ жоиз. Дарҳақиқат шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлари қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даврасида ёнқи кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, қўни-қўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида бажарилади.

Ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намоиш этиш, муайян мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлоқ аралашмайди. Шарқда эса буткул бошқача манзарани кузатамиз. Шарқда жамоага асосий эътибор берилади. Ҳар бир урф-одат, маросим жамоа, маҳалла аҳли иштирокида ўқилади. Жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади.

Халқимиз менталитетига мос ва хос бўлган ана шу жиҳатни Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди: «Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Ғарб мамлакатларида эса яқка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик, бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли... Мен хусусиятлар тўғрисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоа манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман».

Дарҳақиқат, ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи

халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки бугунги кунда ўзбек қадрини урф-одат ва маросимларимизнинг анъанавий ўзига хос томонлари жонланаётган бир тарихий жараёнда менталитетимиздаги жамоавийликка хос меъёрий боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда, унинг бир қадар индивидуаллашуви, унда жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш, ўзи учун ўзи ҳисоб бера олиш, мустақил иш тутиш, шахсий масъуллик сингари хусусиятларни янада такомиллаштириш зарур. Шу ўринда афсус билан айтиш керакки, ўзбек халқининг бир юз эллик йиллик мустамлака даврида йўқотган қадриятлари сақлаб қолишга эришилган қадриятларидан бир неча ҳисса кўп бўлди. Чор Россияси ҳамда советлар мустамлакачилиги даврида халқимизга хос бўлган ҳамжиҳатлик, жанговарлик, ҳар ишда сўз ва иш бирлиги сингари фазилатларга жиддий зарар етказилди. Халқ орасида миллий бирликка интилишдан кўра гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилиш кучайди. Халқ миллий менталитети тақдирга тан бериш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, лоқайдлик каби ҳислатлар авж олди. Узоқ давом этган собиқ совет давлатининг мафкуравий тазйиқлари оқибатида кўплаб диний ва миллий қадриятларимиз эътиборсиз қолди, узоқ тарихга эга бўлган муқаддас анъана ва маросимларимиз бидъат, "эскилик саркити" деб камситилди, миллий удумларимизнинг тарихий асосларига ҳолисона баҳо берилмади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган ана шундай салбий ҳолатларга янгича нигоҳ билан қараш, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий, маданий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, қолаверса, умуммиллий маънавий ислохотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди ва улар давлат сиёсати даражасидаги ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бугунги кунда ҳаётини заруратнинг ўзи халқимиз феъл атвори, менталитетини янгилашга жиддий эътибор қаратишга ундамоқда. Лекин афсуски бугунги кунда Ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён-глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет шаклланимоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кетаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир қилмоқда. Бундай глобаллашув, яъни бир хиллашув муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг миллий менталитетига ҳам бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада глобаллашув оқибатида ўзбекларнинг миллий менталитетига хос кўплаб қадриятлари, маросим ва удумлари унутилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис бугунги кунда халқимизнинг миллий менталитетини ўзида акс эттирувчи қадимий урф-одатлари, маросимларини сақлаб қолиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур;

1. Қадимий урф-одатларимиз, фольклор намуналаримиз сақланиб келаётган минтақалар (Бойсун, Ургут, Шаҳрисабз кабилар)ни давлат муҳофазасига олиш ва махсус мақом бериш.

2. Халқ менталитетини сақлаш мақсадида этноэкологик жамғармалар, ташкилотлар тузиш.

3. Халқимиз миллий менталитетига оид энг қадимий урф-одат ва маросимларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак бутун жаҳон бўйича улкан глобализацион жараёнлар кечаётган бир вақтда ўзбек миллий менталитетини тадқиқ қилиш унинг нечоғлик умуминсоний қадриятларга мослигини кузатиш имконини беради. Қолаверса, халқимизнинг қадимий анъаналар, азалий урф-одат ҳамда маросимларга эга бўлиши ўзига хос ва ўзига мос миллий менталитетга эга халқ эканлигини тасдиқлаб турибди.

### **Семинар машғулоти режаси**

1. Маданиятнинг этник функцияси. Этник маданиятнинг ўзига хос ҳимоя воситалари.
2. Этнос маданияти ва этник маданият. Этник маданият тузилиши.
3. Этник маданият ва дунё маданияти.
4. Этник стереотиплар муносабатлар.

## **Маъруза ва рефератлар мавзулари**

1. Ўзбекларнинг миллий-этник хусусиятлари.
2. Японлар ва хитойларнинг миллий характеридаги ўхшашликлар ва фарқлар.

### **Этнологик дала тадқиқотларини ўтказиш учун намунавий дастур режа. (Анъанавий тематикалар учун).**

Ушбу дала тадқиқотини ўтказишда мақсад, ўрганилаётган ҳудуддаги турли этник гуруҳлар, уруғ-қабилла, элат ва миллат вакилларининг ўзига хос этник хусусиятлари, турмуш тарзи, хўжалик фаолияти ва урф-одатларини кенг миқёсда ўрганиш ва олиб борилаётган тадқиқотни зарур этнографик материаллар билан бойитишдир.

Олиб бориладиган тадқиқотда дала ишларининг икки тури асос қилиб олинади. Биринчидан, аҳолининг этник таркиби ва XIX аср охири - XX аср бошларида алоҳида этник гуруҳларнинг тарқалиши ҳақида ва иккинчидан, барча аҳоли пунктлари асосида уруғ-қабиллавий ва оила-қариндош гуруҳларининг келиб чиқиши ҳақидаги халқ ривоятлари, уларнинг миграцияси ва унга сабаб бўлган турли тарихий воқеалар баёни.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси эса биринчидан, аҳолининг этник таркиби ва жойланиши ҳақидаги аниқ маълумотга эга бўлиш; иккинчидан, ҳудуддаги этник жараёнларнинг муҳим омиллари аҳолининг хўжалик фаолияти, моддий маданияти ва ижтимоий турмуш тарзи ҳақида шахсий кузатув ва ахборотчилар билан бевосита суҳбат асосида зарур материалларни йиғишдир.

Тадқиқот қуйидаги мавзуларда олиб борилади: ўзбеклар шажараси ва авлод-аждодлар муаммоси, уруғ-қабиллачилик анъаналарининг характерли жиҳатлари, анъанавий машғулоти ва хўжалик фаолияти, моддий маданияти, ижтимоий муносабатлар ва маҳаллачилик анъаналари, оилавий-маиший турмуш анъаналари, диний тасаввурлар ва улар билан боғлиқ турли маросимлар, урф-одатлар.

Мазкур дастурий режага кўра, тадқиқ этилаётган ҳудуддаги этник жараёнларни XIX аср охиридан бошлаб, то ҳозирги давргача бўлган замонавий этник жараёнлар ҳам тадқиқ этилади ва ўша даврдаги этник жараёнлар билан қиёсий таҳлил қилинади.

Тадқиқотларни қуйидаги йўналишлар ва мавзулар бўйича ўтказиш кўзда тутилади. Қуйида хўжалик фаолиятнинг деҳқончилик, чорвачилик соҳалари ва шунингдек, қишлоқ, жамоа ва қўшни жамоа муносабатларини ўрганиш учун дастурлар тузилди. Аҳолининг этник таркиби, жойланиши, шажараси ва ижтимоий муносабатлар, тўй, оила ва никоҳ муносабатларининг ўзига хослигини аниқлаш учун намунавий сўровномалар тузилди:

- I. Умумлаштирувчи маълумотлар олиш учун сўровнома.**
- II. «Деҳқончилик ва сув иншоотлари» мавзусини махсус ўрганиш.**
- III. «Чорвачилик» мавзусини махсус ўрганиш дастури.**
- IV. Моддий маданиятни ўрганиш учун намунавий сўровнома.**
- V. Тўй, оила ва никоҳ муносабатларини ўрганиш учун сўровнома.**

### **I. Аҳолининг этник таркиби, жойланиши, авлод-аждодлар шажараси, хўжалик фаолияти ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қисқача намунавий сўровнома.**

1. Қайси миллат вакилисиз?
2. Қайси уруғдансиз? (тўп, элат, эл ва ҳ.к...)
3. Уруғ-қабилангиз вакиллари яна қаерларда ва қандай жойларда (тоғли, тоғ олди ва чўл зоналари) жойлашганлар.
4. Сиз яшаётган қишлоқда бир уруғ вакиллари яшаганми ёки бошқа уруғ вакиллари ҳам бўлганми?
5. Агар бошқа уруғ вакиллари ҳам яшаган бўлса, улар билан никоҳ, қўшничилик муносабатлари қандай бўлган?
6. Қишлоғингиз (уруғингиз) аҳли асосан қайси қишлоқ (уруғ) аҳли билан кўпроқ

- никоҳ муносабатларида бўлган?
7. Қишлоғингизда қон-қариндошлик муносабатлари қандай бўлган?
  8. Сиз шажарангиз ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
  - 1.9. Аждодларингизни бу ерга келиб қолиши ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
  10. Қишлоқ-жамоа аҳли ва уруғ-қабилангиз ўтмишда қандай хўжалик турлари билан шуғулланган?
  11. Дехқончилик ва сув хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлган?
  12. Дехқончиликда суғорма дехқончилик биринчи ўринда турганми ёки лалмикорлик?
  13. Хўжаликда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик қандай аҳамият касб этган?
  14. Қандай суғориш тармоқлари бўлган?
  15. Суғоришда қандай усуллардан фойдаланилган?
  16. Дехқончиликка оид қандай урф-одат ва маросимлар бор?
  17. Чорвачиликка оид турли маросимлар қандай ўтказилган?
  18. Чорвачиликни қайси тармоғи етакчи ўринда туради?
  19. Чорвачилик ва ҳунармандчиликда сулолачилик анъаналари сақланиб қолганми?
  20. Ўтмишдаги уй-жой қурилиши билан ҳозирги қишлоқ шароитидаги уй-жойлар қурилишидаги тафовутлар ҳақида сўзлаб беринг?
  21. Ҳунармандчиликнинг қандай турлари бўлган?
  22. Яқин ўтмишдаги маиший хизмат иншоотлари - тегирмон, жувоз, турли тўқимачилик дастгоҳлари сақланиб қолганми?
  23. Мадраса, масжид ва турли маиший хизмат иншоотлари қурилишида уруғ ёки қишлоқ жамоалари иштироки қандай бўлган?
  24. Яқин ўтмишдаги маҳаллачилик анъаналари ҳозирги вақтда қандай давом этмоқда?
  25. Оилада (маҳаллачилик) маҳалланинг ёки жамоанинг роли қандай бўлган?
  26. Жамоадаги, маҳалладаги никоҳ, суннат тўйи ва турли урф-одатлар билан боғлиқ маросимлар қандай бўлган?

## **II. «Дехқончилик ва сув иншоотлари» мавзусини ўрганиш дастури.**

Дехқончилик - Ўзбекистон аҳолисининг қадимги машғулотларидан биридир. Асрлар ва минг йилликлар давомида кўплаб дехқончилик тажрибаси ва усуллари, нозик фенологик (ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидаги мавсумий ўзгаришлар) кузатишлар тўпланган. Дехқончилик тажрибалари давомийлик билан авлоддан авлодга ўтиб борди.

Ўзбекистон ҳудудининг кам ёғингарчилик бўладиган иссиқ иқлими-мураккаб суғориш тизими воситасида маҳсулдор суғорма дехқончиликнинг кенг тарқалишига олиб келди. Шунинг учун дастурда дехқончилик суғориш иншоотлари билан мустаҳкам боғлиқликда кўриб чиқилади. Кўп асрлар давомида турли чорвадор этник гуруҳлар дехқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ, ярим ўтроқ аҳоли билан алоқада бўлди ва бир қисми ўтроқлашди. Шунингдек, улар маҳаллий аҳолидан дехқончилик тажрибаларини ўрганди ва ўзларининг этник ва маданий-хўжалик хусусиятлари билан ўзига хос тарзда дехқончилик билан шуғулландилар.

Тадқиқот олиб боришда нафақат нозик дехқончилик усуллари ва азалий ўтроқ дехқон аҳолининг суғориш тажрибаларини ўрганибгина қолмасдан балки, чорвадор ярим ўтроқ этник гуруҳларнинг экстенсив ва номуқим дехқончилик ва суғориш усулларни ҳам тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дастур асосан Ўзбекистонда XX аср бошларида анъанавий дехқончилик ва суғориш усуллари билан қай тарзда мавжуд бўлганлигини ўрганиш учун мўлжалланган.

Имкониятдан келиб чиқиб (манбалар мавжудлигини ҳисобга олиб) бир қадар олдинги давр яъни, XIX асрнинг иккинчи ярми учун маълумотлар йиғилади.

Дехқончилик ва суғориш усуллари билан тадқиқ қилиш учун дехқончилик

машғулотида катта ёки кичик роль ўйнаган миллий гуруҳларнинг аралашган хўжалик типларининг тарқалиш ареалини аниқлаш ҳам муҳимдир. Бу хўжалик типлари икки асосий гуруҳда бирлашади:

1) Воҳанинг сунъий суғоришга асосланган интенсив деҳқончилик хўжалиги билан шуғулланувчи ўтроқ аҳолиси;

2) Деҳқончиликни (асосан экстенсив) чорвачилик билан қўшиб олиб борувчи ярим ўтроқ аҳоли.

Материалларни йиғишда ва қайд қилишда унинг аниқ географик жойини аниқлаштириб, қайси этник гуруҳ ва географик майдонга тегишли эканлигини ёзишни таъминлаш зарур.

Ушбу дастурда янги материаллар йиғиш билан бир қаторда илгари олиб борилган тадқиқотлардан, архивдаги материаллардан, Республикамиздаги музей фондларида мавжуд маълумотларни йиғиш ва қиёсий таҳлил қилиш кўзда тутилади. Ўзбекистон ҳудудидаги деҳқончилик ва сув иншоотлари тарихини чуқур ва тўлиқ тадқиқ қилиш учун маълум бир тарихий даврга тегишли бўлган маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

### **I. Умумий маълумотлар.**

1. Дала тадқиқотлари ўтказилаётган ёки материаллар тўпланаётган ҳудуд. Аҳоли пункти, маъмурий ҳудуд номи. Илгари қандай маъмурий бирлик таркибига киргани, октябрь тўнтаришидан олдинги маъмурий бўлиниш.

2. Қисқача географик таснифи.

3. Аҳолининг этник таркиби (локал, қабилавий ва бошқ.). Сони ва тарқалиши.

4. Ўрганилаётган ҳудуддаги турли этник гуруҳларни асосий хўжалик турлари ва уларнинг нисбати. Ўрганилаётган даврда аҳолининг хўжалик фаолияти йўналишидаги ўзгаришлар.

5. Ёрдамчи хўжалик тармоғи.

### **II. Экин майдонлари ва иш ҳайвонлари.**

1. Экин майдонлари ва уларнинг қишлоқ хўжалигида бўлиниши. Турли этник гуруҳларда кўпроқ тарқалган экин тури.

2. Ўрганилаётган аҳоли гуруҳида деҳқончилик машғулоти маълум тизимининг кўпайиб бориши:

а) Суғориладиган ерлар ва унинг турли формалари: йирик воҳада, текисликда ва дарё водийларида; тоғолди кичик воҳаси, тоғ кичик воҳаси; доимий равишда суғорилмайдиган деҳқончилик. Суғорилмайдиган деҳқончилик (лалми) ва бошқалар.

3. Турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида экин майдонларининг тақсимланиши.

4. Ўтроқ деҳқон аҳолида иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик ишларида улардан фойдаланиш. Иш ҳайвонларининг миқдори ва турли этник гуруҳларда уларнинг фарқи. Чорвани ҳайдаш: хусусий хўжаликда чорвани оила аъзолари томонидан ҳайдаш, жамоа бўлиб ҳайдаш, чорвани ҳайдовга топшириш.

### **III. Сув иншоотлари.**

1. Ўрганилаётган ҳудудда деҳқончилик тизимининг тарқалиши: тартибга солинган сув иншоотлари; лалмикорлик; тартибга солинмаган сув иншоотлари-вақтинчалик сув манбаларидан, сув йиғиладиган иншоотлар, қуриб қоладиган кўл ва бошқалардан фойдаланиш.

2. Оқава сув ва чиғир воситасида суғоришнинг тарқалиши ва уларнинг нисбати.

3. Қоризлар ва уларнинг тарқалиш зонаси.

4. Суғориш каналлари, сув билан таъминлаш манбалари (дарё, ирмоқлари, кўл, тоғ дарёси, булоқлар).

5. Суғориш иншоотларининг тури-тўғонлар, тамбалар, сув тақсимланиш қурилмалари.

6. Суғориш усули: а) ариқларда жўяклар бўйлаб сув қўйиш. б) Пол олинмайдиган жойларда сувни бостириш. в) вақтинчалик ариқлар ва бошқалар. Турли қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш фарқлари.



7. Навбати ёки вақти билан экиладиган экинларни фарқлари;

а) ер ҳайдовидан олдинги экин;

8. Хонликларда хусусий ва жамоа бўлиб сувдан фойдаланиш. XIX аср ўрталари - XX аср бошларида сувдан фойдаланиш тартибининг ўзгариши. Сувни олиш вақтини мувофиқлаштириш. Суғоришда сув меъёри. Сувни навбат билан олиш, сутка давомидаги навбат, суткалик ва бошқалар. Майдондаги экинлар учун каналларни бўлиниши (бош, ўрта ва қуйи «кулок»). Сувларни тақсимловчи киши, қуйи сув маъмурлиги, каналларни ростлаш, сув ҳайдаш.

9. Суғориш тизимининг бошқарилиши. Турли тарихий даврларда суғориш ишлари мажбурияти. Хива хонлигида сув маъмурлигининг тузилиши-умумий характери ва фарқлари.

#### IV. Қишлоқ хўжалиги қуроллари.

1. Ер ҳайдаш қуроллари. Уларнинг тури ва ҳар хиллиги:

а) Туркистон омови; б) текисликда ер ҳайдаш учун катта плуг.

2. Темир плугларни тарқалиши. Турлари ва шакллари. Темир плугларга эга бўлган хўжаликларнинг ўзига тўқлиги даражаси.

3. Ер ҳайдаш қуролининг қисмлари. Уларнинг ўлчамлари. Ясалган материаллар.

4. Бўйинтуруқ. Унинг қисмлари ва уларнинг ўлчамлари. Номланиши.

5. Мола ва унинг турлари. Дандона. Уларнинг қисмлари ва ўлчамлари. Ясалган материал.

6. Ерни юмшатиш ва қазииш учун ишлатиладиган қурооллар - кетмон, бел. Уларнинг турлари, қисмлари, ўлчамлари, ишлатилиш усуллари. Номланиши.

7. Ўрим қурооллари - ўроқлар, уларнинг турлари, ўлчамлари. Ясалган материал. Ишлатилиш усуллари.

8. Янчиш ва совуриш қурооллари. Мола, белкурак, шоха, ява, ғалвир. Маҳаллий номлари.

9. Қишлоқ хўжалигида юкларни ташиш ва бир ердан иккинчи жойга кўчириш мосламалари. Арава, чана. Уларнинг тузилиши ва таркибий қисмлари. Юкларнинг жойланиши. От ва эшақда ташиш. Замбил ва ғалтак-арава.

#### V. Қишлоқ хўжалик ишлари.

##### *Дала ишлари.*

1. Суғорма ва лалми ерларда ерларни экишга тайёрлаш. Шўрини ювиш, ўғитлаш.

2. Алмашлаб экиш ва асосий қишлоқ хўжалик экинлари; дон экинлари - буғдой, арпа, жўхори, шоли, тариқ ва ҳ.к.; дуккакли - мош, нўхат, ловия; ёғ олинадиган - кунжут, зигир; емиш - беда ва б.;

3. Экин: лалми, суғорма; баҳорги, кузги. Экиш усуллари.

4. Экинлар парвариши; суғориш, ягана, чопиқ. Қўриқлаш.

5. Ҳосилни йиғиш усуллари.

6. Янчиш. Хирмон.

7. Донни сақлаш усуллари.

8. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг содда усуллари ва қурооллари. Кели. Обжувоз. Тоштегирмон.

##### *Полиз, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик.*

1. Ерни экишга тайёрлаш, ўғитлаш.

2. Полиз экинлари - қовун, тарвуз, қовоқ ва б.; сабзавотлар - сабзи, пиёз ва б.; Маҳаллий навларнинг номланиши. Кейинчалик пайдо бўлган экинлар: картошка, қарам, помидор. Мевали дарахтлар: ўрик, олма, олхўри, нок, анор, беҳи ва б. Узум, узум навлари.

3. Кўчат экиш, ниҳол етиштириш. Боғ ва узумзорлар. Маҳаллий нав танлаш.

4. Парвариш.

5. Ҳосил йиғиш (экин турларига қараб).

6. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш.

#### VI. Деҳқончилик ва суғориш билан боғлиқ удум, эътикод афсоналари.

1. Дехқончилик пири ҳақида тасаввур. Қишлоқ хўжалик ишларини бошлаш билан боғлиқ удумлар - хўкиз шохини мойлаш, зиёфат ва ҳ.к. Иш бошланадиган кунлар.

2. Курғоқчилик ёки чўзилиб кетган ёғингарчилик билан боғлиқ удумлари сеҳргарлик ҳаракатлари. Маросимий кўшиқлар. Курбонлик қилиш.

3. Ҳосил йиғиш билан боғлиқ урф-одатлар. Ўрим-йиғимни бошлаш. Ҳосилдан «худонинг ҳақи»ни ажратиш.

4. Тўғон ва ариқлар қурилиши билан боғлиқ удумлар.

#### VII. Дехқончилик тақвими.

Дехқонлар тақвимиинг турлари. Вақтни инсон танаси қисмлари билан ҳисоблаш (тожикча Ҳисоби мард). Фенологик белгилар асосида тузилган тақвим. Қишлоқ хўжалик ишларининг боши ва ниҳоясининг тақвим билан алоқадорлиги.

### **III. «Чорвачилик» мавзусини ўрганиш дастури.**

Чорвачилик - Ўзбекистон аҳолиси хўжалик фаолиятининг асосий ва энг қадимий турларидан бири. Бошқа ҳудудлар аҳолисининг чорвачилиги билан кўпгина ўхшаш жиҳатлари бўлсада, Ўзбекистондаги этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини боқишда ўзига хос усуллари ва жиҳатлари бўлиши табиий. Шу билан биргаликда, ҳатто бир элат истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишдаги табиий-географик шароитлар туфайли, кўшни халқларнинг таъсири ёки ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуллардан фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин.

Тадқиқотчи чорвачилик хўжалигининг ўрганилаётган даврдаги қадимдан шаклланган бир қанча типларини учратиши мумкин. Булар, ярим ўтроқ чорвачилик ёки ўтроқ хўжаликнинг бир соҳаси сифатида чорвачилик бўлиши мумкин. Бу чорвачилик типлари турли жойларда ўзига хос вариантларга эга бўлиши мумкин. Ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг кўра ёки кўра-яйлов тизими, ярим ўтроқ аҳолида ҳайдов-яйлов тизими, кўчманчи аҳолида эса яйлов тизими устун турган.

Кўпгина чорвадор элатлар асосий машғулотлари билан бирга озми-кўпми даражада дехқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Бу нарса уларнинг турмуш-тарзи, моддий маданиятида ҳам акс этган.

Чорвачиликни тадқиқ этишда турли хил манбалардан: адабиётлар, архив материаллари, музей тўпламлари, фотосурат, сурат ва бошқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу дастур Ўзбекистон ҳудудида дала тарихий этнографик материаллар йиғиш учун қўлланмадир.

Материаллар йиғишда куйидаги специфик усулларидан фойдаланиш муҳим:

1. Тадқиқотчи ўрганилаётган этник гуруҳнинг чорвачилик хўжалиги характери ҳақидаги ҳамма материалининг шу этник гуруҳ яшаётган барча ҳудудлар бўйича аниқ географик локаллаштиришга катта эътибор бериши керак.

Шу сабабли далага чиқишдан олдин ўрганилаётган этник гуруҳнинг чорвачилигини характерлайдиган асосий адабиётлар билан танишиб, мавзунинг ўрганилиши даражасини аниқлаштириш лозим. Ўрганилаётган ҳудуднинг географик харитасига эга бўлиши катта аҳамиятга эга.

2. Дала тадқиқотлари давомида тасвирий материаллар, фотографиялар, чизмалар, режалар, схемаларни тўплаш, чорвачиликнинг асосий типлари ва усуллари тасвирлашда улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дала материалларини тўплашда имкони борича ўрганилаётган даврда хўжаликнинг шу тури билан шуғулланган, катта тажрибага эга бўлган подачи, чўпон, отбоқар ва бошқалардан маълумот олишга эътибор қаратилиши керак. Бир йиллик узлуксиз хўжалик цикли, керакли чорвачилик типи (кўчманчи, ярим ўтроқ, ўтроқ) билан боғлиқ ҳолда тасвирлаб берилиши шарт.

Ҳайвонларнинг алоҳида турларини кўпайтириш - кўйчилик, йилқичилик ҳақида материал тўплаш, сугчилик хўжалиги, халқ ветеринарияси, хўжалик бинолари ҳам алоҳида мавзу бўлиши мумкин. Чорвачилик хўжалигининг мавусмий цикллари (м-н: қишқи

мавсум)ни тасвирлаб бериши ҳам мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнини ўрганишда унга тегишли терминларни астойдил ёзиб олиб, тасвирлаш жараёнида тушунтирувчи схема ва чизмалар, фотосуратлар қилиш зарур.

Чорвачиликда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва бошқа буюмларни тасвирлашда қуроллар ва буюмларнинг ҳамма қисмларининг маҳаллий номлари келтирилиши, уларнинг ўлчамлари, ясалган хом-ашё, қурол ишлатилаётган вақтдаги техник ўрни берилиши керак; чизма ва суръатлари чизилиши лозим. Қуролнинг тарқалиш даражаси ва ишлатилиши ҳақида маълумот берилиши ва терминология ёзилиши муҳим.

Йиллик кўчиш циклини тадқиқ этилаётган вақтда харитага кўчиш йўли, ундаги яйловлар, қишловлар, қудуқлар, дарахтзорлар билан бирга туширилиши керак. Кўшни халқлардан олинган чорвачилик усуллари ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилса янада яхши.

### **I. Умумий маълумотлар.**

1. Тадқиқот ўтказилаётган жой ҳақидаги маълумотлар.
2. Этник гуруҳ.
3. Чорвачилик хўжалиги типининг деҳқончилик билан боғлиқлиги. Хўжаликка табиий-географик шароитнинг таъсири.
4. Чорва: а) чорва турлари, уларнинг подадаги нисбати, хўжаликда у ёки бу турнинг қачон пайдо бўлганлиги, азалийми ёки кейинчалик кириб келганлиги. б) ҳайвонларнинг зотлари, уларнинг яхшиланиши. Уй ҳайвонларининг ҳар хил турларининг хўжаликдаги аҳамияти. Ишчи, соғиладиган, миниладиган уй ҳайвонлари турлари. Ҳайвонларнинг ёшини аниқлаш усуллари. в) чорванинг ҳамма турларининг жинси ва ёшига кўра аталиши. г) чорвани тамғалаш, қандай ҳайвонларга тамға қўйилади. Усуллар ва қуроллари. Турли этник гуруҳларга хос тамғаларнинг тузилиши. Ҳайвонларнинг қулоқларидаги ва бурун (от)ларидаги тамға ва белгиларнинг қўйилиши.

### **II. Чорвадор хўжаликнинг ташкилий тузилиши.**

1. Чорвачилик типи (оғил, оғил-ййлов, ҳайдов, ййлов).
2. Кўчманчи, ярим ўтроқ ва ўтроқ чорвачилиги районларида чорвачилик хўжалигини ташкил этиш принциплари:
  - а) Чорва билан таъминлаш даражасига кўра хўжаликни ташкил қилиш фарқлари. Кўчманчи овуллари (қишки ва ёзги)
  - б) Чорвани биргаликда боқиш учун уюшиш
  - в) Овулдаги уруғлар таркиби
  - г) Кўчиш давридаги овуллар уюшмаси, яйловлардан биргаликда фойдаланиш. Кўчманчи ва ярим ўтроқ хўжаликларнинг хусусиятлари
  - д) Ўтроқ деҳқончилик хўжаликларида уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиш. Ўтроқ хўжаликларида ҳайдов-ййлов тизимининг қўлланилиши. Баъзи ўтроқ гуруҳларида ёзги ййловларга кўчиб бориш.
3. Кўчманчи чорвадорларнинг ярим ўтроқ ва ўтроқ хўжаликлар билан (айниқса ёзги боқувда) ўзаро муносабатлари. Ҳайдов чорвачилигида овулда қоладиган аҳоли билан алоқанинг йўлга қўйилиши.

Кўчманчи чорвачиликда ўтроқ ва ярим ўтроқ хўжаликка ўтиш, унинг сабаблари.

### **III. Чорвачилик хўжалигидаги йиллик цикл.**

1. Ййлов. а) Ййловларнинг мавсумлари бўйича тақсимланиши. Уларнинг жойлашуви. Улардаги ўсимлик турлари. Турли чорва ҳайвонларининг ййловда бўлиш муддатлари.

Кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадорларнинг ҳар хил чорва турлари учун махсус яйловларнинг бўлиши. Ййловларнинг чегараланиши.

- б) Жамоа ва уруғ ййловлари принципининг сақланганлиги. Ййловларнинг эгалари. Ййловдан фойдаланганлик ва ундан ҳайдаб ўтганлик ҳақнинг ундирилиши.
- в) Чорвадорларнинг турли гуруҳлари учун кўчиш йўллари.
- г) Жамоаларга ййловларнинг бириктирилганлигини ҳуқуқий асослари. Ййловлар

ижараси.

2. Сувлоқлар. Сувлоқларнинг ташкиллашуви (турли жойларда). Қудуқлар, уларнинг типлари (чукур, саёз), тузилиши. Қудуқлар қуришда ишлатиладиган қуроллар. Эгалик қилиш. Фойдаланиш принциплари. Қудуқлардан фойдаланиш ҳукуки.

Сув идишлари (челак, меш). Қудуқдан сувни тортиб олиш усуллари (арқон, тишонг). Сувни чиқаришда ҳайвон кучидан фойдаланиш. Ҳайвонлар сув ичиши учун тоғоралар, новлар ва уларнинг тузилиши.

Қудуқлардан бошқа сунъий сувлоқ қурилмалари.

Табиий сувлоқлар ва улардан фойдаланиш.

3. Турли мавсумларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг чорвани боқиши ва кўчиб юриши.

а) Қишки сақлаш ва боқиш. Қишловлар ва қишлов олди яйловлари. Уларнинг жойлашуви ва нима сабабдан шу жойда жойлашганлиги. Улардан фойдаланиш қоидалари.

Қишки боқув учун яйловнинг ажратилиши. Қишки яйловнинг тақсимланиши. Қишлов ўтов, қишки хўжалик бинолари, қўра, дон ўра ва б.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликларда қишки кўчув, унинг давомийлиги, манзиллар орасидаги масофа, манзилда тўхташ давомийлиги. Кўчиш тартиби. Чорванинг тунаш учун гўнг қатлами жойларнинг танланиши. Чорвадорларнинг эгалланган қудуқ, булоқ, манзилларнинг белгилаши (белги қўйиш).

Қишки яйловларда ҳар хил чорва турларининг сақлаш режими ва боқув характери. Қорли вақтда чорва боқувидаги навбат алмашуви. Чорва боқиш принциплари (жамоа, овул, аралаш ёки алоҳида).

Оғилда сақланадиган чорва турлари (иш ҳайвонлари, миниладиган отлар, бўғоз сигирлар ва ҳ.к.).

Чорвани қишда қўшимча озиқлантириш учун ишлатиладиган емиш (хашак, сомон.ю дон, беда). Қиш учун тайёрланадиган емиш ҳажми. Чорвани озиқлантириш йўллари. Қишки сувлоқ.

Ҳайвонларни озиқлантириш учун қўлланадиган мосламалар (охур, тоғора, тўрва ва ҳ.к.).

Ярим ўтроқ чорвадорларда йилқи ва қўйларнинг қишки ҳайдови. Йилқи уюрлари ва қўйларни қаттиқ қиш ва бўронларда қўшимча озиқлантириш (нима билан, қанча вақт).

Қишки яйловларда чўпон ва йилқичиларнинг яшаш шароити. Уларнинг турар жойи, қийими ва овқатланиши. Чўпонинг аслаҳа-анжомлари: халта, таёқ ва б. қуроллари.

Чўпон итлари. Уларнинг турлари. Тарбиялаш усуллари. Чўпонлар тақвими. Жойни аниқлаш усуллари.

Чўпонларнинг вазифалари. Ёллаш шартлари. Чўпон ва йилқичиларнинг ҳақини тўлаш (нарсга ёки пул билан).

б) Чорвани баҳорги, ёзги ва кузги ҳайдови. Баҳорги яйловга чиқиш муддати. Яйловларни айланиб чиқиш. Муддатини ким аниқлаган ва кимлар бошлаб берган. Баҳорги яйловларда ерга буюмларни кўмиб қўйилиши. Баҳорги яйловга кўчиш билан боғлиқ удумлар. Кўчишдаги ҳаракат тартиби. Овул ва овул гуруҳларининг ҳаракати. Йўл ва манзилларни ким танлаган. Чорва қандай ҳайдалган (бирга, тур-тури билан). Ҳайдаш тартиби ва шароити. Карвон таркиби ва уни тасвирлаш. Юк ортиладиган ва миниладиган ҳайвон турлари. Оилаларнинг кўчиш тартиби. Карвон бошлиғи. Кўчувнинг хўжалик характериға мос равишда ҳаракат тезлиги ва йўналиши. Бир кунлик йўлнинг ўртача узоклиги. Кўчиш давридаги озиқ-овқат заҳираси.

Баҳорги ва ёзги яйловларнинг жойлашуви ва уларда туришнинг муддатлари. Пода, отар ва уларнинг тўлдириш принциплари. Турли чорва молларини боқиш. Ёзги яйловлардан фойдаланиш. Ҳайвонларни суғориш. Туз бериш. Чорва боқиш ва қўриқлашда ишлатадиган ҳайвонлар. Узок кўчиб ўтиш ва баҳорги, ёзги ва кузги яйловлардаги узок муддатли манзилгоҳларда овулдаги турли ижтимоий гуруҳларға мансуб хўжаликлардаги хўжалик ишларининг турлари (насл олиш сўт маҳсулотларини олдиндан тайёрлаб қўйиш,

чорвачилик хомашёсини қайта ишлаш, совун қайнатиш, қиш учун кузда гўшт ва мой тайёрлаш ва б.).

#### IV. Насл олиш ёки ҳайвонларни сақлаш ва боқиш.

Турли ҳайвонларда бир эркак ҳайвонга тўғри келадиган урғочи ҳайвонларнинг сони. Вақтидан олдин урчишнинг олдини олиш чоралари. Урчитишни бошлашдан олдинги удумлари.

Турли ҳайвонларда оммавий болалаш даври. Доимий кўчиб юривчи чорвадорларнинг болалатишни ташкил этиш. Турли ҳайвонларнинг туғишига ёрдамлашиш усуллари. Насл олиш билан боғлиқ удумлар. Янги туғилган жониворларга қараш. Қўзи ва улоқларни сақлаш учун ўтовлар ёки махсус жойлар қурилиши. Бўталоқ ёки бузоқларни сақлаш. Узоқ кўчувларда ёш ҳайвонларни ташиш. Уларнинг эмизилиши ва ажратиш.

Ёш ҳайвонлардан насл учун эркакларини ажратиб олиш. Қолган эркак ҳайвонларни бичиш усуллари. Бичиш қуроллари ва мутахассислари.

Ёш ҳайвон (қўзи, қулун, бузоқ, бўталоқ)ларни арқонлаш. Уларнинг усуллари ва иримлари. Ёш ҳайвонларни онасини эмизишга тўсқинлик қиладиган мосламалар.

Той ва бўталоқларни эгарга ўргатиш усуллари. Миниб юриш ва юк ташишда ишлатиладиган мосламалар. Қамчи турлари. Ҳайвонларни тутиш учун қурол ва мосламалар (арқон, сиртмоқ).

Тушовнинг ҳар хил турлари (арқон, тери, темир).

#### V. Сутчилик хўжалиги.

Қўй, эчки, туя, бия, сигир соғиш усуллари. Ишлатиладиган идишлар. Соғишда эркак, аёл, ўсмир ва болаларнинг иштироки. Қўзи, бузоқ, қулун ва болаларини эмдириб олиш. Соғишда ийдиришнинг турли йўллари.

Турли ҳайвонларнинг сутини ишлатилиши. Сут маҳсулотларининг турлари ва уларни тайёрлаш усуллари. Сут маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва ташишда қўлланадиган идишлар. Сарёғ олиш. Сут маҳсулотларини олдиндан тайёрлаб қўйиш.

#### VI. Қўй юнгини олиш, юнг ва мўй йиғиш.

Қўй юнгини баҳорги ва кузги қирқиш. Қўзиларни юнгини олиш. Ювиш. Ишлатиладиган буюмлар. Юнг қирқиш билан боғлиқ удумлар. Туяни юнгини олиш. Қирқиш усуллари. Эчкининг жуни ва тивитини олиш. От ва тойларнинг думи ва ёлини қирқиш.

#### VII. Уй ҳайвонларининг алоҳида турларини сақлаш, фойдаланиш ва боқиш хусусиятлари.

1. Қўй ва эчкилар. Урғочи ҳайвонларни қочиришдан олдин алоҳида ҳайдаб боқиш. Наслдор кўчқорларни алоҳида боқиш. Уларга чопишдан олдин ем бериш. Алоҳида хўжаликларга тегишли қўйларни ёлланган чўпоннинг қўшиб боқиши. Қўйларни қўшимча озиклантириш (қаттиқ қишларда). Овулдан узоқда яйловда ётиб қолиш (ёзги мавсумда). Қўй отарини бошқариш ва қўйларни тутиш. Турли мавсумларда бир чўпоннинг қанчагача қўйни боқиши. Сувлаш. Тунаш. Кечаси қўриқлаш. Санаш усуллари. Чўмилтириш.

Қорақўл қўйларни сақлаш ва ҳайдаб боқиш. Қорақўл терисини олиш. Эчкиларнинг хўжаликдаги аҳамияти.

2. Отлар. Турли хўжалик типларида отларнинг ўрни. Майда чорвадорларнинг отларни навбат билан боқиши. Соғиладиган бияларни кундузи ва кечаси ҳайдаб боқиш. Уюрни бир сутка давомида навбат билан боқиши бўрон вақтида йилқиларни қўриқлаш усуллари. Ориқ бияларни олдин ва кейин қўшимча озиклантириш. Урчиш ва янги уюрлар вужудга келиши. Шу билан боғлиқ удумлар. Отларни тақалаш.

Қулунларнинг биялар билан бўлиш муддати. Қимиз тайёрлаш ва у билан боғлиқ удумлар.

Ёш ва вояга етган отларни эгарларга ва миниб юришга ўргатиш. Пойгага ўргатиш. Эгар ва от анжомларининг турлари.

Миниладиган ва ишчи отларни парвариш қилиш.

3. Қорамол. Қорамолларнинг ўтроқ, ярим ўтроқ хўжаликлардаги ўрни.

Хўкизлардан фойдаланиш (дала ишларида, юк ташишда). Эрта баҳорда

сигирларнинг болалашидан олдин қўшимча озиқлантириш. Бузоқларни боғлаб соғиш. Қорамолларни турли мавсумларда ҳайдаб боқиш ва парваришlash.

4. Туялар. Зотлари (бир ўқачлик, икки ўрқачлик). Туяларни ҳайдаб боқиш хусусиятлари. Битта туя боқувчига тўғри келадиган туялар сони. Қишда боқиш.

Урғочи туялар ва наслдор туя. Туяларни ишга ўргатиш (қандай усул билан, неча ёшдан). Туя эгари ва анжомлари.

5. Эшак ва хачирлар.

VIII. Қиш учун ем-хашак тайёрлаш.

Хашак жамғариш, уни сақлаш. Дон ва ем тайёрлаш, уларни сақлаш усуллари.

IX. Хўжалик бинолари.

Хўжалик бинолари типлари ва қўлланиши. Бино қуришда фойдаланилган хом ашё (лой, бўйра, қамиш).

Бинолар режаси.

Майда моллар учун содда қўра ва бостирмалар. Отлар учун усти ёпиқ бостирма ва қўралар. Яйловда яшаш учун ва хўжалик бинолари.

X. Чорвачилик билан алоқадор халқ билимлари.

а) Халқ ветеринарияси.

Уй ҳайвонлари касалликлари ва уларни даволашнинг усуллари. Синган суякларни даволаш. Ҳайвонларни даволаш давомида қўлланиладиган жиҳоз ва қуроллар.

б) Халқ метеорологияси.

Ҳисобчилар. Об-ҳаво кузатиш тажрибалари. Мавсумнинг қандай бўлишини ҳисоблаш. Машҳур халқ метеорологлари ҳақида ҳикоялар. Фенологик кузатишлар.

в) Халқ астрономияси.

Юлдузлар ва уларни жойлашуви ҳақида тасаввурлар. Йўлни, жойни аниқлашда улардан фойдаланиш.

Вақт ҳисоби.

г) Сингчи. Изчи.

XI. Маросимлар, удумлар давомидаги сеҳргарлик усуллари.

Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар. Чорвачилик пирлари. «Арвоҳи пир» маросими. Ҳайвонларга ўлат ёки бошқа касалликлар текканда жамоа билан ёки якка тартибда дуолар ўқилиши.

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар. Ҳайвонга сиғиниш сарқитлари. Туморлар. Исирик тутатиш.

**IV. Моддий маданият мавзусини ўрганиш учун намунавий сўровнома.**

**I. Уй-жой ва уй-рўзгор буюмлари.**

а) *Қишлоқлар, овуллар.*

- 1) Қишлоғингизни номи. У нима сабабдан шундай номланган?
- 2) Қишлоқнинг географик жойлашиш ўрни (тоғ ёнбағри, дарё бўйи ва дашт зонаси).
- 3) Қишлоғингиз қачон пайдо бўлган?
- 4) Қишлоқнинг (овулнинг) маҳалла ёки гузарларга бўлиниши ва номи.
- 5) Улар нима сабабдан шундай номланган?
- 6) Қишлоғингизда бозор, масжид, ҳаммом ва турли маиший иншоотлар борми?
- 7) Қишлоқдаги уй-жойларнинг жойлашиш тартиби.
- 8) Қишлоқда ва қишлоқ атрофидаги муқаддас қадамжолар ва тарихий ёдгорликлар борми?

б) *Уй-жойлар.*

1. Уй-жойларни қуришда қандай қурилиш ашёларидан фойдаланилган?
2. Уйлар қандай режа асосида қурилган ва асосан неча хонадан иборат бўлган?
3. Хўжалик биноларининг қурилиш тартиби ва мақсадлари.
4. Ҳовли алоҳида девор билан ўралганми?
5. Уй-жой ва хўжалик иморатларини хашар (кўмак) йўли билан қурилиши.

6. Уй-жойларни қурилиши ва янги уйга кўчиб ўтиши билан боғлиқ урф-одат ва иримлар.
7. Ҳовли ички ва ташқи қисмга бўлинадими?
8. Меҳмонлар учун алоҳида жой ажратилганми?
9. Уйнинг дунё томонларига нисбатан жойлашуви. (қиблага нисбатан).
10. Уй-жойларни пардозлаш ишлари қандай амалга оширилган (эшик, дераза ва токчаларни жойлашиш тартиби).
11. Уй ичи қандай жиҳозланган?
12. Уйни пардозлашда анъанавий халқ амалий санъати (ёғоч ўймакорлиги, ганжкорлик, нақшлар) қўлланилиши.
13. Ертўла ва болохоналар бўлганми?
14. Хўжалик бинолари - тандирхона, омборхона, ошхона, ўтинхона ва молхоналарнинг уйга нисбатан жойлашиши.

в) *кўчма уйлар (ўтов, қапа, чодир ва ҳ.к.)*

1. ўтов, қапа, чодир каби вақтинчалик кўчма уйлар асосан қаерларда қурилган (тоғ ёнбағри, адир, дарё бўйлари ва даштлар)?
2. Кўчма уйларда истиқомат қиладиган этник гуруҳлар ва уларнинг номлари.
3. Кўчма уйларнинг турлари. Уларни қуриш учун жойнинг танланиши ва қуриш тартиби. Уларни тиклашда ишлатиладиган қуроллар ва воситалар.
4. Ўтов қисмлари ва уларнинг номланиши (керага, ўк, чий, буйра каби).
5. Ўтовни қуришда оила аъзоларининг қатнашуви.
6. Ўтовни жиҳозланиши. (Уй-рўзғор буюмларининг жойлаштирилиши, безалиши). Ўтовни иситиш ва ёритиш.
7. Қапа ва унинг турлари. Уларнинг қурилиши. Ишлатиладиган материаллар.
8. Капаларда кимлар яшаганлар.
9. Капанинг ўлчами, шакли ва қуриладиган ўрни.
10. Капанинг жиҳозланиши.
11. Кўчма уйлар билан боғлиқ удумлар, афсона ва ривоятлар.

г) *Кийим кечаклар.*

1. Эркалар кийими, унинг тикилиши, қандай матолардан тайёрланиши. Мавсумий кийимлар (қишки, ёзги).
2. Аёллар кийимининг ўзига хослиги, қандай матолардан тайёрланиши ва уларни номлари, кийим-кечакларининг турлари.
3. Болалар кийими. Унинг ўзига хослиги, ўғил болалар, қиз болалар ва ёш чақалоқлар кийимларидаги ўзига хослик ва фарқлар.
4. Тақинчоқлар, безаклар. Аёллар тақинчоқлари, уларнинг турлари ва спецификаси.

### **III. Таомлар.**

1. Таомларнинг турлари. Баҳордаги, қишдаги таомлар. Қандай маҳсулотлардан тайёрланиши.
2. Ўсимлик, сабзавот маҳсулотларидан тайёрланадиган таомлар.
3. Ундан тайёрланадиган таомлар ва нон. Уларни тайёрлаш усуллари. Қандолат маҳсулотлари.
4. Гўштли таомлар.
5. Балиқдан тайёрланадиган таомлар.
6. Сутдан тайёрланадиган таомлар.
7. Овқатланиш тартиби ва овқатга бўлган муносабат.
8. Идиш-товоқлар.

### **V. Тўй, оила ва никоҳ муносабатларини ўрганиш учун сўровнома**

#### **Тўй маросимлари.**

1. Турмуш жуфтани танлаш шакллари: а) қўшнилар, б) таниш-билишлар, в)

- қариндошлар, г) муҳаббат асосида
2. Келин танлашда қизнинг қайси фазилятларига алоҳида эътибор берилади?
  3. Ҳозирги кунда совчиликнинг қайси анъанавий удумларига амал қилинади?
  4. Йилнинг қайси фаслида тўй ўтказиш мақсадга мувофиқ?
  5. Йилнинг қайси ойида ирим сифатида тўй қилинмайди? (нима учун).
  6. Турмуш жуфтини танлашда жамоа фикрига эътибор бериладими? (қўни-қўшни, маҳалла, таниш-билиш).
  7. Сиз яшаётган ҳудуд аҳолисининг тўй маросимларда фарқ борми?

#### **Совчилик.**

Тўйдан олдин ўтказиладиган маросимлар.

8. Совчилар таркибига кимлар киради?
9. Совчиларнинг қайси фазилятлари эътиборга олинади?
10. Совчиларни тайинлашдан олдин кимлар билан маслаҳат қилинади?
11. Аёл ёки эркак совчиларни танлашда алоҳида эътибор бериладими?
12. Келин томоннинг розилигини олиш учун неча марта совчиликка борилади?
13. Совчиларнинг биринчи ташрифлари билан боғлиқ рамзий маънони англатувчи қандай одатлар бор. («қовуш йиртди», «эшик супурди», «сўқмоқ очди» ва ҳ.к.).
14. Келин томоннинг розилигини қандай одатлар орқали билиш мумкин.

#### **Фотиҳа тўйи билан боғлиқ маросимлар.**

15. Фотиҳада кимлар иштирок этади?
  - а) қўшнилар
  - б) қариндошлар
  - в) маҳалла аҳли
16. Маросимга қатнашувчиларнинг маълум бир ёшда иштирок этиши белгиланганми?
17. Никоҳда куёв томондан келин томонга бериладиган қалин масаласи қачон ҳал қилинади?
18. Қалинга сизнинг муносабатингиз?
19. Фотиҳа ва никоҳ тўйгача икки томоннинг бир-бирларига инъоми-байрамлик, хайитлик кабилар.
20. Фотиҳада куёв томондан кимлар иштирок этади?
21. Фотиҳа маросимларига мулла таклиф қилинадими?
22. Келин ва куёв сарполари таркибига нималар киради?
23. Тўйдан олдин ўтадиган маросимларда диний урф-одатлар билан боғлиқ маросимлар борми?
24. Тўйдан олдин бажариладиган таомил ва удумлар? Ош тарқатиш, хотин оши ва ҳаказо.
25. Тўй маросимларида дастурхончининг ўрни (маҳаллий терминда дастурхончи ким).
26. Келин-куёв учун тайёрланган уй қачон ва ким томонидан жиҳозланади? Жиҳозлар таркибига кирувчи ашёлар.
27. Келинни олиб кетишда қандай урф-одатлар бажарилади?
28. Никоҳ қаерда ва ким томонидан ўқилади? (масжидда, келин уйида ва ҳ.к.).

#### **Тўй бошлангунча ўтказиладиган тадбирлар.**

29. Тўйга кимлар таклиф қилинади?
30. Тўйда бажариладиган вазифалар ким томонидан тақсимланади?
31. Келин-куёв хонадонига қачон олиб келинади?
32. Келин билан бирга кимлар боради?
33. Келинни куёв хонадонига келтирганларидан кейин қандай удумлар бажарилади?

#### **Янганинг вазифалари:**

34. Анъанавий удумлардан: «оёқ босди», оловда айлангириш, поёндоз ташлаш, келинга ширин чой бериш каби одатларга амал қилинадими? (маҳаллий



одатларни қайд этишингиз мумкин).

35. Келин учун ясатилган хонага чимилдиқ тутиладими?

36. Куёв томонида никоҳ куни ўтадиган яна қандай одатлар бор?

**Тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар.**

37. Келин салом: юз очар, йўқланди (маҳаллий удумлар ёзилади).

38. Келинга қандай совғалар берилади?

39. Келинни уй-рўзғор ишларига жалб қилиш билан боғлиқ қандай маросимлар бажарилади?

40. Чилла даврига амал қилинадими? (қанақа иримлар мавжуд).

41. Куёв чақириқ.

42. Қуда чақириқ.

43. Қиз чақирди ва йўқлади.

**Бешик тўйи.**

44. Кимлар иштирок этади?

45. Қандай совғалар тайёрланади?

46. Бу тўй қачон ва қандай ўтади?

47. Тўйда бажариладиган вазифалар ким томонидан тақсимланади?

48. Келин-куёв хонадонига қачон олиб келинади?

49. Келин билан бирга кимлар боради?

50. Келинни куёв хонадонига келтирганларидан кейин қандай удумлар бажарилади?

**Янганинг вазифалари:**

51. Анъанавий удумлардан: «оёқ босди», оловда айлантириш, поёндоз ташлаш, келинга ширин чой бериш каби одатларга амал қилинадими? (маҳаллий одатларни қайд этишингиз мумкин).

52. Келин учун ясатилган хонага чимилдиқ тутиладими?

53. Куёв томонида никоҳ куни ўтадиган яна қандай одатлар бор?

**Тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар.**

54. Келин салом: юз очар, йўқланди (маҳаллий удумлар ёзилади).

55. Келинга қандай совғалар берилади?

56. Келинни уй-рўзғор ишларига жалб қилиш билан боғлиқ қандай маросимлар бажарилади?

57. Чилла даврига амал қилинадими? (қанақа иримлар мавжуд).

58. Куёв чақириқ.

59. Қуда чақириқ.

60. Қиз чақирди ва йўқлади.

**Бешик тўйи.**

61. Кимлар иштирок этади?

62. Қандай совғалар тайёрланади?

63. Бу тўй қачон ва қандай ўтади?

## **Этнологияга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати**

**Автохтон** - (юнон.)-маҳаллий, жайдари, туб аҳоли маҳаллий ер эгаси бўлган халқ, мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси, абorigенлар.

**Анимизм** (лот.-жон, рух) - дунёда жон ва рухлар мавжудлигига ишониш. Ибтидоий даврда пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (туш кўриш, галлюцинация, ўлим ва ҳаказо)ни тушунмаган. Улар жон тана билан боғланган ва у танадан чиқиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста-секин абстракт тафаккур ривожланиши билан моддий нарсаларга боғлиқ рух тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Рухлар яхши, сахий ҳамда ёмон, ёвуз рухларга бўлинган. Рухлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади деб

тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга курбонликлар қилганлар. Анимизмнинг айрим кўринишлари бизгача етиб келган.

**Антропогенез** (юнон.) - инсон жисмоний қиёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолиятининг шунингдек, жамиятнинг кундалик ривожланиш жараёни. Антропогенез ҳақидаги таълимот антропология тармоғи ҳисобланади.

**Антропология** (юнон.)-одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ, тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. Антропологлар одам ҳақида тушунча, одамни ўрганувчи фан одамнинг суяк тузилиши, тери ва сочининг ранги ва бошқа типлари, физиологик, жинсий ва бошқа хусусиятларини ўрганади. Антропология ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳасидир. Бу фанга доир фикрлар бундан бир неча минг йил илгари пайдо бўлганига қарамай, у фан сифатида фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Антропологиянинг муҳим соҳаси одам организмнинг тузилиши ва ривожланишига жуда таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларини ўрганадиган бўлими «Одам биологияси» деган умумий ном билан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида фақат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Одам пайдо бўлганидан ҳозирги ҳолатигача унинг бутун ҳаёти ижтимоий жамиятнинг ривожланиши қонунияти билан чамбарчас боғланган. Антропологиянинг фан бўлиб ривожланилишида табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар ижобий рол ўйнади. Замонавий фан нуқтаи назаридан айтганда, антропология кўидаги учта катта бўлимдаг иборат: 1) Одам морфологияси; 2) Антропогенез; 3) Ирқшунослик (этник антропология). Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташқи шароитга қараб ўзгаришини тушунтириб беради. Ирқшунослик одамзод ирқларининг келиб чиқиши даври ва сабабларини уларнинг ер юзига тарқалишини изоҳлаб, этногенез муаммоларини ечишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Антропология биология фанининг фақат назарий соҳаси бўлибгина қолмай, амалий аҳамиятга эга бўлган соҳаси ҳамдир. Унинг далилларидан кўп соҳаларида масалан, одамнинг жисмоний ўсишини ўрганишда, шунингдек суд экспертизасида фойдаланилади.

**Антропологик тип** - муайян ҳудудга мансуб одамзотнинг тузулишидаги ирқий турғун белгиларнинг шаклланган мажмуи. Бу атама билан катта ирқлар, уларнинг бўлимлари ҳам ифодаланади.

**Генеалогия** (юнон.шажара) - ёрдамчи тарих фанлардан бири XVII-XVIII асрларда вужудга келган. Билимларнинг амалий соҳаси, шажаралар тузиш, уруғ ва оилаларнинг келиб чиқиши, айрим шахснинг тарихий ва қариндошлик алоқаларини ўрганади.

**Генезис** (юнон.) - келиб чиқиш. Этнологияда халқларнинг келиб чиқиши.

**Жамоа** (ар.) - кишиларнинг қавмига уюшув шакли. Жамоа асосан ибтидоий жамият тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклларида бири. Жамоа учун ишлаб чиқариш воситалари (кўпинча ерга) биргаликда эгалик қилиш, ўз-ўзини идора этиш ҳукукидан тўла ёки қисман фойдаланиши характерлидир. Жамият тарққиёти жараёнида жамоанинг шакли ва мазмуни ўзгара беради. Жамоанинг уруғ жамоаси, қишлоқ жамоаси, уй, оила жамоаси, қўшничилик жамоаси ёки ҳудудий жамоа каби кўринишлари мавжуд.

**Инициация** (лот.) - бағишлаш, ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросимию исломда ўғил болалар суннати инициация ҳисобланади.

**Инновация** (лот.) - янгиланиш, мерос ва анъаналарни авлоддан-авлодга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги кўринишлар.

**Интеграция** (лот.) - тикланиш, тўлдириш, турли халқларнинг бирлашуви, турли этносларнинг бир ҳудудида этник-маданий алоқаларини ўрнатиш жараёни.

**Ирқ** (ар.) - илдиз, томир, одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган тарихан тарқиб топган ҳудудий бирлигидир. Кишиларнинг тана тузилиши, ташқи қиёфаси (тери, кўз ва суягининг ранги, соқолининг сийрак ёки калинлиги, бўй-баста,

юз тузилиши, бош суягининг шакли, қон гуруҳи) ва бошқаларига қараб гуруҳ-гуруҳга ажратилади. Жаҳондаги барча халқлар тўртта катта ирқларга бўлинади: европоид (евросиё), монголоид (осиё-америка), негроид ва астролоид (Океания). Булардан ташқари ирқий бирикмалар ҳам мавжуд. Ҳар бир ирқ яна бир қанча майда гуруҳларга ҳам бўлинади.

**Ирқлар** - *Homo Sapiens* тури ичидаги систематик гуруҳлар. Ҳар бир ирқ ўзига хос ирсий белгилар, мас, кўз, соч ва тери ранги, юз ва бош кутисига биноан бошқа ирқлардан фарқ қилади. Ҳозирги одамлар 3 та экваториал (негроид, австралоид, евросиё), европоид (осиё-америка, монголоид) ёки 5 та (негроид, австралоид, европоид, монголоид, американ оид) йирик ирқларга бўлинади. Ҳар бир ирқ ичида яна кичикроқ ирқ, яъни кенжа ирқ бўлади. Масалан, экваториал ирқ, негр, негрилл, бушмен ирқ, негр, негрилл, бушмен ирқ, австралия ва бошқа ирқларга, европоид ирқ эса Атлантика-Болтиқ, Ҳинд-Ўрта денгизи, ўрта Европа ва Арктика, жанубий Осиё ва бошқаларга ажралади.

Ирқлар палеолитнинг сунгги даврларида бундан 40-30 минг йил аввал одам ер юзини эгаллаши билан шакллана бошлади. Ўша даврда кўпчилик ирқ белгилари мослашиш хусусиятига эга бўлганлигидан муайян муҳит шароитида табиий танланиш туфайли мустаҳкамланиб борган. Масалан, экваториал ирқда терининг қора ранги ультрабинафша нурлар таъсиридан химояловчи, бурун қатагининг кенг бўлиши, нам тропик иқлим шароитида сув буғланишини кучайтирувчи, тананинг узун бўлиши, тана юзасининг тана ҳажмига нисбатан кенгайтириш орқали терморегуляцияни амалга оширувчи восита сифатида вужудга келган.

Барча ирқлар *homo Sapiens* га хос бўлган умумий хусусиятларга эга, уларнинг барчаси биологик ва психик жиҳатдан тенг бўлиб, эволюцион ривожланишнинг бир хил поғонасида туради. Ҳамма ирқлар маданият ва цивилизация энг юқори даражада ривожланишида бир хил имкониятга эга. Ҳозирги замон фани мавжуд ирқлар бир хил қобилиятга эга эмаслиги, улар эволюциясининг турли босқичларида турганлиги тўғрисидаги ирқчилик ғояларини инкор этади. Одам ирқларни миллат, «тил гуруҳи» тушунчалари билан аралаштириб юбормаслик лозим. Битта миллат таркибида ҳар хил ирқлар ва аксинча битта ирқнинг ўзи турли миллатлар таркибига кириши мумкин.

**Клан** (гель) - авлод, уруғ, қабила, патронимия.

**Конгломерат** (лот.) - бирикиш, қушилиш, боғланиш, тўпланган турли тоифа ва элатларнинг уюштирилишидан ташкил топган ижтимоий-сиёсий тузум. (Масалан, кулдорлик, феодализм даврида тузилган йирик давлатлар).

**Консолидация** (лот.) - мустаҳкамлайман, йириклашув, тил ва маданият жиҳатидан яқин ва қон-қардош бўлган халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирига яқинлашиб қўшилиб кетиши.

**Магия** (юнон.) - сеҳргарлик, одамнинг ўзини ғайри табиий кучлар таъсирида кўрсата олиш қобилиятига асосланган иш амаллари.

**Маданият** (ар.) - инсон қўли ва ақл идроки билан яратилган моддий ва маданий бойликлар. Рус тилида «культура» сўзи аслида лотинча сўз бўлиб, «ишлаб чиқариш», «ясаш», «яратиш» деган маънони англатади. Маданият тушунчаси тарихий давр (антик маданият), аниқ жамият, элат ва миллати ҳамда фаолияти ёки ҳаётининг ўзига хос соҳаларини тавсифлаш учун қўлланилади. Маданият моддий ва маданий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга хўжалик қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, безаклар, таомлар, идиш-товоклар, турар жойлар ва бошқалар киради. Маънавий маданиятга эса оила-никоҳ муносабатлари, урф-одатлар, маросимлар, эътиқодлар, тасвирий санъат, фольклор қабиларни ўз ичига олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқдир.

**Маросим** (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабатлари билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тантаналар билан уюштириладиган расмий йиғин.

**Микроэтнос** - маҳалий халқ ёки миллат ичида баъзи жиҳатлари (шеваси, моддий ва маънавий маданияти, диний тасаввурлари) билан ажралиб турган майда этнографик гуруҳлар.

**Никох** (ар.) - эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими, мазкур маросимда мулла томонидан қиладиган шартнома. Эркак билан аёлнинг ҳуқуқий равишда расмийлаштириладиган оилавий иттифоқи. Эркак билан аёлнинг бир-бирларига ва болаларига нисбатан ҳуқуқий ва мажбуриятлар келтириб чиқарувчи оилавий иттифоқи.

**Тарихий-этнографик вилоят** - маълум ҳудудда жойлашган, узоқ тарихий давр ичида моддий ва маънавий маданиятда умумий хусусиятлар яратган халқлар махсус тарихий-этнографик вилоятларга бўлинадилар. Моддий маданиятга теварак-атрофдаги табиий-экологик шароитга мослашган меҳнат қуроллари, уйлари, уй-рўзғор буюмлари, таомлари, кийим-кечаклари кирса, маънавий маданиятга халқ яратган турли жанрдаги асарлар, халқ амалий безакчилик санъати, пардоз бериш, диний эътиқод, урф-одатлардаги баъзи умумийликлар киради. Масалан, Америка қитъаси энг катта икки тарихий-этнографик вилоят-шимолий Америка ва Лотин Америкасига бўлинади. Этник ва маданий хусусиятлари билан умумий белгиларга эга бўлган кўп халқлар махсус жанубий Осиё тарихий этнографик регион (минтақа)ни ташкил этади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси ҳам махсус тарихий маданий вилоят ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги Фарғона водийси (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари), жанубий Ўзбекистон (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари)ни ҳам кичик тарихий-этнографик регион-минтақаларга киритиш мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган мамлакатларда тарихий-маданий вилоятлар тобора такомиллашмоқда. Тараққиёт сари одимланаётган мамлакатларда ҳам янги тарихий-маданий вилоятлар вужудга келмоқда, шунингдек Африка, Америка, Австралияда ҳозиргача ибтидоий жамоа босқичи даврида шаклланган тарихий-маданий регион (минтақа)ларнинг кўринишлари сақланиб қолган.

**Тиллар классификацияси** - жаҳон тилларини турли белгиларига кўра ўрганиб, гуруҳларга ажратиш. Тилларнинг генетик (генеалогик) классификация уларнинг қариндошчилик белгиларига асосланадиган, яъни умумий ўзак тилдан келиб чиққан тилларни ўз ичига олади: ҳинд-европа тиллари, олтой тиллари, урал тиллари оиласи ва бошқалар. Типологик классификация, генетик ёки ҳудудий яқинликдан қатъий назар, тил тузилиши (морфологик фонологик, синтактик, семантик) белгиларнинг ўхшашлигига асосланади. Шунга кўра тиллар изолюцияловчи (аморф, тип) қадимги хитой, вьетнам, йоруба (аглютинацияловчи) (аглютинатив тип) туркий тиллар, кўпгина фин-угор тиллари (флекцияловчи) флектив тип (рус тили)га бўлинади. Айрим олимлар инкорпорацияловчи (полисинтетик) тиллари (айри палеосиё тиллари, кавказ тиллар)ни ҳам ажратадилар.

**Хўжалик маданий типлар** - жаҳон халқларининг ибтидоий жамият даври (қадимги тош, бронза ва темир асрлари)даги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, турлича табиий шароитда жойлашишининг ва мослашиши уларнинг ҳаётида турли типдаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди. Хўжалик-маданий типлар даставвал муайян жамиятда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир тарихий даврда кишиларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан алоқа характерини белгилайди.

Мазкур типлар кишиларнинг машғулорти ва ишлаб чиқариш қуроллари, турар-жойлари ва уй-рўзғор жиҳозлари, таомлари ва кийим-кечаклари, транспорт воситалари ва бошқа типларга қараб, муайян жамиятнинг ижтимоий тузумини ҳам аниқлаш мумкин. Маънавий маданият хусусиятлари, асосан урф-одатларда, тасвирий санъатда, эътиқоди ва фольклорида ёрқин намоён бўлади. Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бир-бирига яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан характерга эга.

Энг қадимги даврларда пайдо бўлган этносларнинг хўжалик-маданий типли иссиқ тропик ва субтропик иқлимли ўлкалардаги овчилик, терим-тармачилик ва соҳиллардаги балиқчиликдир. Намли тропик ва субтропик жойларда иккинчи маданий-хўжалик типи, ички иссиқ иқлимдаги қўл меҳнатли деҳқончилиги тарқалган бўлиб, бунга қисман овчилик-теримчилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам ёрдамчи ҳисобланган. Иқтисодиёт ва техника тараққиётига янги сифат яратган учинчи маданий-хўжалик типни мотиға деҳқончилик билан чорвачилик қўшилиши натижасида пайдо бўлган эди.

Кейинги даврдаги фан-техника таракқиёти бутун жаҳондаги анъанавий хўжалик маданий типларга жиддий ўзгартиришлар киритди. Европа ва Америкадаги энг ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпчилиги индустриал соҳага жалб этилди, анъанага айланиб қолган қишлоқ хўжалиги ўрнига юксак таракқий этган товар деҳқончилиги ва интенсив чорвачилик, плантацияли қишлоқ хўжалиги пайдо бўлган эди. XX-XXI асрнинг бошларида анъанавий хўжалик-маданий типлар барҳам топа бошлади ва сақланиб қолган белгилари янги мазмун билан бойиди.

**Цивилизация** - инсоният жамияти илгарилама ҳаракатида эришилган даражани ҳамда моддий ва маънавий кадриятларни ўзлаштириш усулини ифодалайдиган тушунча.

**Этник антропология ва ирқшунослик** - антропологиянинг одамзот ирқларининг келиб чиқиш тарихи, сабаблари ва Ер юзига тарқалиши ҳамда халқларнинг антропологик таркибини ўрганувчи соҳаси. Миллат ва ирқ одамзод турларининг бирлиги, моногенизм ва полигенизм, одамзод гуруҳлари ва унинг таркибан антропологик бир хиллик даражасини аниқлаш, ирқларнинг классификацияси, дунё халқларнинг антропологик таркиби, ирқларнинг ҳозирги даврда тарқалиши ва одамзод бирлиги, ирқий белгиларнинг ўзгарувчанлиги ирқларнинг керишуви каби масалалари устида тадқиқот олиб боради.

**Этник бирлик** - кишиларнинг қабила, элат миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиби топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳи. Этник бирлик тушунчаси этнографик жиҳатдан «халқ» маъносини англатади. Кишилар бирлашувининг табиий негизи худуд умумийлиги, шунингдек улар тилининг яқинлиги ва умумийлиги этник бирликнинг вужудга келишига асосий шарт ҳисобланади.

**Этник гуруҳ** - турмуш ва маданиятнинг айри элементлари (тили, моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос хусусиятлари, дини ва б.)ни сақлаган. Халқ ёки миллатнинг алоҳида қисми. Этник гуруҳга, одатда, элат ёки миллатнинг бошқа миллий гуруҳлар билан ассимляцияси ёки элатга ўзининг айрим характери белгиларини сақлаган ҳолда қўшилиши натижасида, шунингдек халқнинг бир қисми асосий этник худуддан узоқ вақт узилиб қолиши миграция жараёнлари, давлат чегараларининг ўзгаришлари ва бошқалар, янги табиий-географик шароитга тушиши натижасида хўжалик ва маданиятда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан пайдо бўлади. Янги этник гуруҳнинг ташкил топишида дин, табақавий гуруҳлар ва бошқалар катта роль ўйнайди.

**Этнографик гуруҳ** - маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан) бири бўлиб, ўзининг баъзи хусусиятлари билан тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, тумурш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган. Этнографик гуруҳ одатда бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб келиши натижасида вужудга келади.

**Этник жараён** - этник бирлик (элат) билан унинг таркибига кирган этник гуруҳлар ўртасидаги хўжалик, иқтисодий, маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришидир. Бу жараён икки хил бўлиниб кетишга ва бирланишга мойилдир.

**Этногенетик жараён** - бу жараёнда халқнинг илк илдизлари ҳосил бўлади. Бир қанча этник гуруҳлар бир-бирлари билан яқинлашиб, кушилиб боради. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маданий маданияти ҳар хил бўлади. Узоқ давом этган этногенетик жараёнда уларнинг ташқи қиёфасида тилида, моддий ва маънавий маданиятида, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлади. Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати доирасида (миллоддан аввалги III-миллодий V асрнинг ўрталари) ўтган. Кейинги даврларда бу жараён ривожланган.

**Этник психология** - социал психология бўлимлардан бўлиб, турли миллий, халқ ва этник гуруҳга хос типик психик хусусиятларни ўрганади. Ўз текширишларида муайян тадқиқот объектининг моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ҳаёти, анъаналари, урф-одати, тил хусусияти, диний қарашлари, шунингдек ўзига хос тасавури, кайфияти, иш-ҳаракатлари тизими ва бошқаларга асосланади. Дастлаб этнография ва антропология фанлари асосида вужудга келгач, кейинчалик ижтимоий психология ва этнография заминидан махсус фан сифатида тўлақонли шаклланади.

Этник тарих-маълум бир халқнинг илк аجدодларидан бошланиб, элат шаклланиши, унинг таракқиёт этиш босқичларини ва элатнинг емирилиши даврини ўз ичига олади.

**Этникос (юнон.)** - халқчил, халқ томонидан яратилган.

**Этногенез (юнон.)** - халқларнинг келиб чиқиши, илгари мавжуд бўлган турли этник компонентлар асосида янги этник бирликнинг таркиб топиш жараёни. Этник гуруҳ, халқнинг шаклланиш жараёни узоқ вақт давом этади. Халқларнинг этногенезини ўрганишда улар келиб чиқишининг дастлабки давригина эмас, балки кейинги шаклланиш тарихи ҳам, шунингдек ҳозирги замон этнографик, лингвистик ва антропологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай мураккаб жараённи аниқлаш, этнография, археология, антропология, тарих, тилшунослик фанлари маълумотларидан фойдаланишни талаб этади, яъни этногенез масаласи фанида комплекс ўрганилади. Этногенез масаласини ўрганиш маданият тарихининг умумий муаммоларини изоҳлаш учун муҳим аҳамиятга моликдир.

**Этногеография (лот.)** - этнологиянинг бир тармоғи. Ер шари, алоҳида мамлакатлар ва уларнинг ҳудудлари аҳолисининг таркиби ва жойлашишини ўрганади. Шунингдек, этногеография қадимги ва ҳозирги этник бирликларнинг жойлашишни текширади ва шу асосида этник чегараларни аниқлайди. Этногеографияга этник география ва этник демография киради. Этногеография антропология билан яқин алоқада. Этнография антропогеографиянинг турли мактабларидан фарқ қилиб, этник бирликлар (халқлар, этник гуруҳлар) ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва тарихий режада географик муҳит табиий-географик омилларнинг таъсири ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг етакчи ролини ўрганади.

**Этнолингвистика (юнон.)** - тилшуносликнинг этнология билан боғлиқ бўлиши. Этнолингвистика халқ одатлари, тасаввурлари, маданияти билан тилнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўрганади. Шунингдек тилда акс этган маданий далилларни дини ва махсус тилларни, табуларни, этник ономастикани ва бошқаларни таҳлил қилади.

**Этноним (юнон.)** - халқларнинг номларини англатувчи атама.

**Этнонимика** - қабила, халқ ва бошқа этник бирликларни ўрганадиган фан.

**Этнос (юнон.)** - элат, халқ. Этнологияда уруғ, қабила, элат, халқ, миллат этнос деб юритилади.

**Этноцентризм (юнон.)** - инсоннинг барча ҳаётий ходисаларини ўзи учун намуна деб билган ўз этник гуруҳи қадриятлари юзасидан баҳолашга мойиллиги; ўз ҳаёт тарзини бошқалар ишидан афзал кўриш.

## Мундарижа.

Кириш.

**1-Боб. Этнология фанлар тизимида, унинг асосий тушунчалари ва ўзига хослиги.**

§1.1. Этнологиянинг фан тарзда шаклланиши-----

§1.2. Этнология предмети.-----

§1.3. Этнология методлари. -----

§1.4. Этнологияни бошқа фанлар билан алоқалари -----

§1.5. Ўзбекистонда этнология фани: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари.-----

**2-Боб: Этнологиянинг асосий йўналишлари ва мактаблари.**

§2.1. Эволюционизм ва диффузионизм. -----

§2.2. Социология мактаби ва функционализм. -----

§2.3. Этнопсихология мактабининг шаклланиши. -----

§2.4. Этнологиядаги янги концепциялар. -----

**3-Боб. Этнос билан боғлиқ асосий назариялар. Этнос, этниклик, этногенез ва этник тарих.**

§3.1. Этнос ва этниклик. -----

- §3.2. Примордиализм. -----
- §3.3. Конструктивизм. -----
- §3.4. Этногенез ва этник тарих муаммоси ҳамда ўзбек халқини шаклланиш жараёни. ---  
-----

**4 Боб. Дунёнинг этник манзараси ва этнослар классификацияси.**

- §4.1. Ер шарининг этник тарихи. -----
- §4.2. XX- асрдаги этник жараёнлар. -----
- §4.3. Дунё аҳолисининг географик классификацияси. -----
- §4.4. Аҳолини тилига қараб классификациялаш. -----
- §4.5. Хўжалик юритиш анъаналарига кўра таснифлаш-----

**5-Боб. Этнос ва маданият.**

- §5.1. Маданият ва унинг этник функциялари-----
- §5.2. Этник маданият. -----
- §5.3. Замонавий дунё маданияти ва этник маданият. -----
- §5.4. Анъанавий миллий маданият. -----
- §5.5. Анъанавий маданиятда маросим ва урф-одатлар. -----
- §5.6. Ўзбек миллий менталитети. -----

Илова

Этнологик дала тадқиқотлари ўтказиш учун наъмуноавий дастур.  
Этнологияга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати











